

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

“ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ф.ф.д. Мусаев О.Р.

Такризчи:

с.ф.д., проф. И.Эргашев

Ўқув-услубий мажмуа ЎзМУ кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	4
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	84
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	87
VII. ГЛОССАРИЙ	ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “**Ҳалқаро муносабатлар**” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Фалсафа фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка кўшма штатлари. Осиё давлатларнинг фалсафа фанини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги фалсафа фанининг ютуқлари билан танишишади.

Модулнинг мақсади ва ВАЗИФАЛАРИ

“Ҳалқаро муносабатлар” модулини ўқитишдан мақсад:

олий ўқув юртларидаги фалсафа фани бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали фалсафа мутахассислиги йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, фаннини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, бу соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Модулнинг вазифалари

тингловчи:

сиёсий фанлар тизимининг ривожланиш тенденциялари, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишларини;

сиёсий фанларсоҳасида республикамиз ва хорижий мамлакатлар эришадиган ютуқларини;

сиёсий фанларнинг замонавий илмий муаммоларига оид тадқиқотларнинг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини;

“Халқаро муносабатлар” ҳақида тушунча ва у билан шуғулланувчи фан ёки фанлар тизимини;

сиёсий фанларсоҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши керак.

ТИНГЛОВЧИ:

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;

машғулотларни олиб боришда кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим;

ТИНГЛОВЧИ:

ҳозирги замон фалсафа фани, унинг таркиби ва тизимидаги ўзгаришларни амалда қўллаш;

сиёсий фанларнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажрата олиш;

сиёсий фанлар фалсафа, мантиқ, этика ва эстетика, фуқаролик жамияти, миллий ғоя ва бошқа фанларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

ТИНГЛОВЧИ:

мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий –иқтисодий салоҳияти, таълим тизими, ўзаро муносабат жараёнларининг ривожланишида фалсафий тушунчаларни амалиётда қўллаш;

инсон ва жамият ўзаро муносабатларининг моҳияти, унинг бир бутун жараён эканлигини талабаларга етказиш ва ижтимоий оқибатларининг прогнозини амалга ошириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Халқаро муносабатлар” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмулотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун фалсафани ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Халқаро муносабатлар” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Каспий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда фалсафа фани йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда фалсафий фанларни ўқитиш самараси, ва республикамизда бу фанининг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Халқаро муносабатлар” ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда фалсафа фани соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларида фалсафа фанининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

“Халқаро муносабатлар” модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий		
1.	Халқаро муносабатларнинг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари	4	4	2	2		
2.	Халқаро муносабатлар фанининг асосий йўналишлари	4	4	2	2		
3.	Халқаро тизим ва унинг хусусиятлари	6	6	2	4		
4.	Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнлари	8	6	2	4		2
5.	Жахон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг интеграциялашуви	8	6	2	4		2
	Жами: 30 соат	30	26	10	16		4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙМАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1-Мавзу: Халқаро муносабатларнинг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари

Халқаро муносабатлар тушунчаси. Халқаро муносабатлар предмети ва объекти. Халқаро муносабатларнинг мақсад ва вазифалари. Халқаро муносабатлар жараёнини тадқиқ этиш методлари.

2-мавзу: Халқаро муносабатлар фанининг асосий йўналишлари

Халқаро муносабатлар фанида ташқи сиёсат масаласи. Сиёсий реализм ва неореализм. Сиёсий идеализм ва унинг хусусиятлари. Модернизмнинг асосий жиҳатлари.

3-мавзу: Халқаро тизим ва унинг хусусиятлари

Халқаро тизим тушунчаси. Халқаро тизим таснифи. Халқаро тизим хусусиятлари. Халқаро тизим муҳити.

4-мавзу: Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнлари.

Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳолатининг вужудга келиши. Глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли.

5-мавзу: Жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг интеграциялашуви

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлар субъекти сифатида. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати концепцияси. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви. Ўзбекистон ва ШХТ. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва МДХ.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8балл**.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
12. Рыжов О.А. Политические конфликты современности: теория и практика. Дисс. д-ра.филос. наук. М.,2 000.

IV. Электрон таълим ресурслари

13. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
14. www. edu. Uz
15. Infocom.uz электрон журналы: www.infocom.uz
16. www. nuuz.uz
17. www.bimm.uz

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи


Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқиний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Халқаро муносабатлар” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Халқаро муносабат</i>			
<i>Халқаро институтлар</i>			
<i>Халқаро сиёсат</i>			
<i>Халқаро алоқалар</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб,

голиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<p style="text-align: center;"><i>1- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиб керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида; - “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб; - “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали
<p style="text-align: center;"><i>2- гуруҳга вазифа</i></p>	<p><i>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</i></p>
<p style="text-align: center;"><i>3- гуруҳга вазифа</i></p>	<p><i>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдироти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</i></p>

4-гuruhga vazifa

- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.

- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Маъруза. Халқаро муносабатларнинг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари

Режа:

1. *Халқаро муносабатлар тушунчаси. Халқаро муносабатлар предмети ва объекти.*

2. *Халқаро муносабатларнинг мақсад ва вазифалари. Халқаро муносабатлар жараёнини тадқиқ этиш методлари.*

Таянч иборалар: *Сиёсат, халқаро муносабатлар, Халқаро муносабатлар тушунчаси. Халқаро муносабатлар предмети ва объекти, сиёсат шакли, элиталар, гуруҳлар, манфаатлар, мафкуралар.*

1.1. Халқаро муносабатлар тушунчаси. Халқаро муносабатлар предмети ва объекти.

Халқаро муносабатлар – бу хавфсизлик, барқарорлик ва ривожланишни таъминлаш мақсадида давлатлар, халқлар халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакл ва методлари, сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар, боқлиқликлар тизимидир. Бу давлат фаолиятининг муҳим соҳаси бўлиб, бусиз ҳозирги цивилизацияни, унинг ривожланишининг асосий тенденциялари ва келажак истиқболини тасаввур этиш қийин. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг ҳаёти у ёки бу даражада халқаро муносабатлар аҳволига боқлиқдир.

Ҳарбий хавфсизликни мустаҳкам таъминлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, таҳдид ва қарши чиқишларга давлатлараро коллектив тарзда қарши курашни кучайтириш, халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, курол-яроқ, гиёҳванд моддалар, одам савдоси билан самарали курашиш, бу иллатларнинг олдини олиш ва ш.к. – буларнинг барчаси миллий хавфсизликни таъминлайди ва жамулжамликда фуқароларда эртанги кунга ишонч уйқотади. Шу билан бир қаторда, фуқаролар демократик институтлар орқали давлатни мустаҳкамлаш ишига иштирок этиб, халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг сиёсий йўлига билвосита таъсир кўрсатади. Сиёсат билан фаол қизиқувчи индивид ўз давлатининг ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг эҳтиёжлари, қадриятлари, афзал тутган мафкуравий қарашларини давлат унинг манфаатларини кўриқлаб турганининг исботи сифатида кўришни хоҳлайди. Шунинг учун халқаро муносабатлар янгиликларнинг, ахборот-таҳлилий хабарларнинг энг оммабоп мавзуларидан бири десак, янгилишмаган бўламиз.

Қайд этиш лозимки, «халқаро муносабатлар» категориясини белгилаш борасидаги ҳар қандай уриниш нафақат тушунчани осонлаштиришни, балки халқаро ҳамжамиятнинг ўткир муаммоларини ечиш йўлларини топишни ҳам ўзига мақсад қилади. Бу осон эмас, чунки халқаро муносабатлар тизими мослашувчан, ўзгарувчан, мураккаб структурали, турли элементларга эга

бўлиб, ўз навбатида, ўзига хос тизими билан фарқланиб туради. Турли давлат тизимига эга бўлган халқаро сиёсат субъектлари хулқ-атворининг универсал ўлчамларини (стандартларини) шакллантириш ва амалга ошириш жараёнини таърифлаб бериш, айниқса, қийин. Халқаро муносабатлар жараёнлари ва ходисаларини фалсафий, социологик, психологик, иқтисодий, тарихий ва ривожланишнинг бошқа релевант аниқловчилари таҳлилисиз нисбатан тўлиқ тушуниш мумкин эмас. Ушбу ҳолат сиёсий жараённинг амалиётчиси, таҳлилчиси, тадқиқотчисини кўпинча комплекс ёндашувдан фойдаланган ҳолда далил ва ҳодисаларнинг чекланган ҳажмига асосланиб халқаро муносабатлар ҳолатини ўрганишга киришишга мажбур қилади. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг долзарб масалаларига тўхталар экан, муаллифлар халқаро сиёсат назариясининг асосий қоидаларига эътиборни кучайтиришга ва ҳозирги ривожланиш босқичида Ўзбекистон Республикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга урқу беришга ҳаракат қиладилар.

1.2. Халқаро муносабатларнинг мақсад ва вазифалари. Халқаро муносабатлар жараёнини тадқиқ этиш методлари.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида, одатда, миллий, диний, минтақавий, глобал, шунингдек, хусусий манфаатлар халқаро муносабатларнинг предмети бўлиб майдонга чиқмоқда. Шу билан бирга манфаатлар тизимида иқтисодий ташкил этувчи қисм ва хавфсизлик манфаатлари нуфузли ўрин тутаяди. Бир қатор мамлакатларнинг манфаатлари жамиятдаги ҳукмрон кадриятлар ва мафкуравий кўрсатмалар билан белгиланиши кам учрайдиган ҳодиса эмас. Шундай давлатлар борки, уларда дин бош мавқега эга, шунга мувофиқ диний ва мафкуравий омилларнинг таъсири ташқи сиёсатда анча юқори бўлади.

Одатда, миллий манфаатлар тўқнашуви натижасида давлатлар ўртасида юз берадиган можароларни ҳал қилиш усуллари ва йўлларини излаб топиш ҳозирги халқаро муносабатларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Можароларнинг сўнгги кўриниши уруш ҳисобланади. Ҳарбий куч ишлатмасдан можароларни ҳал қилиш халқаро ҳуқуқ ва дипломатиянинг фаолият доирасига киради. Можарони ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкинлигига субъектив ва объектив омиллар таъсир қилади. Объектив омиллар ижтимоий ва сиёсий кучларнинг муайян тақсимланишини, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа шароитларни, детерминациянинг хусусий тизими ва воқеалар ривожининг тегишлича кўринишини юзага келтирган жаҳондаги мавжуд вазиятдан келиб чиқади. Бу сценарийлар, одатда, соқлом ақл билан бошқарилади, у барча шарт-шароитни, вазиятни ҳисобга олган ҳолда муаммони ҳал қилишнинг энг кам вайрон қилувчи ва энг оқилона йўлни таклиф қилади. Можаронинг салбий ҳал қилишнинг муқобили консенсус ҳисобланиб, унга халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар асосида сиёсий ва дипломатик воситалар орқали эришилади. Шу сабабдан халқаро муносабатларда халқаро мажораларни ҳал қилиш ва давлатлар ўртасида консенсусга эришишда энг муҳим институтларнинг роли ва функцияларига, қарор қабул қилиш механизмларига катта эътибор қаратилади. Можаро кўп

холларда давлатлар ўртасидаги рақобат натижаси ҳисобланади. Рақобат - бир хил мақомга, бир тамонга йўналтирилган фаолият соҳасига ва барча мавжуд воситалар билан таъминланиши зарур бўлган манфаатлар тизимига эга мустақил, суверен субъектларнинг ҳаммаси учун характерли бўлиб, объектив ходиса саналади.

Давлатнинг фаол ташқи сиёсати халқаро муносабатлар соҳасида самарали рақобат курашининг асосий воситаси ҳисобланади, унинг натижавийлиги миллий манфаатлар ҳимояси ва бу борадаги ютуқлар даражасига кўра баҳоланади.

Кенг маънода ташқи сиёсат – бу халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўлидир. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсат идораси ва бошқа структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадамлари сифатида ҳам қабул қилинади.

Ташқи сиёсат масалаларнинг (вазифаларнинг) икки векторига эга, уларни шартли равишда «ҳимоявий», «мудофаавий» ва «хужумкор» (масалалар/вазифалар) деб аташ мумкин.

«Химоявий» масала (вазифа)лар халқ ва давлат суверенитетини таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мудофаа ва шу каби мақсадлар кўриб чиқиладиганда яққол кўзга ташланади. «Хужумкор» тажаввузкор деган маънода бўлмай, у давлатларнинг кучли рақобати шароитида геосиёсий тартибдаги бир қатор масалаларни ҳал қилиш ва муайян фойда олиш бўйича фаол ташаббускор ташқи сиёсат юритиш зарурати билан боқлиқ.

Ҳар ҳолда, ушбу масалалар (вазифалар) миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича давлатнинг ташқи сиёсий механизми куч-ҳаракатлари шаклида намоён бўлади ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жараёнларида, миллий, минтакавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда, тегишли давлатлараро ташкилотлар тузишда ва ш.к.да акс этади.

Ташқи сиёсат давлатнинг фаолият соҳаси сифатида муайян мухторияти ва аниқ ифода этилган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунинг устига у ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир соҳасида аниқ вазифа, предмет ва методга эга. Шунга мувофиқ ушбу соҳаларнинг ўзига хос хусусияти давлатнинг ташқи сиёсати шаклига қайтадан қурилади. Масалан, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ташқи сиёсат бир қатор муҳим сиёсий, ҳарбий-техник, гуманитар масалаларни ечишни, ушбу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорликни таъминлашни мўлжаллайди. Давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ўзаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролли кучлар жангвор тайёргарлигини оширишга йўналтирилган ҳарбий соҳада биргаликда фаолият юритишни кўзда тутди. Давлат олдида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқа масалалар туради. Бу ерда чет эл инвестициясини жалб қилиш, коммуникацияни ривожлантириш, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ваҳ.к. масалалар асосий вазифа ҳисобланади.

Давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва асосий йўналишлари фақат

миллатнинг иқтисодий, ҳарбий, ахборот ва демографик ресурсларини қамраб олган умумий қуввати (потенциали) билан таққослагандагина айнан бир хил мос ва натижали бўлади.

Ташқи сиёсат мақсадга эришишнинг турли тамойиллари, метод ва механизмларига таянади. *Дипломатия*¹ ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизми ҳисобланади.

Ҳозирги дипломатия ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришувни, мамлакатдан ташқарида ўз давлат ва фуқароларининг манфаатларини таъминлайди, давлатларнинг музокаралар жараёнини, ахборот ҳамкорлигини (алмашинувини) ташкил қилади, давлат ва ҳукумат бошлиқлари, давлатнинг ташқи алоқа органлари ҳамда бевосита дипломатларнинг расмий фаолияти шаклида амалга ошади. Дипломат (французча «diplomate» сўзидан) – ташқи алоқалар идрорасининг (марказий ёки хорижий аппаратнинг) ходими бўлиб, у эгаллаб турган лавозими туфайли хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан расман алоқа қилиш соҳасида бевосита мазкур идора вазифаларини бажаради.

Дипломатия соҳасидаги баъзи хорижий экспертлар ҳар хил «дипломатия турлари» нинг қатор рўйхатини фан сифатида келтиришади.

- Одатдаги икки томонлама дипломатик каналлар орқали алоқалар ва музокаралар.

- “adhos” кўптомонлама конференциялар.

- Маслаҳатлашув дипломатияси (муаллифлар ушбу категорияга, жумладан, НАТОни киритишади).

- Янги инструментлар ва шакллар дипломатияси (муаллифлар белгилашига кўра: ихтисослаштирилган агентликлар ва функционал ташкилотлар).

- Парламентар дипломатия (қонунчилик ҳокимияти органларининг халқаро алоқаси).

- Маданий дипломатия ва ахборотга оид фаолият.

- Иқтисодий дипломатия (молиявий ёрдам, қарзлар, инвестициялар, савдо).

- Техник ёрдам дипломатияси.

- Ҳарбий соҳадаги дипломатия.

- Қуролсизланиш ва қуролланишни чеклаш дипломатияси.

- Разведка билан шуқулланувчи дипломатия.

- Хусусий гуруҳлар ва алоҳида шахслар дипломатик фаолияти.

Айнан музокараларда битимга келиш билан боқлиқ дипломатик фаолият чоқида, одатда, ўзаро ён беришлар орқали турли давлатлар позициялари, уларнинг хоҳиш-иродалари келишиб олинади. Ушбу келишилган хоҳиш-иродалар халқаро шартнома меъёрларида ўз ифодасини топади. Халқаро шартнома тузиш жараёнининг навбатдаги босқичи (имзо чекиш, ратификация қилиш, ратификация қилинган грамоталарни алмашув ёки уларни

¹ «Дипломатия» грекча *dipl+oma* сўзидан келиб чиққан. Садимги Грецияда ёзув туширилган қўшқаватли юпка тахтачалар шундай аталган. Улар элчиларга уларнинг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрликлари ва хужжатлари сифатида берилган.

депонентлаш ва ш.к.) ҳам кўп даражада дипломатик фаолият билан боқлиқ. Халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаси (меъёри) давлатлар ўртасидаги муносабатлар амалиётидан, давлатнинг ташқи сиёсий ҳаракатларидан ўсиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасида расмийлаштирилган муносабатлар тепасида (устида) туради ва моҳиятига кўра халқаро муносабатлар маданияти ривожланиш даражасининг индикатори ҳисобланади. Халқаро муносабатлар ривожини, хусусан, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, уларнинг барқарорлигини, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, хавфсизликни миллий, минтақавий, глобал даражада таъминлаш каби масалалар давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларини яратиш ва бажариш борасида қандай самарали ҳамкорлик қилишларига боқлиқ бўлади. Халқаро муносабатлар турли ҳаракатланувчи кучлар ва мотивлар таъсирида ривожланади, аммо улар ичида давлатлар-субъектлар манфаатларининг мос келиши ёки тўқнашуви, манфаатларни ҳимоя қилиш, улар бўйича келишувга эришиш ҳал қилувчи аҳамияга эга. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсий манфаатлари, мақсад ва вазифалари, аввало, миллий эҳтиёжлар, манфаатлар ва кадриятлар билан, уларни халқаро майдонда ҳимоялаш ва таъминлаш билан боқлиқ. Шу билан бирга конституцион меъёр ва тамойиллар энг муҳим, доимий бўлган манфаат ва кадриятларнинг ҳуқуқий ифода шакли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда конституция давлатнинг ташқи сиёсатини тартибга солишни ўз ичига қамраб олади. Ташқи сиёсат предмети конституция таркибига киритилганда ёки унинг алоҳида меъёрлари билан тартибга солинганда, ташқи сиёсат у ёки бу давлат конституцион ҳуқуқининг таркибий қисмига айланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги конституциялар одатда куйидагиларни акс эттиради: 1) давлат ташқи фаолиятининг асосий тамойилларини; 2) уруш эълон қилиш ва тинчлик битимини тузиш билан боқлиқ масалалар; 3) элчилар тайинлаш; 4) халқаро ва давлат ичидаги ҳуқуқий меъёрларнинг ўзаро нисбати; 5) Халқаро шартномалар (битимлар) тузиш, ратификациялаш ва деносация қилиш бўйича давлат органларининг ваколати; б) инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш – фуқаролик олиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, экстрадиция, бошпана ҳуқуқи соҳасида ҳамкорликни белгиловчи ҳуқуқлар. Хусусан, Ўзбекистон конституциясида кириш қисмида қайд қилинган ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларнинг устунлиги белгиланмоқда, 17-моддада эса ташқи сиёсатни ташкил қилиш масалаларида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига олий юридик куч мақоми берилган. Ўзбекистон Республикасининг 17-моддасида шундай кўрсатиб кўйилган: «Унинг ташқи сиёсати...куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик... нормаларига асосланади». Ўзбекистоннинг Асосий қонуни давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга

кириши ва улардан ажраб чиқиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси иккинчи қисми). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва унинг палаталари, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ташқи сиёсат борасидаги вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатларини бевосита тартибга солади.

Конституция олий юридик кучнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланар экан, нафақат ҳуқуқий, балки шу билан бир қаторда мамлакат ташқи сиёсати соҳасига тарқаладиган сиёсий ва мафкуравий функцияларни ҳам бажаради. Бундай вазиятда конституция асосий қонун нормаларига умумий амал қилиш орқали давлатнинг ташқи сиёсатда тутган йўлига ҳам бевосита, ҳам бавосита таъсир этиши мумкин. Бавосита таъсир, одатда, бу қайси соҳада юз беришидан қатъи назар, конституция қоидаларини (низомларини) бажаришнинг изчил амалиётида намоён бўлади².

Халқаро муносабатлар тизимида дипломатия, халқаро ва миллий ҳуқуқнинг роли ушбу соҳанинг ўзгарувчанлиги ва мураккаб тузилишли эканлигини ҳисобга олиб, комплексли ва тартибга соладиган характерга эга.

Халқаро муносабатлар ўз моҳиятига кўра ўсиб борувчандир. Бу доимий ўтиш ҳолат бўлиб, унда давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг анъанавий ҳамда янги шакл ва методлари чатишиб кетади. Бу халқаро муносабатлар мазмуни ва характерига таъсир этиш куч марказининг доимий аралашиб туришидир. Ҳатто жаҳондаги тинчликсевар (сулҳпарвар) мамлакатлар ушбу муносабатларга таъсир этишнинг нисбатан барқарор омили сифатида, ўз навбатида объектив жараёнлар таъсирига учрайди ва вақтнинг маълум бир пайтида қарор топган вазиятни бутун дунёда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги стратегиясини шакллантириш учун асос сифатида ҳисобга олишга мажбурдирлар. Халқаро муносабатларга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ҳам худди сиёсат ва иқтисоид оламиндек, манфаатлар ва эҳтиёжларнинг тегишли тизими каби ўсувчан ва ўзгарувчандир. Кейингилар халқаро конъюнктурани вужудга келтиради.

Халқаро конъюнктура – бу шундай кўрсаткички, у, аслида, санок вақти ва таққослаш вақти ўртасидаги оралиқ бир неча кеча-кундуз вақт билан ҳисобланса ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмайдиган тегишли муносабатларнинг ҳажм ва характерини белгилаб беради.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар мазмуни ва суръатига давлат томонидан ва халқаро-ҳуқуқий жихатдан тартибга солинишга ён бермайдиган (бўйсунмайдиган) гуманитар, ахборот (информацион), илмий, этномаданий ва бошқа омилларнинг таъсири янада яққол кўринмоқда. Ташқи сиёсат миқёс ва диапазонининг кенгайиш тенденцияси нафақат давлат ва ҳукуматнинг сиёсати

² Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистаню –Автореф. Дисс.на соиск. степ. д.п.н. – Ташкент, 2002.

сифатида, балки умуман мамлакат, жамиятнинг ташқи дунё билан алоқасининг бутун мажмуи сифатида ҳам тқхтовсиз кучайиб бормоқда. «Ўзининг иқтисодий, ижтимоий-маданий, ахборот (информацион) ва бошқа аха-миятига кўра ҳозирги дунёнинг кўпчилик мамлакатларидаги бундай алоқалар давлат ва ҳукуматнинг бевосита ташқи сиёсати йўналишида амалга оширилаётган алоқаларидан кўп бора «ошиб» кетади»³. Нодавлат субъектлар ролининг ўсиши ҳисобига халқаро муносабатлар солиштирма оқирлигининг қисқарганлиги бугунги кунда тез-тез тилга олинмоқда⁴. Бунинг устига, ушбу муносабатлар таъсирининг ўсиши нафақат обрўли нодавлат жамоат ташкилотлари, балки ўз фаолиятида субъектив идеологияга таянадиган хусусий ташкилотлар йўналишида ҳам юз бермоқда (масалан, Сорос фонди). Агарда гап, масалан, йирик давлатлар каби нуфузли халқаро кучлар манфаатлари билан кўпинча мос тушадиган оддий нафсониятлар (амбициялар) ҳақида бораётган бўлса, яхши. Бунинг натижасида бундай тузилма ушбу давлатнинг у ёки бу давлатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга таъсир этувчи воситаси ёки таъсир агентига айланади. Бундай бирлашмага (иттифоққа) қарши туриш қийин, лекин мумкин, бундай тузилмалар кўпинча ўз мақсадларини бекитишмайди. Бундай тузилмалар мафкураси остида яширин сабаб бўлса, буниси ёмон. Террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи, уюштирувчи, режалаштирувчи, бундай хатти-ҳаракатларга тайёрловчи, уларни амалга оширишга қаламисларча ундовчи, террористларни ёллайдиган, тайёрлайдиган ва қуроллантирадиган, уларни молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлайдиган тузилмалар, айниқса, хавфли. Бундай ташкилотлар турлича кўринишда, кўпинча беозоргина ёки фаол ҳамдардлик ва тушунишга чорловчи байроқлар остида чиқиши мумкин (масалан, тантанали эълон қилинаётган маслаклар диний, хайр-саховат ёки гуманитар мазмун ва мақсадга эга бўлганда).

³ Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность // Мировая экономика и международные отношения. -№9, 1999. С.8.

⁴ Современные международные отношения. / Под ред. А.В.Торкунова. –М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000.- С.70-93.

2-Маъруза. Халқаро муносабатлар фанининг асосий йўналишлари

Режа:

1. *Халқаро муносабатларда ташқи сиёсат масаласи*
2. *Сиёсий реализм*
3. *Сиёсий идеализм*
4. *Модернизмнинг асосий жиҳатлари*

2.1. Халқаро муносабатларда ташқи сиёсат масаласи

Барча давлатларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўзининг хусусиятларини киритгани сингари ҳозирги босқичнинг ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар ва уларнинг ривожланиши давлатларнинг ташқи сиёсатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро муносабатларга, улар қандай бўлишидан катъий назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли хилдаги натижаларига олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг қуйидаги ҳолатлар билан изохлаш мумкин.

Биринчидан: айрим ҳолларда давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этишга ва унга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунда гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муносабатда бўлгани ҳолда муносабат билдириши ҳақида бормоқда. Шундай давлатлар борки, улар айрим ҳолларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай, халқаро аҳамиятига молик масалаларини ҳал қилишда бирон-бир даражада устун бўлишга ҳаракат қилади. Бундай ўриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва мақсадларига зид келиб қолади ва натижада халқаро муносабатларда тенглик ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга солиб туришда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар халқаро майдонда рўй берган вазиятга ўз муносабатларини билдирадilar ва унда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар. Масалан: кейинги йилларда Босния, Сербия, Хорватия, Герцогования мамлакатлари ўртасида келиб чиққан уруш ҳаракатлари, Чеченистон воқеалари, Афғонистон ва

Тожикистондаги можароларга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланади.

Бу минтакалардаги ҳарбий ҳаракатларни тухтатиш ва можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш зарурлиги давлатимиз ташқи сиёсатида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон давлати ҳам кўпчилик бошқа давлатлар сингари ўзининг ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй берадиган айрим нохуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатида кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим ҳолларда халқаро муносабатларда келиб чиқадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда манфаатли бир-бирига зид келиб қолади. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатида хос белган субъектив ендошишлар устунлик келиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларнинг боришида салбий ҳолатлар келиб чиқади.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чиқадиган салбий ҳолатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бу муносабатларда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишга бир томонлама ендошиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб келмаган.

Халқаро муносабатлар халқаро сиёсатнинг шундай мураккаб соҳаси ҳисобланадики, ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бу мураккабликларни ҳисобга олиши лозим. Халқаро муносабатлар алоҳида олинган бир мамлакат ҳаётига дахлдор бўлганлиги учун ҳам бу муносабатларда жаҳондаги барча давлатларнинг ёки кўпчилик давлатларнинг мақсад-манфаатлари умумлашган тарзда акс этади. Бундай шароитда халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Халқаро муносабатларда ташқи сиёсати белгиловчилик роли шунда намоён бўладики, бу муносабатлароанинг қандай ривожланиши биринчи навбатда давлатларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётида амалда бўлган бошқа бирон-бир ташкилот ёки сиёсий куч халқаро муносабатларга давлат ташкилоти сингари кучли таъсир қила олмайди. Хатто Бирлашган миллатлар Ташкилоти ҳам ўзининг халқаро муносабатларига таъсирини унга аъзо бўлган давлатлар орқали амалга оширади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширадиган махсус орган Ташқи ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлатларнинг ташқи сиёсатида ифодаланган вазифаларни хилма-хил бўлиб, уларнинг самарали ҳал қилиб борилиши ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфўзли ва обрў-эътиборининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Халқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг белгиловчилик

роли уларнинг бу муносабатларнинг ривожига кўшадиган амалий ҳиссаси билан ҳам белгиланади.

Давлатларнинг халқаро муносабатлардаги амалий ҳиссаси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий йўллар билан кумак беришда аниқ намоён бўлади.

Давлатларнинг халқаро муносабатларниг долзарб муаммоларига доир масалалардаги муносабати белгилаб берувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва кабул қилиниши ҳам уларнинг ташқи сиёсати орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган ҳужжатлар: шартномалар, декларациялар, меморандумлар, баёноتلар ва бошқа турдаги сиёсий ҳужжатлар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг асосий жиҳати ҳисобланади.

Барча давлатлар бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини турли йуналишлар орқали амалга оширмоқда. Бундай йуналишлар турлича бўлиб, улар давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмунини белгилаб бермоқда.

Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йуналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашга интилиши, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва ташқи сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун курашнинг хавфсизлик учун кураш билан бирлигини ифода қилади ва шу асосда давлатлар сиёсатига асос бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийдашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Дунёнинг айрим минтакаларида тинч вазиятнинг бўзилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий курол-яроғлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий ҳаражатларни кўпайтиришга игтилиш сингари ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлини ўз ташқи сиёсатининг асосий йуналиш қилиб олмоқда.

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсатининг бўлишидан иборат. Бу курашда сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа чоратadbирларнинг ўзаро уйгун тизимига эга бўлиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини яна шу асосда куришга ва олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йуналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги шундаки, бу сиёсат орқали давлатлар ўзининг имкониятларидан келиб чиққан

холда уларни ҳал қилишда иштирок этади.

Умумбашарий муаммолар у ёки бу мамлакат ҳудудида келиб чиққан бўлишига қарамай, уларнинг зарарли оқибатлари барча сиёсатида чуқур англаб этилмоғи лозим. Давлат сиёсатида сансоларликка йўл қуйиб бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишга ҳам ташқаридан томошабин бўлиб қолиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиёжларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўзининг ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб етиши ва уларни ҳал этишга амалда ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йуналишларидан биридир. Давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик ҳолатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чиқади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида халқаро вазиятнинг ўзгариб туришини тўғри ҳисобга олиши унда рўй берадиган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб етиши, уларнинг оқибатларини олдиндан сезиши ва шу асосда халқаро вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим. Халқаро вазиятнинг боришини тўғри баҳолай билиш бу соҳада келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари олдиндан аниқлаш имконини беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йуналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб боришдан иборат. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларида иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади.

Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим йуналишларидан биридир. Давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли билан белгиланади. Давлатлар турли хилдаги халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади. Уларнинг бундай иштироки ўз ташқи сиёсатининг ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ташкилотларнинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти бениҳоя катта бўлганлиги сабабли уларнинг фаолияти давлатларнинг ташқи сиёсатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, давлатларнинг ташқи сиёсатида уларнинг халқаро ташкилотларга муносабат билдириши ҳам турлича бўлиши табиийдир.

Ҳозирги даврда ташқи сиёсатни мафкурадан холи қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти жаҳондаги кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда ва бунинг учун амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай ҳаракатлар давлатлар ташқи сиёсатининг йуналишларидан бири сифатида давлатлараро муносабатларнинг ривожидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

ғоявий мухолифлик барча замонларда ҳам давлатлар ўртасидаги душманлик муносабатларининг кескинлашишига сабаб бўлиб келган. ғоявий мухолифликка асосланган давлат сиёсати ҳеч қачон самарали натижага олиб келмаган. Аксинча, бундай сиёсат айрим ҳолларда дунёни ҳалоқат екасига олиб келган. Шунинг учун ҳам ғоявий курашдан воз кечиш ҳозирги кунда давлатлар ташқи сиёсатидаги муҳим йуналишлардан бирига айланиб қолмоқда. ғоявий курашнинг зарурли оқибатларини Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қуйидагича таърифлаб кўрсатади: "“ғоявий мухолифлик утмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалоқат екасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, бутун-бутун халқларнинг фожиасига сабаб бўлаётир”.

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларида ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдида б урчи ва маъсулияти ақс этади. Бунинг маъноси шундаки, давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали жаҳон сиёсатида рўй берадиган ўзгаришларга баҳо беришни, ўзаро мажбуриятларни доимо ҳис қилиб туришни, ташқи сиёсат соҳасида кўпчилик давлатлар учун маъқул бўлган қоида ва нормаларга амал қилишни ўз фаолиятларининг асосий жиҳати деб билишлари талаб қилинади.

Ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиладиган тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкил топиш жараёнида бу муносабатларни самарали ривожлантириш этиежларидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам давлатларнинг ташқи сиёсатида амал қиладиган тамойиллар мажбурий ҳарактерга эга эмас. Уларга амал қилмаслик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига сабаб бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида кўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларни ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувафқлаштиришларини талаб этади. Бу объектив зарурият давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларнинг талабларидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини утказмаслиги, ички ишларга аралашмаслик, ғоявий мухолифликдан хола бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирга босқичда давлатлар ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда. Бу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Ташқи сиёсат соҳасида давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги тамойили халқаро аҳамиятга доир масалаларни қандай муҳокама қилиш ишларида ҳар бир давлатнинг ҳеч қандай чеклашларисиз иштирок қилиниши, уларнинг қабўл қилаётган қарорларида барабар овоз бериш ҳуқуқига эга

бўлишини билдиради. Бинобарин, ҳеч бир давлат ташқи сиёсат соҳасида ҳам ўзининг камситилишига йўл қуймайди.

Давлатлар ташқи сиёсатининг тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда бир давлатнинг бошқасига нисбатан ўз ҳуқумини утказишга ўриниши рўй бериб турган. Бундай ҳаракатлар оқибати кўп ҳолларда босқинчилик урушлари билан тугаган. Аммо бунга барча мамлакатлар ташқи сиёсатига хос хусусият деб қарамаслик керак. Дунёда кўпчилик давлатлар ўзининг ташқи сиёсий фаолиятини бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида олиб борган. Бундай давлатларнинг халқаро давлатларнинг майдондаги обрў-эътибори ошиб борган. Шунинг учун ҳам кўпчилик давлатлар ташқи сиёсат соҳасида бошқа давлатларга ўз ҳуқумини утказмасликка ҳаракат қилиб келмоқда ва бу соҳадаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида бу тамойилга оғишмай амал қилиш асосида жаҳон ҳамжамиятида алоҳида нуфўзга эга бўлмоқда.

Давлатлар ўртасида ишончсизлик ҳолларнинг рўй бериши уларнинг ички ишларига аралашиб оқибатида келиб чиқади. Бундай ҳолатлар давлатлар тарихида жуда кўп бўлган. Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Кейинги ун йилликлар давомида собик СССР, АҚШ, Англия, Франция, Исроил, Жанубий Африка Республикаси, Хитой сингари мамлакатларнинг ташқи сиёсатида бошқа давлатларнинг ва халқаро муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзларининг ташқи сиёсатида ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилишга ҳаракат қилмоқдалар ва бошқа давлатларни ҳам бунга даъват этмоқдалар.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий муҳолифатликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. ғоявий муҳолифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаштиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади. Сиёсат дунёсида сиёсий соҳадаги ихтилофлар билан боғлиқ манфаатлар тўқнашади. Демак, сиёсатнинг асосий вазифаси ихтилофларни бартараф этиш ҳисобланади. Айни вақтнинг ўзида инсоният келаётган ҳавфларга тайёр туришга ҳам ҳаракат қилади. Бундан мақсад ҳавфсизлик ҳисобланади. Демак, сиёсатнинг табиатида ихтилоф ва консенсус мавжуд.

2.2. Сиёсий реализм.

Сиёсий реализмни биз реализм мактаби билан адаштиришимиз керак эмас. Реализм мактаби II-Жаҳон урушидан сўнг вужудга келган. Сиёсий реализм эса анча чуқур тарихга эгадир. Сиёсий реализмнинг назариялари реализм мактабининг вужудга келишидан анча олдин мавжуд бўлган.

Сиёсий реализмнинг тарафдорлари дунё қандай бўлса, уни шундайлигича тушуниш керак, деб ҳисоблашади. Н.Макиавеллининг фикрига кўра, давлат арбоби, агар у мағлуб бўлишни хоҳламаса, бошқарувда реал вазиятни

инобатга олиши зарур.² Сиёсий реализмнинг ўзига хос тамойиллари ва қонуниятлари мавжуд.

1. Сиёсатнинг асосий субъекти давлат ҳисобланади (унинг асосий вазифаси - фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш);
2. Давлат жаҳон сиёсатининг асосий акторидир;
3. Рақобат ва конфликт сиёсатнинг асоси ҳисобланади ва улар жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмидир;
4. Куч ва зўравонлик ички ва ташқи ихтилофларни ҳал қилишда асосий восита сифатида намоён бўлади;
5. Давлатлар ўзларининг қудратларини ўстиришда бошқа давлатларнинг қудратларини ва манфаатларини кузатадилар.

Шундай қилиб, сиёсий реализмнинг намоёндаларига кўра, сиёсатнинг асосини мафкура ёки ахлоқ эмас, балки сиёсий манфаатлар ташкил қилади. Уларнинг назарияларига кўра, манфаат - сиёсатнинг асосий мотиви сифатида намоён бўлади.

Сиёсатда дўст ва душман шартли равишда мавжуд бўладилар. Улар тез ўзгариши ҳам мумкин. Мана шу ҳолат инглиз давлат арбоби лорд Ф.Полмерстаннинг фикрларида кўрилади. Унинг айтишича, бизларда абадий дўст ёки душман йўқ, балки бизларда абадий манфаатлар мавжуд. Кўпгина тадқиқотчилар сиёсий реализм давлат пайдо бўлгандан сўнг вужудга келган, деб ҳисоблашади. Чунки, давлат ва ҳокимиятнинг пайдо бўлиши манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлган. Сиёсий реализмнинг асосчиси Фукидит ҳисобланади. У ўзининг “Пелопонес уруши” деб номланган асарида шундай ёзган: “Кучли давлатлар нима хоҳласалар шуни қилиши мумкин, кучсиз давлатлар эса уларга кучли давлатлар нимани буюрсалар, шуни қилишга мажбурдирлар”.

Сиёсий реализмнинг асосчилари Н.Макиавелли ва Т.Гоббс ҳисобланади. Уларнинг таълимотларига кўра, сиёсатнинг асосий воситаси куч ҳисобланади. Айнан улар инсон ва сиёсатнинг табиатига пессимистик руҳда ёндошганлар. Н.Макиавеллининг фикрига кўра, инсон гуноҳкор мавжудот, шунинг учун кучли ва ахлоқсиз давлат бошқаруви мавжуд. Унга кўра, давлат арбоби шердек кучли ва тулкидек айёр бўлиши керак. Давлат раҳбари, агар буни давлат манфаатлари тақозо этса, ўзининг ваъдаларини бажармаслиги мумкин.

Т.Гоббснинг таълимоти ҳам сиёсий реализмнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. У ҳам Н.Макиавелли сингари инсоннинг гуноҳкорлигини эътироф этади ва Арастунинг “Инсон - жамоавий ва сиёсий мавжудот” деган фикрига қарши чиққади. Унинг фикрига кўра, инсон ижтимоий мавжудот эмас, чунки инсонларнинг табиий ҳолати бир-бирини ўлдириш билан белгиланади. Агар инсонларни тўхтатиб қоладиган куч бўлмаса, улар уруш ҳолатида ҳаёт кечирадилар. У куч ҳуқуқни шакллантиради, деб ҳисоблайди, ҳуқуқ эса давлат суверенитетини таъминлайди. Сиёсий реализмнинг шаклланишида Г.Гегель, Д.Фихте, О.Конт концепциялари муҳим ўринни эгаллайди. “Ҳуқмронлик инсонларнинг табиатида мавжуд”, - бу

²Н.Макиавелли Государь. М.:1995.204-бет

муаллифларни бирлаштирувчи ғоя эди. Мазкур тезисни улар, айниқса, давлатлараро муносабатларда исботлашга уринишди. Сиёсий реализмнинг ғояларига биз кучли баланс назарияларини, анъанавий геосиёсат асосчиларининг ғояларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

II-Жаҳон урушидан сўнг сиёсий фанларда реализм мактаби вужудга келади. Унинг ғоялари асосида куч сиёсати ётади. Шуни айтиш керакки, АҚШ ва СССРнинг сиёсати кучга асосланган эди. Реализм мактабининг асосчилари АҚШ ва СССР ўртасидаги конфронтациянинг табиатини очиб беришга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрига кўра, куч - халқаро сиёсатнинг асосий қонуни ҳисобланади. Бу назарияларга кўра, АҚШ ва СССР ўртасидаги конфронтация ушбу давлатларнинг қудратли бўлганлиги билан ўлчанади. Улар Вильсоннинг идеалистик тамойилларига қарши чиққанлар. Реализм мактабининг асосий тамойилларига М.Спайкмен, Р.Нибур, Э.Карр ва Г.Моргентау асос солганлар. Улар ҳам куч сиёсатда ўзининг мақсадларини тадбиқ қилишда энг асосий восита, деб ҳисоблайдилар.

Э.Каррнинг эътироф этишича, сиёсий реализмга муқобил бўлган оқимлар утопик ҳисобланади ва улар реал воқеаларни акс эттирмайдилар. Реал сиёсат мактабининг концепциялари Г.Моргентаунинг “Давлатлараро сиёсат” асарида баён этилган.

Сиёсий реализмнинг намоёндаларига кўра, куч халқаро муносабатларда асосий восита ҳисобланади, куч давлат ҳокимияти ва инсон табиати билан боғлиқ. Куч нафақат деструктив балки, конструктив роль ўйнаши ҳам мумкин, чунки у барқарорликни таъминлашда асосий восита ҳисобланади. Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, куч конфликтларни ҳал қилишда энг самарали восита сифатида намоён бўлади. У ёки бу давлатларни уруш олиб бориш имкониятлари уни қудратли давлатлар сафига қўшган. Агарда давлатлар уруш олиб бориш имкониятига эга бўлмасалар улар қудратли давлатлар сафига қўшилмаганлар. Конституциявий асосий тамойилларга ва халқ суверенитетига куч ёрдамида эришилган. Мисол қилиб айтганда, ички суверенитет тушунчаси реформация ва динлараро урушлар натижасида вужудга келган. Энг комил конституциялар вужудга келиши асосида зўравонлик ётади.

Сиёсий реализм тарафдорларига кўра, агар сиёсатда ҳокимият асосий ўринда бўлса, демак ҳар бир сиёсат куч билан боғлиқ. Сиёсий акторларнинг феъл - атвори жамиятдаги куч тақсимооти билан боғлиқ. Кичик ва кучсиз акторлар ўзини бошқача тутишади. Буни биз халқаро муносабатларда ҳам кўришимиз мумкин.

Сиёсий реализмнинг тарафдорлари давлатнинг қудратини шундай таърифлашган. Реализмнинг намоёндаларига кўра, бошқа давлатларнинг қудратини кузатиш давлатларнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Ўзининг “Пелопонес уруши” деб номланган асарида юнон тарихчиси Фукидит шундай деб ёзган: “Менинг назаримда, Пелопонес урушининг сабаби шундаки, афиналикларнинг қудратини ўстирмаслик локидимянларни асосий мақсади

бўлган”.³ Кучли давлатларни ҳарбий кучсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсониятнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, куч давлатларнинг асосий таянчи ҳисобланади. Демак, зўравонлик ички ва ташқи сиёсатда ҳар доим мавжуд. Давлатлар бир-биридан ўзларининг имкониятлари билан фарқ қилади, баъзи бир давлатлар ривожланган саноат ва ҳарбий кучга эга бўлган бўлса, бошқалари ҳарбий мудофааси ривожланмаган ва заиф саноатга эга бўлади. Халқаро тенгсизлик ҳаёт реаллиги сифатида намоён бўлади. Мана шу ҳолат, давлатлар бошқа давлатларга тобе бўлишига сабабдир. Ҳозирги кунда халқаро муносабатлар ўзгарган бўлсада, кучли ва кучсиз давлатлар антиномияси ҳалигача мавжуд. Замонавий дунё ҳамжамиятида тинчлик учун жавобгар давлатлар мавжуд. Бу ҳолат уларнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати билан белгилананди. Реализмнинг намоёндаларига кўра, халқаро муносабатлар олигопалистик руҳда мавжуд. Бу ерда уч -тырт давлат халқаро майдондаги мавқеълари учун курашадилар. Халқаро муносабатларнинг динамикаси эса, бир давлатнинг ғалаба қозониши ва бошқа давлатларнинг мағлуб бўлиши билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир давлат ўзининг қудратини оширади ва ўзининг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Реализмнинг намоёндалари баён қилишича, бир давлат бошқа давлатларнинг қудратини туширишга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун давлатлар орасида қудратга эга бўлиш учун рақобат мавжуд. Буларнинг барчаси кичик давлатлар халқаро муносабатларда катта мавқега эга эмаслигини кўрсатади, чунки катта давлатлар халқаро сиёсатда ўз қоидаларига бошқаларни бўйсундирадилар. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, цивилизациянинг ривожланиши билан ҳарбий харажатлар ҳам ошиб бормоқда. Бу ҳодисани биринчи бўлиб, А.Смитт аниқлаган. Мазкур ҳолатни биз ҳозирги вақтда ҳам кузатамиз. Чунки давлатлар халқаро муносабатларда юқори поғоналарга эга бўлишга ҳаракат қилишади. Реализм мактабининг намоёндалари халқаро муносабатларнинг ўлчамларини, ўзгарувчан ва ўзгармас омилларни аниқлашга ҳаракат қилишган. Уларнинг назарияларига кўра, давлатлар биринчи навбатда ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ва тадбиқ этишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун халқаро муносабатлар анархистик кўринишга эга ва манфаатлар куч орқали тадбиқ этилади.

Моргентаунинг фикрига кўра, кучинсониятнинг асосий қонуни ҳисобланади. Моргентаунинг назарияларида асосий ўринни “рейсон деентет” эгаллайди. Яъни ўзининг хавфсизлигини куч орқали таъминлаш давлатларнинг асосий мақсади ҳисобланади. А. Карнинг фикрича, куч ҳар бир сиёсий тузилманинг асосий қисми ҳисобланади. Шуни айтиб ўтиш керакки, реализмнинг намоёндалари куч тушунчасини талқин қилишда ягона бир фикрга келишмаган. Бугун ҳам бу борада фанда кўпгина баҳслар мавжуд. Масалан, Г.Моргентау куч у ёки бу давлатнинг ресурсларга эгаллиги билан боғлиқ. Г.Моргентау давлатларнинг асосий ресурсларига қуйидагиларни киритади:

³ А.П.Цыганков Теория международных отношении М.:1997.93-бет.

- харбийсалоҳият;
- ишлабчиқариш қудрати;
- хом ашёресурсларинингмавжудлиги;
- халқнинг кўп сонли эканлиги;
- геостратегик жойлашув;
- маданиятнинг ўзига хослиги;
- дипломатия санъати.

А.Коксининг фикрига кўра, куч - глобал иқтисодиётни ва қадриятни шакллантириш имконияти ҳисобланади.⁴

В.Ойтсининг фикрига кўра, давлатларнинг хавфсизлигини таъминлашда харбий ва иқтисодий ресурсларни ажратиб бўлмайди. Сиёсатда ҳар доим уруш ва тинчлик алмашилиши тенденцияси мавжуд. Чунки сиёсатда манфаатлар тўқнашуви вужудга келади ва сиёсатда иштирок этадиган актёрлар бир-бирларига рақиб ҳисобланади. Г.Моргентаунинг фикрига кўра, халқаро сиёсат бошқа сиёсатлар каби кураш сифатида намоён бўлади.⁵

Кейинчалик реализм мактабининг қарашлари «янги реализм» намоёндалари томонидан қайта кўриб чиқилди. Янги реализм тарафдорлари сиёсатда куч концепциясини қайта кўриб чиқа бошладилар. Янги реализм вакилларига биз У.Вайц, Д.Ж.Либерларни айтиб ўтишимиз мумкин. Янги реализм концепцияларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар сиёсатни конфликтотенген характерини ва халқаро сиёсатнинг анархистик кўринишларини тан олишсада, сиёсий таҳлилда меъёрий омилларни ҳам инобатга олиш керак, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрига кўра, халқаро сиёсатда халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқ ўзининг таъсирини ўтказиши мумкин. Шундай бўлсада, улар кучни сиёсатнинг асосий воситаси сифатида кўришади.

2.3. Сиёсий идеализм.

Маълумки, сиёсий реализмга қарши бўлган оқим, бу сиёсий идеализмдир. Аммо биз сиёсий идеализмни материализмга қарши бўлган оқим сифатида эмас, балки жамиятни идеал кўриниши сифатида кўриб чиқишимиз керак. Идеализмнинг гносеологик асоси шундан иборатки, ҳаёти давомида нон топиш учун тинмай меҳнат қиладиган инсон мукамал жамиятни орзу қилишни бошлайди. Кейинчалик мазкур орзулар афсонавий, мафкуравий ва фалсафий конструкторлар сифатида намоён бўлади. Идеал жамият орқага қайтиш ва олдинга бориш сифатида намоён бўлиши мумкин. Жамиятнинг орқага қайтиш концепцияларини биз Конфуций ва Афлотунда учратамиз. Агар Конфуций қадимда осмон овозини эшита биладиган императорлар давлатни бошқарганлигига ишонган бўлса, Афлотун Атлантида деган давлат бўлганлигига ва унинг фуқаролари уйғунликда яшаганлигига ишонган. Идеализмни олдинга бориш концепцияларига эса биз инқилобий лойиҳаларни, жамиятни қайта қуриш концепцияларини киритишимиз мумкин. Шунини айтиб ўтиш керакки, сиёсий идеализм ирқчилик, миллий устунлик

⁴ Цыганков А.П Теория международных отношении М.:1997. 98-бет

⁵ Г. .Моргентау Политика между государствами М.:1996. 54-бет

асосида ҳам мавжуд. Бунга мисол учун фашизм, пантуркизм, панисламизмни келтиришимиз мумкин. Идеализмга биз Т.Морнинг “Утопия” асарини, Т.Кампанелланинг “Куёш шаҳри” асарини намуна сифатида келтира оламиз. Кўпгина файласуфлар сиёсий идеализмнинг асосчи деб Афлотунни ҳисоблашади. Сиёсий идеализмнинг шаклланишида Г.Гроцийнинг ва И.Кантнинг ҳиссаси катта. Агарда сиёсий реализм инсонни гуноҳкорлигини эътироф этган бўлса, идеализм инсонларнинг фақат ижобий хислатларини эътироф этади ва инсонни энг ижобий мавжудот сифатида кўради. Идеализмнинг намоёндаларига кўра, жамиятда бўлиб ўтаётган нохуш ҳодисаларда инсоннинг ҳеч қандай айби йўқ. Бу ҳолатларга ноҳақ ижтимоий сиёсат сабабдир. Инсоннинг ҳаётини яхшилаш учун ижтимоий вазиятни яхшилаш лозим. Халқаро муносабатларда идеализм асосчилари миллий манфаатларга эътиборини қаратмайдилар. Уларнинг фикрига кўра, агар давлатлар томонидан тўғри сиёсат олиб борилса, халқлар ҳар доим ҳамкорликка тайёр.

Сиёсий идеализм хилма-хил шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Мисол учун либерализм, анархизм, гуманизм шаклларида. Социалистик лойиҳалар идеализмнинг асосий оқимларидан ҳисобланади. Сиёсий идеализмнинг яна бир асосий оқимларидан бири пацифизм ҳисобланади. Пацифизм тушунчаси

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида сиёсий идеализмнинг янги оқимлари вужудга кела бошлайди. Улардан кўзга кўринганлари либерал интернационализм ҳисобланади. Унинг асосчиси АҚШнинг 25-президенти В.Вильсон бўлган. I-Жаҳон урушидан сўнг, 1918 йил 7 январида В.Вильсон Конгрессга юборилган баённомасида сиёсий идеализм руҳидаги таклифлари билан чиқади.⁶ Унинг фикрига кўра, сиёсат ахлоқий тамойилларга таяниши керак. Шунингдек, у I-Жаҳон урушининг мақсади нафақат Германияни мағлуб қилиш, балки дунёни демократияга олиб келиш эканлигини баён этади. Мазкур ҳужжатда асосий эътибор халқларнинг мустақиллигини таъминлашга, Германиянинг Африкадаги колонияларини йўқ қилишга, эркин савдони яратишга ва миллатлар лигасини шакллантиришга қаратилган. Унинг фикрига кўра, миллатлар лигасининг асосий мақсади, жамоавий хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. Европада ҳурмат қозонган сиёсатчи сифатида танилган В.Вильсон ғоялари баъзи бир олимлар томонидан танқид қилинган.

Жумладан, таниқли геосиёсатчи олим Х.Маккиндернинг “Демократия, реализм ва идеализм” асарида таъкидланишича, В.Вильсоннинг тамойилларини ҳаётга тадбиқ қилиб бўлмайди. Чунки, улар иқтисодий ва географик омилларни инобатга олмайдилар.⁷

В.Вильсоннинг ғояларидан сўнг дунёни бирлаштиришга йўналтирилган янги ғоялар вужудга келади. Р.Марг 1948 йилда ўзининг “Пацифизм тамойиллари” деган асарида федератив дунёни шакллантириш керак, деган фикрни илгари суради. Унга кўра, федератив ҳокимият суверен ҳокимиятлардан устун бўлиш керак. Ҳозирги кунда дунёни бирлаштиришга

⁶Кисинджер Г. “Дипломаты” М.:1997.234-бет

⁷Гаджиев К.С – “Геополитика” М.:1997.136-бет

қаратилган 10 тага яқин моделлар мавжуд. Уларни замонамизнинг кўпгина таниқли ташкилотлари яратишга ҳаракат қилишган. Улардан Стокгольм “Ташаббус” фонди, Рим клуби ва бошқа ташкилотларни айтиб ўтишимиз мумкин. Мазкур ташкилотларда олимлар томонидан дунёнинг ривожланиш моделлари ишлаб чиқарилган. Уларни ичида энг кўзга кўринганлари Фалистир Темберленнинг модели бўлиб, унга кўра дунё ҳамжамияти бирлашади, чунки барча давлатлар бир-бирига боғлиқ. Ривожланган давлатлар камбағал давлатларга ёрдам берадилар. Чунки, қолоқ давлатлар ривожланган давлатларнинг манфаатларига хизмат қилади. Шунинг натижасида жаҳонда конфликтотен вазиятлар йўқолиб боради.

Глобалистик моделларга кўра, иқтисодиёт интернационаллашуви дунёнинг боғлиқлигига олиб келади. Давлатлар бир-бирига боғлиқ экан, уларда бир-бирига қарши уруш бўлиши мумкин эмас. Айрим радикал глобалистларнинг фикрига кўра, келажакда дунёда универсал кадриятлар вужудга келади ва дунё ягона федератив давлат қиёфасига киради. Юқорида айтиб ўтилган реализм ва идеализм концепциялари шуни кўрсатадики, мазкур икки оқим бир-бирига концептуал ва амалий жиҳатдан боғлиқ, бу боғлиқлик бир қанча омиллар билан белгиланади:

- Сиёсатчилар ўзларининг мақсадларига идеализмнинг ғояларисиз эриша олмайди, чунки сиёсат бевосита қандайдир мафкураларга мухтож;
- Сиёсий идеализм сиёсий реализмсиз вужудга кела олмайди, чунки, сиёсий идеализмнинг концепциялари ҳаётнинг реал ҳолатини ислоҳ қилиш учун зарур;
- Улар инсон табиати билан боғлиқ (ҳар бир инсоннинг ҳаётида куч ва манфаат марказий ўринда бўлади, лекин инсонлар идеал кўринишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқади);
- Дунё ҳамжамиятини реал ва декларатив мақсадлари сиёсий реализм билан бевосита боғлиқ.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сиёсий идеализмнинг ғоялари салбий кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин: миллатчилик, ирқчилик ва ҳ.з. Ўзининг салбий ҳолатлари билан бирга идеализм ижобий натижаларга ҳам олиб келиши мумкин. Чунки ҳозирги глобаллашув даврида универсал кадриятларни ҳаётга тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сабаби - универсал кадриятлар замонавий дунёни йирик конфликтлардан сақлаб қолиши мумкин. Агар идеализм ҳаётда мавжуд бўлмаса, инсонлар нима учун у ҳақида ўйлашади ва фанда бу борада анчагина баҳслар ҳам мавжуд. ХХ асрнинг ёрқин мусаввири ва мутафаккири Сальвадор Даленинг айтишича, “Инсонлар, сизлар ҳеч қачон комилликдан кўрқманглар, чунки унга ҳеч қачон эриша олмайсизлар”.

Шундай бўлса-да, инсоният ўз олдига улкан ва идеал мақсадларни кўйишлари керак. Ҳа, идеаллик йўқ, лекин унга ҳамиша интилиб яшаш керак.

2.4. Модернизмнинг асосий жиҳатлари

Модернизм (итальянча модернисмо - «замонавий оқим»); лотинчадан келиб

чиққан модернус — «замонавий, янги») XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг 50—60-йилларида Европа, АҚСХ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб, Францияда ташкил топган символизм, акмеизм, импрессионизм (масалан, 1863 - йилда Парижда очилган "Хўрланганлар салони") вакиллари, муסיқада К.Дебюсси, М.Равел каби композиторлар ижодига нисбатан қўлланган. Модернизм декадентлик термини билан ҳам юритилган. Бадиий ижоднинг мумтоз аъналаридан воз кечиш, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, бадиий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир. Модернизм вакиллари реализмга қарши курашди, классицизм (академизм)га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилдди. Модернизм нафақат мазкур давр санъати, балки илм (З. Фрейднинг психоанализ назарияси, Ф. Де Соссюрнинг структурал лингвистикаси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Н. Винернинг кибернетикаси) ва фалсафа (Ф. Ницше, А. Бергсон, М. Хайдеггер ва бошқаларнинг ғоялари) билан ҳам боғлиқ бўлган.

XX асрнинг бошида ривож топган авангардизм йўналишларида XIX аср модернизм принциплари ўз ривожини топди. Модернизмнинг янги босқич хусусиятлари тасвирий санъатда аънавий тасвирлаш усулларида бутунлай воз кечиш, реал образлар шаклини ўзгартириш ёки умуман йўқотиш (кубизм, экспрессионизм, сюрреализм, дадаизм) каби қўринишларда намоён бўлган. Муסיқада модернизм куй ва лаб тамойилларини инкор этиш (додекафония, алеаторика, сонористика), адабиётда — баённинг мантиқсизлигига асосланиш (дадаизм, онг оқими, футуризм) етакчи омилга айланган. Модернизмнинг энг йирик назарийчиси Ортега-и-Гас-сет санъатнинг халқчиллигига қарши чиқди: "Модернистик санъат... халққа бегонадир, бунинг устига у халққа... зид экан. Ҳақиқий санъат санъаткорлар учун, омма учун эмас...". Бу ижодий қарашлар XX асрнинг 2 - ярмида ташкил топган абстракт санъат, минимализм, абсурд драма каби постмодернизм йўналишларида ҳам ўз аксини топди. 1960—70 - йиллар санъатида пайдо бўлган модернизмнинг асосий тамойилларига қарши бўлган поп-арт, кинетик санъат, гиперреализм каби йўналишларни баъзи тадқиқотчилар модернизм тизими нуқтаи назаридан баҳолашган.

Модернизм Ўзбекистонга 20-аср бошларидаёқ кириб келган (А. Нюренберг, В. Уфимсев, А. Волков, А. Николаев, Ў. Тансиқбоев ва бошқалар). 1970-йиллар охиридан модернизмнинг қўринишлари айрим ўзбекистонлик рассомлар ижодида кўзга ташланади (масалан, абстракт санъат — В. Охунов, Н. Шин; гиперреализм — А. Икромжонов, С. Рахметов каби). Ўзбек адабиётшунослари эса модернизмга хос айрим унсурлар 1920—30 йиллар адабиётида кўзга ташланганини, бу жараён 1990-йилларда нисбатан кучайганини таъкидлайдилар; 2) салбий маънода — ижодда моданинг устунлиги, яъни ижодий услублар моҳияти, бадиий асарлар мазмунининг тез-тез ўзгариб турувчи бадиий эҳтиёж ва дидларга бўйсунуши. Шу маънода (модага бўйсунадиган) модернизм ҳақиқий новаторлик, янгиланиш жараёнига

карама-қаршидир.

Назорат саволлари

1. Кимни ва нимага сиёсий реализмнинг асосчиси, деб ҳисоблашимиз мумкин?
2. Сиёсий реализм инсоннинг табиатини қандай таърифлайди?
3. Сиёсий реализмнинг асосий тамойилларини ёритинг.
4. Сиёсий реализм намоёндаларининг фикрича, халқаро муносабатларнинг динамикасини нима белгилайди?

3-Маъруза. Халқаро тизим ва унинг хусусиятлари.

Режа:

1. *Халқаро тизим тушунчасининг мазмуни.*
2. *Халқаро тизим хусусиятлари. Халқаро тизим муҳити.*

3.1.Халқаро тизим тушунчасининг мазмуни.

«Халқаро тизим» тушунчаси нисбатан янги, XX-асрнинг иккинчи ярмида халқаро сиёсий лексиконда қўлланила бошлаган тушунчадир. У халқаро муносабатлар субъектлари орасидаги ўзаро боғлиқлик, жаҳон яхлитлигини ҳосил қилувчи сиёсий жараёнлар ва муносабатлар тарзини англатади. Унинг асосий сифати, бу жаҳон миқёсида содир бўлаётган йирик сиёсий воқеаларнинг ўзаро таъсири юқори даражада бўлганлиги ҳамда бутун дунёда барча халқаро муносабатлар субъектлари орасидаги муносабатларини бошқариб борадиган ягона марказ мавжуд бўлганлигидир. Ушбу марказ, ўз навбатида, мазкур субъектлар учун «халқаро ҳуқуқ» деб номланувчи тегишли меъёрлар мажмуасини ишлаб чиқади ва уларни бажарилишини назорат қилади. Бундай марказ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг зиммасига юклатилган. Халқаро тизимнинг ўзагини давлатлараро муносабатлар ташкил этса-да, унинг унсурлари турлича кўринишда бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий муносабатларда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан халқаро тизимда тегишли функцияга ихтисослашган турли тоифадаги тузилмалар фаолият юритади. Уларнинг ҳудудий қамрови ҳам турлича бўлади, масалан миллий, минтақавий, континентал, глобал. Мана шундай мураккаб тизим «халқаро сиёсат» воситалари орқали сақланади ва ривожланади. Бу тушунча ҳам асосан XX-асрда муомалага киритилган. Халқаро сиёсат (айрим ҳолларда жаҳон сиёсати) деганда, халқаро муносабатларнинг турли субъектлари орасида дунё миқёсида тизимий аҳамиятга эга бўлган сиёсий муносабатлари тушунилади. Шу билан жаҳон сиёсати (ёки халқаро сиёсат) халқаро муносабатлардан фарқ қилади, чунки анъанавий маънода халқаро муносабатлар фани асосан давлатлараро муносабатлар билан шуғулланиб, уларнинг тарихий ёки ҳуқуқий жиҳатларига урғу беради.

Кўпкамровли байналминаллашув ва глобаллашув, давлатлар ҳамкорлиги, биргалашиб ҳаракатланишининг турли шакллари вужудга келиши, халқаро можароларнинг янги турлари, муносабатларнинг янги сифатлари пайдо бўлиши шароитида турли мамлакатлар халқаро сиёсий тизимнинг кўпқутбли жойланишида ўз ўрнини белгилаб олмоқда.

Учинчи мингйиллик оралиғида халқаро муносабатлар тизими ёки ғарб адабиётида аталаётганидек, халқаро тизим (International System) ўз ривожланишининг сифат жиҳатдан янги фазасига кирди. Унинг ҳозирги дунёга таъсирини инқилобий деб тавсифлаш мумкин. 1945–1990 йилларда мавжуд «совуқ уруш» давридаги халқаро тизим ёки Ялта-Потсдам тизими ном-нишонсиз кетди. Ялта-Потсдам тартиби ўрнига келадиган янги халқаро тизим туб ўзгаришларнинг гирдобли жараёнини бошидан кечирмоқда. 1980-йиллар охири – 1990-йиллар бошини камраб олган вақт давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугаши, социалистик лагернинг кулаши, Иттифокнинг тарқаб кетиши, Евросиё қитъасида ўнлаб янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши сингари бутунжаҳон-тарихий аҳамиятга молик воқеалар содир бўлди. Халқаро тизим актёрларининг миқдор-сифати, улар муносабатининг модели, ўзини тутиш қоидалари бир неча йил ичида ўнлаб йиллар давом этган «совуқ уруш» давридан кўра анча чуқур ўзгаришларни бошидан кечирди. Дунё тартиблиликдан кўра тартибсизлик, можароларни тартибга солиш стратегиясидан кўра можаролар билан характерланади (тавсифланади).

Шундай қилиб, ҳозирги халқаро тизим эндиликда тамомила янги характер белгиларига эга:

1. Миллий давлатлар аввалгидек унинг бош актёри ҳисобланади, ҳатто бу ўринда гап интеграция даражасига қарамасдан, аммо ихтиёрийлик шарти билан давлатнинг турли давлатлараро минтақавий, минтақалараро ва глобал ташкилотларда иштироки ҳақида борётган бўлса-да, сиёсий ҳокимият ҳудудий мустақиллик (суверенитет) тамойили асосида халқаро ҳуқуқнинг бошланғич субъектлари бўлиб қолаётган алоҳида давлатлар ихтиёрида сақланади. Бироқ кўпайиб бораётган глобал муаммоларни ҳал қилишда уларнинг қурби пасаяди. Европа ва Осиёнинг улкан кенгликларида «реал социализм» ғояси ва амалиётининг барбод бўлиши шунга олиб келдики, коммунистик утопия (хаёлот) ўрнини давлат-миллатни яратиш концепцияси эгаллади. Миллат, миллий қурилиш ғояси қирқ ёки етмиш йил давомида тоталитаризм зулми остида қолган жамиятлар учун тенглаштириш объекти бўлиб хизмат қилади. Миллатчилик бу жамиятларда конструктив (асосий) куч ролини ўйнайди.

2. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) каби халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ) сонининг ўсиб бориши. Халқаро ташкилотлар сиёсий, иқтисодий, социал соҳаларда давлатларнинг ўзаро боғлиқ ва чатишиб кетган манфаатларининг ортиши туфайли зарур халқаро тизимни бошқаришнинг алоҳида шаклини яратади. ХТ трансчегаравий, сиёсий жараённинг институционал доирасини шакллантиради, унда кўпсонли давлат ва ҳамжамиятлардан давлат ёки нодавлат актёрлар иштирок этишади. ХХТ

иккиламчи ва ясама бўлишса-да, чунки улар халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари – давлатлар томонидан тузилган, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланишади. ХНТ халқаро хусусий ҳуқуқнинг институти ҳисобланишади. Умуман, ХНТ сиёсий соҳада давлат буткул ва тўлиғича ўзига ололмайдиган бошқарувнинг маълум функциясини зиммасига олади.

3. Халқаро тизимдаги қарама-қаршилик (зиддият) глобаллашув билан бир вақтнинг ўзиде кечган номарказлаштириш, минтақалаштириш ва кўпқутблилик жараёнларида намоён бўлади. Шарқ ва Ғарб зиддияти конфигурацияси унинг биполярлиги билан бирга энди халқаро тизим учун структур белгиловчи бўлмай қолди. Кучларнинг янги минтақавий марказлари ташкил топди. Энг муҳим минтақавий давлатлар сифатида Япония ва Германия, шунингдек, Хитой ва Бразилиянинг кўтарилишида кўпқутблилик намоён бўлмоқда. Минтақавий гуруҳлар, халқаро ташкилотлар (Россия, Европа Иттифоқи, НАФТА Ислом Конференцияси ташкилоти АСЕАН ва ш.к. билан биргаликда «катта еттилик») халқаро тизимда давлатлар билан бирга етакчи актёрларга айланмоқда.

4. Халқаро тизимда қарама-қаршилик марказининг Шарқ-Ғарб нисбатидан Шимол-Жануб ўқиға кўчиб ўтиши, содда қилиб айтганда, бой Шимол билан, камбағал Жануб ўртасидаги можаро (ихтилоф) индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар ривожининг мутлақо турлича сиёсий, иқтисодий-маданий имкониятларига асосланади. «77 лар гуруҳи»га бирлашган, ўзиде 120 дан ортиқ давлатни қамраган ривожланаётган мамлакатлар катта гуруҳи ичиде табақаланиш жараёни юз бермоқда. Унда ОПЕКга тегишли, сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган бир неча анча бой (бадавлат) ва ривожланаётган мамлакатлар, «янги индустриал мамлакатлар» ажралмоқда. Иккинчи томондан, ривожланган ва ривожланаётган, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги фарқ каттариб бормоқда.

«Совуқ уруш» тугагандан сўнг Шимол-Жануб ўқидаги кескинликнинг кучайишига кўп жиҳатдан цивилизациян омиллар сабаб бўлди.

5. Шарқ ва Ғарб можаросининг тугаши «куч» тушунчасининг мазмун ва ўлчамиде драматик бурилиш ясади. Кучнинг мумтоз белгилари (давлат ҳудудининг ўлчамлари, аҳолисининг сони, унинг геополитик ҳолати, қуролли кучлари сони ва б.) ва давлатнинг ҳудудий мустақиллиги кўп жиҳатдан энди ўз аҳамиятини йўқотди. Ғарб сиёсий фикри илмий муомалаға «сезиларли куч» ва «сезилмас куч» тушунчаларини олиб кирди. «Сезиларли куч» категорияси ўз ичиге юқорида қайд этилган анъанавий куч белгиларини олади. «Сезилмас куч» категорияси илмий-технологик база, иқтисодиётнинг саноат ва молиявий қуввати, валюта, инсон бойлиги (капитали), ижтимоий хавфсизлик кафолати, давлатнинг сиёсий-ижтимоий тузилишини ҳимоя қилишда аҳолининг сафарбарлик лаёқати сингари гўёки бир қарашда кўриб, сезиб бўлмайдиган давлат қудратининг белгиларидан иборат. Кучнинг ушбу янги ўлчамлари давлатнинг ўрни, мақоми, қудратини аниқлашда янаде катта аҳамият касб этмоқда.

6) Дунё тизими «турларнинг айнаи бир пайтда бўлиши» («баравар юз

бериши») билан, яъни тарихий давр, ижтимоий макон каби фундаментал тушунчаларнинг айна бир пайтда мавжуд бўлиши, бир-бирининг устига кўйилиши билан дуч келмоқда. «Жаҳон ўтиш жамияти»нинг ҳали етарлича аниқланмаган, пишиб етилмаган шароитларида, бир томондан, давлатлараро можароларни минтақавийлашуви, марказдан узоқлашуви, иккинчи томондан, давлатлараро ҳарбий ва давлат ичкарасидаги ижтимоий-сиёсий мажораларнинг чатишиб кетиши юз бермоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Ташкилотига бирлашган евроатлантика маконининг саноати ривож топган мамлакатларида Шарқ ва Ғарб можаросини баргараф этилиши натижасида тинчлик барқарор ва хавфсиз бўлган бир вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида беқарорлик ҳамда кўтарилишлар кескин ортди. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ёнма-ён бориши, маҳаллий ҳамжамиятларнинг сақланиши, чатишиб кетиш, табақаланиш, қисмларга ажралиш (фрагментизация), марказдан узоқлашиш, яқинлашиш ва бегоналашиш, мустақиллик, ўзаро боғлиқлик халқаро тизим учун характерлидир.

3.2. Халқаро тизим хусусиятлари. Халқаро тизим муҳити.

Ҳозирги халқаро муносабатлар тизимининг асосий тенденцияси – унинг байналминаллашувидир. Замонавий байналминаллашув нафақат халқаро алоқа, алмашинувларнинг турли-туманлиги ҳамда ҳажмларнинг кенгайишида, фаолиятнинг янги соҳаларига уларнинг тарқалишида акс этади, балки халқаро ҳамкорликнинг (иттифоқлар, битимлар, ташкилотларнинг) мустақил, барқарор, мавжуд ва давлатдан автоном (мухтор) равишда ҳаракат қилувчи шакллари ҳам туғдиради. Фаолиятнинг мақсадлари, соҳа-йўналишлари шаклланмоқда, фақат халқаро ҳамкорлик бўлгандагина улар амалга ошиши мумкин; ҳатто иқтисодий етакчи мамлакатларнинг фаровонлиги, ривож топиши ташқи бозор ва алоқаларга боғлиқ бўла бошлайди. Байналминаллаштириш воситалари, унинг ҳаракатланувчи кучлари ўзгармоқда: ҳозирги пайтда у асосан иқтисодий, илмий-техник омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Ишлаб чиқарувчи кучлар, иқтисодий алоқалар, технологиялар, илм ва техника ривожланиши билан байналминаллашув жараёнлари ўзини кучли, аҳамиятли кўрсатган жойда соҳалар ўзгармоқда.

Йирик сиёсий жараёнларга олинган натижалар бўйича жиддий, барқарор, ишончли таъсир кўрсатиш, уларни бошқариш мақсадида – самарали кўшилиш зарур. Халқаро барқарорлик йўналтирилган ва кутилаётган ўзгаришларнинг башорат қилинган жараёни сифатида фақат шундай ўзгаришларнинг иштирокчилари учунгина мумкин бўлади. Халқаро ҳаёт ва унинг муҳим жараёнларидан ўзни четга тортиш жаҳон иқтисодиёти, сиёсати, тараққиётида мамлакатнинг ўрни, роли, мавқеини йўқотиш эвазигагина мумкин бўлади.

Ниҳоят, халқаро ҳаётнинг сифат жиҳатидан янги ҳодисаси – алоҳида давлатлар – субъектлар томонидан ер шари (худудий), дунё иқтисодиёти ва сиёсати миқёсида ўз ҳаётини фаолиятларини амалга ошириш имкониятлари,

эхтиёжларига эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув асосий белги сифатида қандайдир муаммо ёки фаолиятни дарҳол глобал (умумжаҳон) даражага чиқаришни кўзда тутлади. Шу билан бирга бундай фаолият иштирокчиларнинг таркибига кўра байналмилал бўлиши шарт эмас, балки битта давлат, ташкилот, фирма томонидан амалга оширилиши мумкин (шу шарт биланки, улар бунинг учун тегишли имкониятларга эга бўлмоқлари лозим).

Ҳозирги дунё нафақат турли-туман, мураккаб, балки зиддиятли ҳамдир, унда қарама-қаршиликлар чатишиб кетган – давлатлар ўртасида ҳам, уларнинг ичкарасида ҳам. Шунга қарамасдан, халқаро муносабатларнинг бутун тизими учун объектив асос бўлиб хизмат қилган унинг яхлит сифатдаги бирлиги ҳозирги дунёнинг муҳим қонунияти ҳисобланади.

Ҳозирги халқаро тизимнинг ўтиш сифатида тавсифланиши ҳам давом этмоқда, яқин ва узоқ келажак жойлашининг (конфигурациясининг) турли вариантлари муҳокама қилинмоқда, шу билан бирга халқаро муносабат кўплаб турли режадаги омил ва шартларнинг таъсири остида ривожланиб бориш вазиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1. С.Хантингон “ўзаро қурашётган етти маданий-диний цивилизациялар дунёси”нинг: хитой, япон, ҳинд, ислом, проваслав, ғарб, лотин америкаси ва эхтимол, африка моделини таклиф қилади. Ушбу мактаб ҳозирги шароитда глобал сиёсат кўпкўтбли, кўп цивилизацияли бўлиб қолди ва дунёда юз бераётган жараёнлар маданий – цивилизацион (тамаддуний) иттифоқларнинг тўқнашуви билан изоҳланади, деган тезисни ёқлайди. Иқтисодий-технологик модернизацияларнинг йўқотилган диний ёки цивилизация жиҳатидан ўхшашлигини сақлаш ёки тиклашга ундайди. Бунда жаҳон майдонида янги куч ва таъсир марказларини шакллантириш учун реал шарт-шароит ҳамда қарама-қаршиликлар манбаи намоён бўлмоқда; цивилизациялар тўқнашуви дунё сиёсатининг асосий омили бўлиб бормоқда.

Бундай хулоса янги можаролар туғилиши билан асосланади, улар кўпинча этномиллий бўёққа эга ҳамда уларнинг географияси мусулмон ва христиан цивилизациялари ўртасида чегара чизиғи билан бир-бирига тўғри келар эмиш.

Шу йўналишнинг ўзида ислом сиёсий экстремизми таҳдиди борасидаги ҳавотир ошиб бормоқда.

2. Таклиф қилинаётган бошқа конфигурация модели “концентрик айланалар дунёси” бўлиб, унга кўра халқаро муносабатлар келгусида “ривожланган демократик жамиятлар” ёки “масъулиятли демократиялар ҳамжамияти”ни ўзида ифода қилувчи АҚШ бошлиқ асосий давлатлар атрофида қурилади. Бу дунёда биринчи гуруҳни Америка Кўшма Штатларининг шериклари бўлган ЕИ ва Япония ташкил қилади, улар “асосий зонани кенгайтириш ва ҳимоялаш юкини” Америка билан бўлишишлари мумкин. Ушбу гуруҳ давлатларига ер юзи аҳолисининг 1/5 дан камроқ улуши, аммо инсоният иқтисодий потенциалининг 4/5 улуши тўғри келади.

Навбатдаги концентрик айланага мутахассислар Европа, Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ўтиш мамлакатлари”ни киритишади. Ушбу

давлатларда ўтиш жараёнлари бир-биридан фарқ қилиши ва саноат ишлаб чиқариши, бозорлар, сармоя, профессионал компетенция (касбий ваколат) ва ислохотларнинг глобаллашуви яқин йигирма йил ичида ер юзининг барча минтақаларида тарқалиши шарт эмаслиги алоҳида таъкидланади.

АҚШ сиёсатшуносларининг фикрига кўра, бу мамлакатларга “этибордан қолган” давлатлар қўшилади. Улар асосий давлатларнинг етакчилик ролини инкор қилиб, восита ва имкониятлари бўлганда, уларнинг манфаатларига зарар етказар эмиш. “Этибордан қолганлар” (“*raugue nations*”) сафига асосий мамлакатларнинг сиёсий манфаатлари ва кадриятларига қарши муайян вазиятларда очикчасига, шу жумладан, куч ишлатиш билан чиқиши мумкин бўлган Эрон, Ироқ, Ливия, КНДР ва бошқа мамлакатлар киритилади. Ушбу иттифоққа турли мамлакатлардаги айирмачи (сепаратист) ва фундаменталист гуруҳлар ҳам мансуб.

Ушбу схема (чизма) марказидан узоқда жойлашувни ўз худудларида локал жамоат тартибига ўхшаш тартибни ўрната билмаган ва ўз фуқароларининг оддий эҳтиёжларини қондира олмаган “омадсиз” мамлакатлар (“*failure nations*”) деб аталувчи давлатлар ташкил қилади. Бундай мамлакатларни кўпчилик қочоқлар тарк этишади, натижада ер юзининг йирик минтақалари чегарасида ижтимоий-сиёсий вазият беқарорлашади. “Омадсиз” мамлакатларга Сомали, Руанда, Зоир, Сьерра-Леоне ва бир қатор бошқа мамлакатлар киритилган.

3. “АҚШ ва Ғарбий цивилизация мамлакатлари “қолоқ дунёга қарши” шаклидаги яна бир назарий низомнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ривожланган, барқарор “Шимол” ва янада ортда қолаётган беқарор “Жануб”нинг янги тузилмаси вужудга келади; улар ўртасида иқтисодий-технологик фарқнинг ортиши муқаррар, “Шимол”нинг дунёни “қайта ўзгартириш”га интилиши шу билан изоҳланар эмиш. Бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар натижасида “Жануб”нинг бунга куч билан эришиши амри маҳол. Лекин беқарор вазият, шароити яхши зоналарга оммавий кўчиш (миграция)га уриниш, “Жануб”да иқтисодий, техноген ҳалокатлар эҳтимоли, қашшоқликдан озикланувчи сиёсий экстремизмнинг кучайиши дунёни доим кескинликда тутиб туради. “Шимол” учун бундай вазиятдан тубдан чиқишнинг икки йўли бор: “Жанубдан” тўсиқланиш ёки уни иқтисодий жиҳатдан барқарор даражага етказиш.

4. “Демократик дунё”нинг назарияси ва модели ғарб цивилизациясининг изоляциясига қарши ҳаракатланишнинг ўзига хос воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, унга кўра ХХI аср “тинчлик ва барқарорлик зонаси” ва “тартибсизликлар ва можаролар зонаси”га бўлинади. Ушбу назария тарафдорлари демократик режимларга можароларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг ички тарафдорлиги мос (мувофиқ) келади ва айнан улар ташқи сиёсатда куч билан кўрқитишдан фойдаланишнинг ноқонунийлиги тезисини тарқатишлари лозим, деб тахмин қиладилар.

5. Турли характер ва миқёсдаги интеграцион жараёнлар таъсири остида давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тузилмасининг ўзгариши, яъни “геоиктисодиётнинг” ташкил топиши янги дунё тартиби вужудга келишига

хос бўлган асосий тенденция саналади. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат ва хусусий бизнес куч-ғайратларини бирлаштириш жаҳон майдонида таъсир кўрсатишнинг “ноҳарбий воситалари (инструментлари)”: товарлар ва хизматлар дунё бозорида операциялар ўтказиш, хорижий сармоя қўйиш, янги тадқиқот ва ишланмалар соҳасида ҳамкорлик (рақобат) ролини оширади.

Умуман, ўз жамулжамлиги билан жаҳон ҳамжамиятини янги ҳолатга олиб боровчи бир қатор қудратли омилларни ажратиш мумкин: давлатларнинг ҳарбий қудрати; совуқ урушдан ғолиб бўлиб чиқиш; Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Шарқий Осиёда иқтисодиётнинг шиддатли кўтарилиши; трансмиллий корпорациялар ва нодавлат ташкилотлари таъсирининг ўсиши фонида давлатлар аҳамиятининг пасайиши; давлат ва халқларнинг янги шароитларда янги бир хилликни қўлга киритишга интилишлари; қашшоқлик ва бойлик қарама-қаршилигининг кучайиши; XX асрда қарор топган дунё конфигурациясини тубдан ўзгар-тиришга қодир ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлаш.

Давлатнинг жаҳон майдонидаги иерархик ўрни ҳам рақамлар билан ўлчанадиган характерга (тавсифга), ҳам баҳо характерига (тавсифига) эга бўлган кўплаб параметрлар (ўлчамлар) билан белгиланади.

Давлат қудратининг энг умумий тавсифи – бу ялпи ички маҳсулот, аҳоли, ҳудуд, шунингдек, қуроли кучлар сонидир (энг аввало, ядро қуролиларини кўшганда). 1990-йилларда этник, диний заминдаги турли қуроли можароларнинг кўплигига қарамай, дунё сиёсатида молиявий-иқтисодий ва савдо-иқтисодий муаммолар устун мавқеда бўлгани умумэтироф қилинган эди. Ҳозирги пайтда халқаро терроризм, оммавий қирғин қуролиларининг тарқалиши каби муаммоларнинг аҳамияти ошди, дунё сиёсатида ядро омили яна долзарб бўлиб қолди. Терроризм сингари омилнинг аҳамияти сезиларли ўсиб бормоқда. Ҳудуднинг катталиги давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини оширади, қишлоқ хўжалиги учун кенг майдон беради, трансдавлат транспорт йўлаклари учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва ш.к. учун кўшимча имкониятлар яратади.

Дунёда кучайиб бораётган стратегик мавҳумлик, беқарорлик етакчи куч марказларига нисбатан “текис векторлик” (равновекторность), узок муддатли у ёки бу дунёвий ёки минтақавий куч марказларига киришдан узокда туриш, айна пайтда улар ва бошқа давлатлар билан имкони борича ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли мазмундаги шериклик муносабатларини кучайтириш каби ташқи сиёсат стратегиясини сақлаш, ривожлантириш муҳимлигини исботламоқда.

Интеграллашув жараёнларини аниқлаштириш ва тушунтириш борасидаги турли назарий концепциялар кўпинча биргаликда мавжуд бўлиб, бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади. Бироқ, асосий масала кун тартибида туришда давом этмоқда: минтақавий интеграциянинг кучайиши глобал эркин савдо мақсадига яқинлашишга лаёқатлими? Жаҳон иқтисодиётининг глобал тартиби (режими) глобаллашув, минтақавийлашув жараёнларининг бирга мавжуд бўлиши ҳамда биргаликда ҳаракатланишига йўл беради.

Минтақавий даражада ҳам, глобал даражада ҳам институционаллашув мавжуд. Масала шундаки, ушбу даражалар қандай қилиб бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиши, бир-бирини кучайтириши ёки ўзаро зиддиятга киришиши мумкин? Балки, глобал тартиб ичидаги махсулдор минтақавий шерикликни (хавфсизлик соҳасида ҳам сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик) “минтақалараро гообаллашув” сифатида белгилаш мумкиндир. Минтақавий ташкилот, каоляция айрим муаммоларнинг алоҳида билим ва тажрибаларидан, минтақа ичидаги катта легитимлиликдан фойдаланиб ва намоиш қилиб глобал ташкилотлар юқини сезиларли даражада бўлиша олишлари мумкин. Аммо, глобал ташкилотларнинг алоҳида сиёсий легитимлиги туфайли, улар хавфсизлик чақириқларига минтақадаги давлатлар самарали жавоб беришга қурби етмаган ёки бу масалада сиёсий бетараф ҳолатларда экстрарегионал аралашув тизимини ўзида ифодалагани учун минтақавий ташкилотлар глобал ташкилотларсиз фаолият кўрсата олмайдилар.

Глобаллашувнинг энг катта муаммоси “ким ютиб чиқади?” деган савол билан боғланган. Устунликнинг катта қисмини амалда бой давлатлар ёки индивидлар қўлга киритади. Глобаллашув самарасининг нотекис тақсимланиши минтақавий, миллий ва байналминал ҳамда умумжаҳон миқёсда можаролар хавфини туғдиради.

Баъзи тадқиқотчилар даромадларнинг глобал конвергенцияси ҳақида гапирмоқдалар. Улар бу борадаги фикрларини қашшоқ давлатларнинг иқтисодиёти ўзиб кетган ҳолда, яъни янада юқори суръатлар билан риволанаётганлиги билан далиллайдилар. Ҳақиқатда эса ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар иқтисодиёти бой давлатларникидан кўра анча паст суръатлар билан ривожланаётган пайтда, тез ўсиш фақат Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг (“Осиё йўлбарслари” деб аталувчи) камсонли гуруҳи учунгина хосдир. Уларнинг глобализациядан оладиган фойдаси жуда кам, кўпинча эса нолга тенг.

Натижада нафақат даромадларнинг конвергенцияси ва тенглаштирилиши, балки уларнинг кутбланиши ҳам мавжуд.

Глобаллашув туфайли тез ўсиш билан ривожланаётган мамлакатлар бой давлатларга айланадилар, қашшоқ мамлакатлар янада кўпроқ улардан ортда қолади. Драматик тарзда ўсиб бораётган даромадлардаги фарқ қашшоқ мамлакатларда норозилик келтириб чиқаради, бу халқаро можароларга олиб келиши мумкин. Сўнгги 15 йилда аҳоли жон бошига даромад 100 дан ортик мамлакатларда пасайган, аҳоли жон бошига талаб 60 дан зиёд мамлакатда қисқарган (Ривожланган мамлакатларда яшаётган деярли 5 млрд киши орасида 3/5 қисми энг паст санитар меъёрларга мос келмайдиган шароитларда яшашади, 1/3 қисми тегишли ичимлик сувидан маҳрум, 1/5 қисми эса тўйиб овқатланмайди). “Афзалликларни адолатли тақсимлаш” жаҳон иқтисодиётини глобаллаштиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Аммо бу муаммо, афсуски, ягона эмас.

Бошқа бир муҳим муаммо миллий иқтисодиётларнинг умумсайёра даражасидаги ўзаро боғлиқлиги туфайли юз бериш имконияти юқори минтақавий ёки глобал беқарорлик билан шартланган. Бир мамлакатдаги

иқтисодий силкиниш ёки бўҳрон минтақавий ёки глобал оқибатларга эга бўлиши мумкин. Дунё бўйича суслик ёки депрессия популистик чақириқларни келтириб чиқаришга, глобаллашувнинг боришида қарор топган ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни узиб юборишга қодир. Натижада иқтисодий урушга айланиш хавфи бўлган иқтисодий можаро ва ҳатто ҳарбий-сиёсий тўқнашув келиб чиқиши мумкин.

Айрим мамлакатлар иқтисодиётини назорат қилиш мустақил ҳукуматлар ихтиёридан энг кучли давлатлар, кўпмиллатли, глобал корпорациялар, халқаро ташкилотлар кўлига ўтиши хавфи ҳам мавжуд. Шу боис баъзи сиёсатшунослар глобаллашув ҳодисасида миллий суверенитетдан ажралиш хавфини кўрмоқдалар. Шу сабабдан глобаллашув миллий давлатлар етакчилирида унинг кучи қаршисида ожизлик ҳиссини туғдириши, оддий фуқароларида эса уни ёқтирмаслик туйғусини уйғотиши мумкин. Бу каби кайфиятлар протекционизмга чорловчи ксенофобия ва миллатчиликни қайта туғдириши, экстримистик сиёсий ҳаракатни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ўз навбатида жиддий можароларнинг юз беришига кучли сабаб бўлади. Кўпинча иш ҳақи юқори иқтисодий ривож топган мамлакатлардаги ишсизликни глобаллашув тўсиқ бўладиган ҳодисалар қаторига киритишади. Аммо, эътироф этиш лозимки, бу каби фикрларни уларнинг кўпчилигида ишсизликнинг паст меъёри ва иш ҳақи паст давлатларда ишсизликнинг юқори даражаси инкор этади. Ҳақиқатда эса бандликка ҳукумат сиёсати ва технологик жараён глобаллашувнинг бошқа омилларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади.

Глобаллашув кенгайиб боришига баъзан унинг ижтимоий фаровончиликка хавфи тўғрисидаги афсоналарни боғлашади. Бироқ ижтимоий фаровончилик даражасига мутлақо бошқа таъсирлар – солиқ сиёсати, демографик тенденциялар анча кўпроқ таъсир этади. Шу билан бирга кейинги вақтларда кўпчилик ривожланган мамлакатларда ўрта синфнинг фоиз улуши камайиб бораётганини аниқ далил сифатида инкор этмаслик керак.

Ниҳоят, глобаллашувдан кўпинча у ёки бу давлатларнинг ташқи сиёсатидаги муваффақиятсизликларни оқлаш учун фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳолатининг вужудга келиши.

2. Глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли.

4-мавзу: Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнлари.

Режа:

1. *Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳолатининг вужудга келиши.*

2. *Глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли.*

4.1. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳолатининг вужудга келиши.

Ҳозирги замон сиёсий (сиёсат) фанида “глобаллашув” термини давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги кучайиб бораётган ўзаро алоқа ва боғлиқликларнинг бир қатор универсал жараёнлари ва ривожланишини билдириш учун ишлатилади. Глобаллашув турли йўналишдаги тенденциялар орқали шаклланган мураккаб, зиддиятли ва диалектик жараён сифатида намоён бўлади.

Сўнгги йиллардаги сиёсий ва иқтисодий жаҳон ҳамжамияти ривожининг умумий жараёнида, глобализм ривожланишининг умумжаҳон тенденцияси кучайишида интеграция ва корпорациянинг роли ошганлигидан қатъий далолат беради.

Ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг муҳим ўзига хос хусусияти бўлиб, бир томондан, халқаро сиёсий иқтисодиёт жараёни ва тузилиши ўртасидаги, иккинчи томондан, халқаро муносабатлар тартиби мазмун-мундарижаси ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳисобланади. Давлатлар стратегиясининг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий жиҳатлари ўзаро боғланган бўлиб, биргаликда ҳаракатланади. Ҳозирги глобаллашув жараёнининг асосий хусусияти (характеристикаси) унинг *кўп ўлчамли* характеридадир. Давлатларнинг ташқи сиёсати глобал жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати (динамикаси) ва тузилиши билан янада кўпроқ даражада шаклланиб бормоқда. Жаҳон сиёсий тизимида “ички” ва “халқаро” сиёсат ўртасидаги чегаралар йўқолмоқда ҳамда гоё ва қадриятларнинг трансмиллий оқими янада қудратли бўлиб бормоқда.

Глобаллашув муаммолари бўйича назарий ишлар сони домимий суръатда ўсаётир. Умумий нуқтаи назар шундай ҳулосага олиб келадики, глобаллашув бутун жаҳон ҳамжамиятини қамраб олган универсал жараён бўлиб, уни фақат давлатлар ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан тартибга солиш мумкин. Ушбу жараённинг ички қарама-қаршиликлари англашилса-да, шунга қарамай, ғарб экспертлари уни рад этиб бўлмаслик тўғрисида кўпроқ фикр юритмоқдалар. Глобализм ушбу жараёнга тортилган мамлакатлар ҳаётининг фаолиятининг барча томонларига кучли таъсир кўрсатувчи комплекс равишдаги геоиқтисодий ва геосиёсий ҳодиса сифатида тушунилади. (Nyu Joseph, Reohane R.). Бир қатор тадқиқотчилар муносабатларнинг халқаро тизимида глобализациянинг таъсири фундаментал равишдан катта эканлиги концепциясидан келиб чиқишади (Haas Richard). “Анъанавийчилар” эса, аксинча: гарчи глобализация ноҳукумат субъектларнинг кучайтирувчи роли сифатида тавсифланса ҳам, стратегиянинг анъанавий қоидалари, хусусан: сиёсий субъектларнинг манфаатлари ва мотивлари таҳлили, давлатлар нисбатига (мувозанатига) эришиш, зарур бўлган тақдирда, альянслар (иттифоқлар) воситасида ёки мавжуд қарама-қаршиликлардан фойдаланиш орқали уни ўзгартириш сақланиб қолади, деб ҳисоблайдилар (Buzan Barгу). Бундай аналитик (таҳлилчи)лар бозор иқтисодиёти ва янги технологияларнинг ривожланиши

шароитида глобаллашувни қабул қилишга рози, аммо унинг сиёсий ва гуманитар жиҳатларига нописанд муносабатда бўладилар. Шу сабабли муаммонинг турли жиҳатларининг ўрганилганлик даражаси бир хилда эмаслигини қайд этиш лозим: глобаллашувнинг иқтисодий соҳасини (халқаро савдо, ишлаб чиқариш ва молия бозорлари омилларининг халқаро динамикаси масалаларини) тадқиққилиш анча илгарилаб кетган; институционал, этномиллий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги оқибатлар ҳозирча анча кам таҳлил этилган. (Castells M., Pollack A.A.)

Глобаллашув – унинг доирасига давлат таянадиган ташқи контекстнигина эмас, балки давлатлар ва сиёсий ҳамжамиятлар табиатининг ўзини ҳам ўзгартирувчи жараёндир. Ҳозирги дунёда унинг ижтимоий, ғоявий-сиёсий, миллий жиҳатдан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари ва улар билан боғлиқ зиддиятларга (давлат ичидаги ва давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга) қарамасдан, бир томондан, глобал таҳдидлар, иккинчи томондан, халқаро ҳамжамиятнинг барча ташкил этувчиларининг ўзаро боғлиқлиги шароитида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кучайиб бораётган глобаллашувнинг позитив (ижобий) оқибатлари яққол ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун кўпчилик ишларда тадбиқ этишнинг аниқ соҳалари чегараларида, кўптамонлама глобал сиёсий конфигурациянинг давлатлараро тизимида давлатлар ўртасида ўсиб бораётган ўзаро боғлиқликларни, минтақавий тартибларнинг ролини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда глобаллашув масаласи турли фан соҳалари олимлари: сиёсатшунослар, иқтисодчилар, социологлар, файласуфлар, географлар томонидан муҳокама этилаётган энг долзарб муаммолардан бири саналади. Иқтисодчилар иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳақида, географлар “иқтисодий архипелаглар”ни яратиш, шу жумладан, йирик мегополислар ассоциациясини тузиш тўғрисида, социологлар одамларнинг турмуш тарзини яқинлаштириш ҳақида, сиёсатшунослар дунё икки лагерга ажралган вақтдаги совуқ урушнинг тугагани, давлатларнинг ўзаро боғлиқликлари, улар суверенитетининг камайганлиги тўғрисида сўз юритадилар. Аслида глобалла-шувнинг ўзи нима – афсонами ёки ҳақиқат? Агар ҳақиқат бўлса, у ким учун ҳақиқат – юқори ривожланган мамлакатлар, жаҳон иқтисодиёти элитаси учунми ёки бутун ер шари учунми?

Давлатларнинг яқинлашуви инсоният бутун тарихи давомида юз берди. XIX асрдаёқ тадқиқотчилар ягона жаҳон маконининг яқин келажаги (истикболи) ҳақида ёзгандилар. Аммо иқтисодиёт, фан ва техника тараққиёти хамиша ҳам силлиқ бормаган. Давлатларнинг яқинлашув суръати инқилобий тезлик билан кечган иккита тарихий давр тўғрисида гапириш мумкин:

XIX-XX асрлар чегараси. Ушбу даврда инсоният глобал миқёсда ўзаро савдо ва инвестициянинг тарқалиши эвазига, телефон, юк кемалари ва конвейерлар туфайли яқинлашиш босқичига (фазасига) қадам босди. Глобаллашув асосчилари Р.Кобден ва Ж. Брайт эркин савдо жаҳон иқтисодий ўсишини тезлаштириши ҳақидаги тезисни илмий жиҳатдан асослаб бердилар. Ўзаро иқтисодий боғлиқлик туфайли шу вақтгача мисли кўрилмаган

ривожланиш асосида халқлар ўтмишдаги келишмовчиликларини унутадилар ва ҳамкорлик учун жипслашадилар. Глобаллашувнинг жаҳон ҳамжамиятига таъсири ғояси Норман Эйнжеланинг “Буюк иллюзия” (1909 й.) номли китобида янада ривожлантирилган. Унда муаллиф давлатларнинг, хусусан, бир-бирига савдодаги шериклик жиҳатидан иккинчи ҳисобланишган Буюк Британия ва Германиянинг ўзаро боғлиқлиги ўсиб бориши туфайли глобал можаролар (зиддиятлар) юз бериши мумкин эмаслигига ўқувчиларни ишонтирган. Ҳақиқий ҳаёт бу тезисни рад этди: китоб эълон қилингандан сўнг 5 йил ўтгач, биринчи жаҳон уруши бошланди, у XX асрнинг 70 йилларига қадар глобаллашув жараёнларини музлатиб қўйди.

70-йилларнинг охири информатика, транспорт ва телеком-муникация соҳаларидаги инқилобларга асосланган глобаллашувнинг иккинчи туғилиши сифатида тарих саҳифасига кирди. Сўнгги 30 йилда компьютерлар умумий сонининг қуввати ҳар 18 ойда икки мартага ошди, 1991 йилдан бошлаб ахборотлар ҳажми дискларнинг ҳар квадрат сантиметрида йилига ўртача 60 % га кўпайди. Ахборот етказиш харажатлари кескин қисқарди: ҳозир улкан ҳажмдаги ахборотлар телефон, оптик кабел ёки радиосигналлар орқали ер шарининг исталган нуқтасига етказилиши мумкин, бу ҳол энг фаол тарзда иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. ТМК ролининг юксак даражада ўсиши глобаллашув иккинчи босқичининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Гарчи компания дунёнинг 75 мамлакатидан кўпроғида вакилликка эга бўлсада, катта натяжка билан миллий деб аталиши мумкин, аммо халқаро сиёсий жараёнда уларнинг роли ошиб бормоқда. Улар қийинчиликсиз миллий чегараларни кесиб ўтмоқда ва ривожланган давлатлар ҳукуматларига ўз хоҳиш-иродаларини ўтказмоқдалар. Ҳозирги дунёда ТМК ривожланишининг яна бир ўзига хослиги бўлиб товарларнинг кўпчилик қисми борган сари ушбу ТМКнинг чет элдаги шахобчалари томонидан ишлаб чиқарилаётгани ҳисобланади (одатда, Осиё мамлакатларида). Товарлар, хизматлар ва сармояларнинг кўчиб юриши, қайта жойлашиши йўлидан тўсиқларнинг катъий олиб ташланиши кўпчилик мамлакат-ларнинг стратегиясига айланди.

Глобаллашув жараёнлари кўпқамровли хусусиятга эга бўлганлиги сабабли улар турли илмий фанлар қизиқиши доирасига киради, шу билан бирга бундай фанларнинг ҳар бири нафақат муаммонинг ўзига тегишли жиҳатларини ўрганадилар, балки ўзига тушунарли аппаратдан ҳам фойдаланадилар. Шу сабабдан ҳанузгача “глобаллашув” тушунчасининг умум қабул қилинган таърифи йўқ. Иқтисодчилар учун ушбу ҳодисада асосийси – масаланинг молиявий томонидир, хусусан: трансмиллий корпорациялар (ТМК)нинг вужудга келиши, жаҳон савдосини жадаллаштириш, иқтисодиётни минтақавий-лаштириш. Файласуфлар учун глобаллашувнинг моҳияти инсоний қадриятларни умумлаштиришдан (универсаллаш-тиришдан) иборат. Социологларни бу феноменда, аввало, дунёнинг турли минтақаларида инсонларнинг ягона яшаш тарзининг вужудга келиши қизиқтиради ва ш.к.

Париж сиёсий тадқиқотлар институти профессори Б.Бади глобаллашувнинг уч ўлчамини ажратиб кўрсатади, улар ушбу ҳодисага бошқа барча ёндашувларни ҳам бирлаштиради:

- кўп юз йиллар давомида ривожланиб келаётган тарихий жараён;
- ягона тамойил асосида ҳаётни, дунёни гомогенизациялаш, ягона кадриятларга содиқлик, барча урф-одатлар ва ахлоқ меъёрларига амал қилиш;
- давлат суверенитети бузилишининг асосий омили ҳисобланган кучайиб бораётган ўзаро боғлиқликни, трансмиллий нодавлат тузилмалар – этник диаспоралар, диний ҳаракатлар, глобал фирмалар, гуруҳларнинг ўсиб бораётган таъсирини эътироф этиш;

- Мамлакатимиздаги ва хорижий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги глобаллашув моҳиятини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзаро боғлиқликнинг ўсишида ёки “жаҳон ҳамжамиятини жаҳон жамиятига айланиши”да кўрадилар.

Глобаллашувга берилган баҳоларнинг турли-туманлиги жараёнларнинг ўзи зиддиятли эканлигини ҳам акс эттиради: барча ҳодисалар ўзаро боғлиқ бу дунёда умуминсоний манфаатлар ва миллий-этник ўзига хослик ўртасидаги, глобаллашув ва халқларнинг, ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши, ижтимоий умумийлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар (зиддиятлар) ва ҳоказолар.

Айни пайтда ушбу жараёнлар турли давлатлар/минта-қаларда уларнинг турли тарихий траекториялари, маданияти, сиёсий иқтисодиёти, тегишли инфраструктуралари билан, саноат ва илмий-техник ривожининг бир хил бўлмаган даражаси билан, турли ҳамжамиятлар имкониятлари билан, ижтимоий-сиёсий кучлар, ташкилотларнинг манфаатлари билан, шунингдек, реал вазифаларнинг қўйилиши ва эришилган (қисқа, ўрта, узоқ муддатли) мақсадлари билан турлича намоён бўлади.

Глобаллашувни ўрганишда учта асосий сиёсий ёндашув мавжуд: либерал, радикал, ва неореализм. Ушбу ёндашувларни кўриб чиқишдан мақсад шуки, уларнинг ҳар бири келгуси тараққиётни белгилашда халқаро сиёсий иқтисодиётнинг назарий масалаларини қандай ечар экан, хусусан қуйидаги масалаларни:

- ҳудудий чегаралар орқали иқтисодиёт ва сиёсат соҳасининг ўзаро алоқаси;

- рақобатлашаётган давлатлар тизимида қарор қабул қилишда давлатнинг роли;

- давлатнинг ташқи ва ички манфаатларининг ўзаро алоқаси;

Умуман глобаллашув нуқтаи назаридан анъанавий реализм ва либерализм алоҳида қизиқиш уйғотади. Анъанавий реализмнинг фарқловчи хусусиятлари қуйидагилар ҳисоб-ланади: иқтисодиёт ва сиёсат ўртасидаги аниқ ажралиш ва сиёсатнинг иқтисодиётдан устуворлиги. Давлат халқаро муносабатларнинг ягона ва асосий иштирокчиси саналади. Асосий мақсад – хавфсизликни ва давлатнинг яхлитлигини сақлашда (халқаро муносабатлар салоҳияти (потенциал) зиддиятлидир); халқаро муносабатлар концепцияси соҳалардан бирортасида инкор қилинади.

Анъанавий либерализм тарафдорлари шундай ҳисоблай-диларки, халқаро муносабатлар тизимининг асосий иштирок-чилари – индивидуумлардир; умуман халқаро муносабатлар – бу иқтисодий соҳада агентлар ўртасидаги

муносабатлардир; давлатнинг асосий мақсади нафақат хавфсизликни таъминлаш, шу билан бирга персонал эркинлик ва кўптомонлама ҳамкорликни кучайтириш ва яхшилаш орқали кишилар фаровонлигини оширишга қаратилган самарали сиёсат юритишдир. Либерализм сиёсий жиҳатдан кўра иқтисодий томонга, халқаро меҳнат тақсимоти ва ҳамкорликка устувор аҳамият беради; асосий тамойил – иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солишидир. Анъанавий реализм қоидалари мантикка тез берилади. Анъанавий реализм концепцияси сиёсий жиҳатлар иқтисодий жиҳатлардан юқори қўйилган ёндашув ҳисобланиб, у давлат олдида турган миллий хавфсизлик масаласини унинг бутун фаолиятидаги энг асосий масала сифатида белгилайди. Айни чоғда давлат – халқаро муносабатларнинг ягона бўлинмас ва рационал иштирокчисидир, нодавлат тузилмаларнинг муҳимлиги ҳисобга олинмайди. Шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу концепция тарафдорлари барча халқаро ишларни асосий давлатлар қўлидаги қурол (инструмент)лар, деб қарайдилар. Халқаро ташкилотлар урушни бартараф этишга қодир эмаслигига мутлоқ ишонч ҳосил қилиш реалистларни нодавлат тузилмалар билан низоларни ҳал қилиш имконияти мавжудлигини рад этишга мажбур қилади. Ҳар қандай давлатнинг энг характерли вазифаси хавфсизлик диллемасининг (security dilemma) ҳал этилишидир, деб ҳисоблашади ушбу ёндашув тарафдорлари. Ушбу мактаб вакилларининг фикрига кўра, ҳар қандай тузилма, айниқса, давлат “эгоизм” тамойиллари асосида иш кўриши лозим. Бунинг устига, реалистик ҳамкорлик ва халқаро муроСага эришувнинг ҳар қандай имкониятини рад этадилар (Маккавелли: “It is better to be loved and feared, but if you have to choose it is better to be feared”). Келтирилган ушбу фикрдан кўриниб турибдики, реалистлар бурчак бошига ҳамкорликдаги ўзаро манфаатни эмас, балки бошқалар олдидаги қўрқувни ёки бошқалардан устун бўлиш истагини қўймоқдалар. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг янада ортиқ даражада ўсиб бориши билан бирга глобаллашув ва халқаро ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётган бир даврда анъанавий реализм концепцияси маъқул саналмайди. Куба ва Шимолий Корея мамлакатлари ушбу назария тадқиқига яққол мисол бўла олади.

Либерал ёндашувнинг муҳим тамойилларидан бири – нодавлат ташкилий тузилмаларнинг муҳимлигини эътироф этишдир. Реалистлардан фарқли ўлароқ ушбу мактаб тарафдорлари иқтисодий соҳадаги халқаро ҳамкорликни давлатнинг ташқи сиёсатида устувор ҳисоблайдилар, халқаро муносабатларни эса иқтисодий соҳада индивидуумлар ўртасидаги муносабатлардир, деб билишади. Либераллар хавфсизликни сақлашни турли иттифоқлар тузишда кўрадилар, уларнинг фикрича, хавфсизлик дилеммаси ўйлаб топилган нарса, чунки демократик мамлакатлар ўртасида уруш бўлиши амалда мумкин эмас. Давлат халқаро муносабатларнинг унитар ва ягона иштирокчиси сифатида эмас, балки асосий субъектлар – индивидуумлар қатори яна бир ташкил этувчи сифатида қаралади. Либерализм иқтисодиёт соҳасида бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш тамойили ва давлатнинг эркин аралашувини тарғиб қилган ҳолда неоклассик (янги мумтоз) қарашларни ёқлайди.

Бир қарашда “реалистик пессимизм”нинг мутлоқ тескариси бўлиб

кўринган либерализм камчиликларга ҳам эга. Иқтисодий агаентлар фаолиятини ижтимоий-сиёсий контекстдан ташқарида кўриб чиқилиши (қаралиши), камида, тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг бутун манзараси ҳақида етарли даражада тасаввур беролмайди. Либералларнинг иқтисодиёт соҳасида бир нуқтага тўпланганлиги халқаро муносабатлар табиатини тўлиқ тушунишда лаёқатсизликка олиб келади. Назарий жиҳатдан “халқаро муносабатларнинг глобаллашуви” тушунчасининг ўзи халқаро муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлиги концепцияси билан зич боғланган. Ўзаро боғлиқлик – кўп ўлчамли ҳодиса, негаки у глобал, минтақавий, континентал даражада намоён бўлади. У кўп секторал хусусиятга эга, чунки жамиятлар фаолиятининг сиёсий, экологик, техник ва ижтимоий-маданий соҳаларига (жиҳатларига) бир вақтнинг ўзида тегиб туради.

Ҳозирги дунё ўзаро боғлиқликда, ўзаро алоқадорликда, яхлитликда эканлигини тасдиқловчи асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- халқаро меҳнат тақсмоти асосида ишлаб чиқариш-нинг байналлашуви;
- бугунги кунда, баъзи истисноларни ҳисобламаганда, барча мамлакатлар глобал ахборот тизими доирасида ҳаракатланаётганига сабаб бўлган икки томонлама ва кўп томонлама ахборот алмашинуви;
- ҳалокатли суръатда камайиб бораётган, аммо миллий ва жаҳон хўжалигининг меъёрдаги фаолият кўрса-тиши учун зарур бўлган табиат бойликлари, шу жумладан, фойдали қазилмалар, хомашё, ёқилғи, ўрмон ресурсларининг аҳволи;
- ҳозирги замоннинг барча қарама-қаршиликлари ва муаммолари тепасига асосий зиддият – тинчлик ва уруш хавфи, инсониятнинг яшаб қолиши ва ҳалок бўлиши ўртасидаги қарама-қаршилиқ чиқди.

Шундай қилиб, бу – XXI аср бошидаги жаҳон тараққиётини, умумжаҳон миқёсида ижтимоий ривожланишнинг янги босқичини, фан ва техника ютуқлари эвазига мумкин бўлган сифат жиҳатдан янги ижтимоий алоқалар ва ижтимоий жараёнларни характерловчи асосий тушунчадир. У инсоният фаолиятининг турли соҳаларида юз бераётган кўплаб чуқур ўзгаришлардан вужудга келмоқда. Глобаллашув кечагина ҳамда бўш жойда юзага келгани йўқ. Унинг пайдо бўлиши тарихий тараққиётнинг барча силжишлари билан тайёрланиб борди ва байналминаллашув табиий равишда давом этмоқда. Саноат инқилоби, янги транспорт ва алоқа воситаларининг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий равишдаги миграция, халқаро алоқалар ва алмашинувларнинг жадаллашуви мамлакат ва халқларнинг узилиб (ажралиб) қолган ҳолда мавжуд бўлишларига барҳам берди. Жаҳон хўжалиқ алоқалари қизгин ривож топмоқда, халқаро муносабатларни тартибга солишнинг жаҳон тизими яратилмоқда, маданий ўзаро таъсирлар жадаллик билан кечмоқда, узок масофалар нисбатан осон босиб ўтилмоқда, замон бориш тезлашмоқда, дунё яхлит қиёфага кира бошлади.

Цивилизация ривожини ва тараққиётнинг бориши нечоғлик муқаррар бўлса, глобаллашув ҳам шу каби тайиндир. Фақат масала шундаки, глобаллашув

бугун, эрта, индин... кимга ва қандай фойда келтиради. Бугунги кунда глобаллашув унинг қанча туришини биладиган ва бундан аниқ фойда олаётган, яқин келажакда қарор топажак вазиятнинг тегишли имконият ва афзалликларини ҳисоблаб чиқаётган мамлакатлар ва халқаро кучлар учун фойдалидир. Цивилизацияга юз тутган ҳеч бир мамлакат йўқки, хорижий инвестиция ва юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини мамлакатга жалб қилиб, ўз халқининг турмуш даражасини оширишга интилмаган бўлсин. Келажак ҳақида қайғурадиган мамлакат – ўзида ресурсларни тўплашга, минтақада коллектив хавфсизлик тизимига кириш ёки уни яратишга, БМТ сингари барча нуфузли ташкилотларга киришга интилаётган мамлакатдир. Бундай мамлакат товар ва хизматлар жаҳон бозорида шундай рақобатбардошликка, шундай барқарорлик ва хавфсизликка эришишни ўзининг асосий мақсади қилиб оладики, энди бу омиллар ўз-ўзидан ҳеч қандай миллатнинг равнақи, унинг хавфсизлиги иқтисодий ва сиёсий асосларини вайрон этмаслигини кафолатлайди.

Шу муносабат билан А.И.Уткиннинг глобаллашув моҳияти ҳақидаги фикрлари қизиқиш уйғотади. XXI аср бошида ишлаб чиқилган Ахборот технологиялари тўғрисидаги битим (келишув), телекоммуникациялар ва молия хизматлари, Бутунжаҳон савдо ташкилоти механизми ҳақидаги кўп сонли битимларни таҳлил қилар экан, у шундай ёзади: “Сармоя ва савдо оқимларини қайта жойлаштириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш етакчи мамлакатларнинг стратегияси бўлди. “Осиё йўлбарслари” ва бошқа бир неча мамлакатлар нисбатан арзон ишчи кучи билан юқори технологияни самарали кўшишининг кутилмаган салоҳиятини намойиш қилдилар, бу ҳол осонлаштирилган ўзаро айирбошлаш шароитида тез иқтисодий ўсишга олиб келди”¹⁷. Шарқий Осиё бундай ҳаракат натижасида ўзининг иқтисодий ривожланиши бўйича Шарқий Атлантикага яқинлашди. Бундан кейин муаллиф йиллик даромад аҳоли жон бошига ўртача 10 минг долл.дан ошганда, глобаллашаётган иқтисодиёт дунёсига кириш мумкин бўлишини таъкидлайди.

Агар глобаллашув илк босқичининг биринчи юз йилида унинг асоси ва таянчи бўлиб Британия империяси (унинг саноат базаси, молияси ва ҳарбий-денгиз флоти) хизмат қилган бўлса, ҳозирги босқичда эса кескин тезлашган глобаллашув жараёни устида “Вашингтон консенсуси”га таянган ва жаҳон савдоси йўлидаги ғовга қарши турган Америка Қўшма Штатлари турибди. АҚШ жаҳон иқтисодиётини очиш ва кўп томонлама халқаро институтлар барпо қилиш учун ўз ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий салоҳияти, амалдаги ўз гегемонлигидан кенг фойдаланмоқда. (Ҳали ўттиз йил аввал савдо Америка Қўшма Штатларига унинг ялпи ички маҳсулотининг тахминан 10%ни берган бўлса, янги минг йиллик бошига келиб бу кўрсаткич 30%га ортди).

Глобализация амалий жиҳатдан, аввало, турли иқти-содиётлар ўртасидаги тўсиқларни камайтиради, бу савдо айирбошлашга ёрдам беради.

Глобаллашув - бу давлат тарафидан эмас, балки бозор кучлари, балансланган бюджет, хусусийлаштириш, инвести-циялар ва бозор

¹⁷Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. –М.: Логос, 2002. –С. 35.

оқимларининг очиклиги, барқарор валюта билан белгиланадиган жараёндинр. Глобаллашув ҳаёт гомогениза-циясини: нархлар, маҳсулотлар, соғлиқни сақлаш даражаси ва сифати, даромад даражаси, банк фоиз ставкалари жаҳон даражасига тенглашиш тенденциясига эга бўлишини англатади. Глобализация нафақат жаҳон иқтисодиёти жараёнларини, балки унинг тузилишини ҳам ўзгартиради – интеграция даражаси яхлит бир шаклга етган глобал микёсдаги ўзаро боғлиқликни юзага келтиради. Шу билан бирга ўзаро боғлиқ иқтисодиёт билан глобаллашган иқтисодиёт ўртасида сифат жихатдан фарқ бўлади. Бу ўринда нафақат савдо оқимларининг кенгайган ҳажмлари, балки ягона давлат бозорига ўхшаш дунё бозори тўғрисида ҳам гап бормоқда.

Глобаллашув суверен давлатлар ўртасидаги тўсиқларни камайтиради экан, ички ижтимоий муносабатларни ўзгартиради, “марҳаматли” муносабатлар ва ижтимоий ғамхўрликни талаб қилувчи барча “ўзига хос”ларни қаттиқ тартибга солади, у маданий табуни бузиб ташлайди, ҳар қандай партикуляризмни қатъий узиб қўяди, самарасизликни шавқатсиз жазолайди ва шу билан бирга самарадорликнинг халқаро чемпионларини сахийларча тақдирлайди.

Аввалги жаҳон тизими сустривожланган (илтифот юзасидан ривожланаётган деб аталган, аммо уларнинг кўпчилигининг ривожланишга озгина бўлсин алоқаси йўқ) мамлакатлардан экспорт қилинган хомашёларга асосланар эди. Бу хомашёлар саноати ривож топган мамлакатларга келтирилган, у ерда тайёр маҳсулотга айлантирилиб, ортга, ривожланиши сустривожланган мамлакатлар бозорига жўнатилган. Глобаллашган иқтисодиётнинг жиддий фарқи шундан иборатки, унда энг замонавий технологияни қўлга киритиш демократиялаштирилган, осонлаштирилган. Амалда барча мамлакатлар ушбу технологиядан фойдаланиш имконига аввалги бирон бир вақтдан кўра анча тез ва осон эришадилар, уларга зарур бўлган хомашё материаллари сотувчиларини топиш, ишлаб чиқарувчиларнинг пулини тузиш (яратиш), пудратчилар билан келишиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда, улкан ва ўсиб бораётган жаҳон иқтисодиётининг сўзсиз зарур, қўшилувчи қисми бўлиш имконига эгадирлар.

Буларнинг ҳаммаси, одатда, назарий жихатдан мумкин, ҳақиқий ҳаётда эса, масалан, инвесторларни жалб қилиш учун, энг камида, ички сиёсий барқарорлик ва маҳаллий элитанинг ўз халқига мамлакатни ривожлантириш режасини, таклиф этилаётган оғир йўл учун бериладиган эвазлар маъно-мазмунини тушунтира олиш лаёқати зарур бўлади. Камида шундай шарт-шароитлар бўлмаган чоғда мамлакатда тартибсизлик ҳукмрон бўлиши ва модернизацион зўрлашга қарши адолатли исён бошланиб кетиш эҳтимоли ошиб кетади. Аввало, технологик янгиликлар ва ижобий ўзгаришларни қадрлайдиган ҳақиқий ягона халқаро тизим вужудга келади. ХХI асда асосий куч тузилмаларни такомиллаштиришга, инфраструктураларни ривожлантиришга, ахборотни эгаллашга, микроэлектроника ютуқларига эришишга, оч қолаётган дунёнинг биотехнологияларга юз тутишига, телекоммуникацияларнинг умумий тарқалишига, космик техниканинг оммавий қўлланишига қаратилади. Глобаллашган дунё ҳаёти янгилик-ларни

яшин тезлигида жорий қилиш, доимий модернизация билан белгиланади.

Глобаллашув ҳукуматни миллий иқтисодий сиёсатни қўшни мамлакатлар эҳтиёжлари ва салоҳиятли рақиблар хоҳиши билан мувофиқлаштиришга мажбур қилади. Сармоянинг тезкор ҳаракати билан туртки берилган жадал рақобат шароитида озчилик мамлакатларгина мустақил валюта сиёсатини ва иқтисодий ўзига етарлиликни таъминлашни ўзларига изн бериши мумкин. “Дунёнинг ривожланган саноат асоси”, иқтисодиётни саноатлаштирувчи яримпериферия ва қолоқ мамлакатлар периферияси ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган аввалги меҳнат тақсимооти тизими ягона глобал иқтисодиётни яратиш томонга ўзгармоқда. Унда “глобал триада” – Шимолий Америка, ЕИ ва Шарқий/Жанубий Осиё асосий ўрин тутди. Бу ерда дунёнинг асосий ишлаб чиқариш кучлари ва глобал иқтисодиёт мега бозорлари жойлашган, унда глобаллашган трансмиллий корпорациялар асосий роль ўйнайди.

Глобаллашув ҳаммадан кўпроқ жаҳон иқтисодий самарадорлиги лидерларини (етакчиларини) – ўттизта давлатни – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) аъзоларини жалб қилади. Ушбу ташкилотда инсониятнинг ўн фоиздан кўпроғи яшайди, аммо улар жаҳон иқтисодиётининг, халқаро банк тизимининг учдан иккисини эгаллайдилар ва техник жиҳатдан анча такомиллашган ишлаб чиқаришда етакчилик қилдилар. Улар ўз салоҳиятларини (потенциалини) амалда ер шарининг исталган нуқтасида амалга ошириш имконига эгадирлар; улар халқаро коммуникацияни назорат қилишади, энг қийин технологик ишланмаларни амалга оширадилар, саноатни ва аҳоли саводхонлигини техник янгилаш жараёнини белгилайдилар. Глобаллашув иқтисодий ва техник ривожланишнинг янги имкониятларини очди, жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги сифат жиҳатдан илгари силжишларини, халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларни юзага келтиради. Аммо, шу билан бирга, глобаллашув анчагина салоҳиятли хавф-хатар ва таҳдидларни ҳам ўзида ташийди. Кўпчилик мамлакатлар жаҳон тараққиётидан четда туриб қолишдан ҳақли равишда хавсирамоқдалар.

XX асрнинг иккинчи ярмидан мерос қолган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларидаги фарқ яқинлашиб келаётган юз йилликда янада кўпроқ ошиши ва кўпгина офатларнинг манбаи бўлиши мумкин.

Бошқа трансчегаравий муаммолар: халқаро терроризм ва уюшган жиноятчилик, жангари айирмачилик, қурол ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши кабиларнинг ҳам миқёси янада кенгая бошлади. Жаҳон ҳамжамияти ушбу чақириқларга (қарши чиқишларга) муносиб жавоб изламоқда. Глобаллашувнинг салбий кўринишлари кенгайиб кетишига нафақат йўл қўймаслик, балки, энг аввало, барча давлат ва халқлар учун унинг фойдасини очиш ҳам зарур. Глобаллашув ижтимоий тараққиётга – бандликни ошириш, ишсизликни камайтириш, қашшоқликни йўқотишга хизмат қилиши лозим. Маҳаллийлашув (локализация) ва фрагментация (қисмлаштириш) шаклидаги глобаллашувга қарши ҳаракатлар ҳам пайдо бўлади, миллий кадриятларни сақлашга интилишлар кучаяди, миллат ва этносларнинг ўз

тақдирини ўзи белгилаш жараёни фаоллашади. Маҳаллийлашув (локализация) – маҳаллий мухториятни кучайтиришга бўлган талабларнинг ўсишидир, бунга ривожланган мамлакатлар аҳолисининг урбанизация марказларида тўпланишининг ўсиб бораётгани ёрдам беради. Фрагментация – глобаллашув маҳсулоти, унинг миллатчилик ва этник бирлашувдан тортиб диний уйғониш ва секталаргача каби турли шаклларга кирган характеристикаси.

Глобаллашув – объектив жараён, бироқ, тўғри стратегия танланганда у ёки бу моментларнинг салбий таъсирларини бартараф этиш мумкин. Глобаллашувнинг фарқлаб турувчи ўзига хослиги шундан иборатки, дунёни ягона макон сифатида англаш миқёси ва теранлиги ўсиб боради, у ёки бу мамлакат ичкарасида содир бўлаётган воқеалар эса ташқи сиёсий ҳаракатлардан кўра бошқа халқ ва давлатларга анча кучли таъсир кўрсатади. Демократлаштириш, либераллаштириш, иқтисодийнинг очиклиги, хавфсизлик муаммоларига ёндашувни бир хил қилиш бугунги кунда дунёнинг кўпчилик давлатлари ва халқларининг ички ва ташқи сиёсатини белгиламоқда. Глобаллашув – эволюцион жараён, унинг жадаллиги дунёнинг турли географик минтақаларида бир хил эмас, ушбу жараённинг алоҳида ташкил қилувчилари ҳам бир хилликдан узоқ. Глобаллашув – унинг асосий иштирокчилари иродаси ва куч сарфлашларига у қадар боғлиқ бўлмаган кўп жихатдан стихияли жараёндир. Шу сабабдан глобаллашув шароити ўзи билан нафақат ижобий, шу билан бирга салбий натижаларни ҳам келтиради, ушбу жараённинг кўп сонли тарафдорларини ҳам, бундан кам бўлмаган миқдорда қарши турувчиларни ҳам юзага келтиради. Айнан стихияли глобаллашув бугунги кунда ривожланаётган дунёга энг катта хавф солмоқда, худди шу сабабдан ҳам унинг жараёнларини бошқариш зарурлиги тўғрисидаги овозлар янада баландроқ янграмоқда.

Айтиш мумкинки, глобаллашув жаҳон ҳамжамияти томонидан эришилган ўзаро боғлиқликнинг кескин даражасини куйидаги асосда акс эттиради: иқтисодий интеграция ҳамда сармоя, товар ва ишчи кучларининг дунё бўйлаб бошқа жойга кўчиши; жаҳон илмий-техник тараққиёти томонидан рағбатлантирилган технологик интеграция; замонавий ахборот-алоқа инқилоби. Кўпчилик давлатлар ўз миллий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда жаҳон тараққиётининг ушбу феноменини, унинг мусбат ва манфий томонларини янада аниқлаштирган ҳолда ҳисобга олишга уринмоқдалар.

Кучайиб бораётган глобаллашув, хўжалик жараёнларининг мураккаблашуви ва ўзаро чирмашиб кетиши фақат миллий-давлат манфаатларини тенглаштириб қолмай, балки уларни жаҳон майдонида, жаҳон бозорида ҳимоя қилиш учун янги йўللари топишга ҳам мажбур қилади.

Жаҳон хўжалигида ўзгаришлар шу қадар аҳамиятли (жиддий) ва принципиалки, “янги жаҳон иқтисодий” (*ЯЖИ*) ва “янги халқаро иқтисодий тартиб”нинг (*ЯХИТ*) вужудга келгани бундан далолат беради. Ушбу категориялар жаҳон хўжалиги соҳасида юз бераётган ўзгаришлар таҳлилини тўлиқроққайд этиш имконини беради.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларига ёки ЯЖИ ва

ЯХИТнинг энг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқаришнинг аввалги усулларини ишлаб чиқаришнинг янги технологик усуллари билан алмаштириш тез содир бўлмоқда. Саноатнинг анъанавий “базавий” соҳаларининг роли ва аҳамияти ўзгармоқда. Ишлаб чиқариш тузилмасининг янги тури (типи) нафақат иқтисодиётда, балки инсон фаолиятининг барча соҳалари: фан, энергетика, агротехника, алоқа воситалари, тизимида, савдо- сотикни ташкил этишда ва ш.к.да ҳам чуқур ўзгаришларга олиб келмоқда.

Янги жаҳон трансмиллий корпорацияларининг вужудга келиши жараёни ғарб мамлакатларининг трансмиллий корпорациялари (ТМК) фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Бир томондан, ЯЖИнинг ишлаб чиқаришнинг қарор топган янги технологик усуллар базасида ривожланиши ТМК манфаатларига энг мос даражада жавоб беради. Иккинчи томондан, ТМКнинг ўзи “янги жаҳон иқтисодиёти” ташкил топтиришнинг энг фаол агентлари, ҳаракатлантирувчилари ҳисобланади.

Деярли барча жаҳон хўжалигида интеграция томон ҳаракатланиши билан характерланадиган ўзаро боғлиқликнинг янги босқичига алоқадор тенденциялар кўпчилиқни ташкил этади, аммо шу билан бир қаторда улар миллатчилик ва протекционистик тенденцияларга қарши курашда тасдиқланади. Лекин келажакда кучли иқтисодий ўзаро боғлиқлик, очиклик, миллий иқтисодиёт интеграцияси, илғор капиталистик мамлакатларда йирик иқтисодий ёки сиёсий кризис (бўҳрон)лар бўлмаган тақдирда, белгиловчи моменлар бўлиб қолади.

4.2. Глоблалашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли.

Бугунги кунда жаҳон сиёсатида халқаро ташкилотларнинг ролини бир вақтлардагидек кучсиз деб баҳолаш қийин. Бугунда улар жаҳон сиёсат майдонида мустақил субъектлар сифатида намоён бўлмоқдалар. Шубҳасиз, халқаро ташкилотлар геосиёсий ва минтақавий жараёнларда яна-да катта ўринга эга бўлиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.

Биринчи халқаро ташкилотлар XIX асрнинг бошлари ва ўрталарида пайдо бўлди: Рейнда кемачилик бўйича Марказий комиссия (1815 й.), Халқаро телеграф иттифоқи (1865 й.) ва Умумий почта иттифоқи (1874). Биринчи халқаро ташкилотлар иқтисодиёт, транспорт, маданият, давлатларнинг ижтимоий манфаатлари соҳасида тузилган бўлиб, ўз мақсадларига кўра сиёсатдан ташқари соҳада биргаликдаги трансчегаравий ҳамкорликка йўналтирилган эди. Ўша пайтларда халқаро ташкилотлар юқорида саналган ҳамкорлик турлари учун асос бўлиб хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай вазифаларни бажара олмаганлар.

XX асрнинг бошларига келиб, бундай ташкилотлар сони ўсди, бу чоғда янада жадал халқаро ҳамкорлик жараёнларининг пайдо бўлиши бунга сабаб

бўлди. Бу ҳол, ўз навбатида, бундай ташкилотларнинг яна ҳам тез ривожланиши учун замин ҳозирлади.

Ташкил бўлиб кўп турмаганини ҳисобга олмаганда, 1919 йилда тузилган Миллатлар Лигаси, шубҳасиз, сиёсий халқаро ташкилот тузишдаги биринчи кадам эди. Коллектив хавфсизлик тамойилларига асосланган ташкилот тузиш ғоясининг ўзи Миллатлар Лигасини бугунги халқаро ташкилотларнинг асосчи-ларидан бирига айлантирди. Бироқ янги жаҳон урушларининг олдини олиш учун тузилган Миллатлар Лигаси муваффақият-сизликка учради. Негаки, коллектив хавфсизлик тамойили ўз тадбиққилиниш (қўлланиш) ўрнини топмади. У коллектив хавфсизликка, қуролсизланишга, можароларни тинч йўл билан тартибга солиш ва халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилишга ёрдам бериши лозим бўлган ташкилотдан, ҳозирги инлиз тадқиқотчиси К.Арчер таърифига кўра, «бўш пўчоққа» айланди. Уни ўз манфаатларидан ташқари сиёсат олиб боришни ёки Лига мақоми туфайли бирор нарсани йўқотишни истамаган мамла-катлар инкор этишди. Дунёга нафақат урушни ёқламайдиган, балки уни самарали бартараф эта олиш ҳуқуқ ва имкониятларига эга бўлган янада кучли тизим зарурлиги маълум бўлди.

Шуниси характерлики, Миллатлар Лигаси БМТга ушбу халқаро ташкилот ҳозирдаги шаклини олишига қайси бир даражада ёрдам берди. Кўпчилик экспертлар БМТ тузилиш жиҳатдан самарали бўлганлигини, чунки бунда ўз ўтмиш-дошининг камчиликларини ҳисобга олганлигини тасдиқлашади.

Вақт кўрсатдики, БМТ Низоми дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, шунингдек, сиёсатдан ташқари соҳада ҳамкорликни ривожлантиришнинг анча самарали ва таъсирчан воситаси эканлиги маълум бўлди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолияти уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўп даражада олдиндан белгилаб қўйган муайян халқаро муҳитда кечди. 1945-1990 йилларда БМТ халқаро муносабатларнинг урушдан кейинги икки муҳим омилининг ҳал қилувчи таъсири остида ривожланиб борди. Улардан бири - Шарқ ва Ғарб ўртасидаги «совуқ уруш», иккинчиси - иқтисодий ривожланган Шимол ва ортда қолган қашшоқ Жануб ўртасидаги кучайиб бораётган можаро (зиддият) эди. Шу жиҳатдан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тарихи урушдан кейинги дунё ривожининг акс этиши ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, халқаро ташкилотлар мутлақо бошқалардан ажралиб турадиган тузилмаларни ўзида ифода этмайдилар, чунки геосиёсий жараёнлар уларнинг фаолиятига таъсир қилади, шунинг учун ҳар қандай халқаро тузилма ушбу жараёнларнинг аксигина ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар нисбатан узоқ бўлмаган йўлни босиб ўтар экан, XXI асрга жаҳон геосиёсий жараёнларининг тўлақонли иштирокчилари бўлиб кирдилар.

Ҳар қандай турдаги халқаро ташкилотларнинг шаклланиши давлатлар ўртасида туғиладиган у ёки бу муаммоларнинг ҳал қилиниши муҳимлигига асосланади. Муаммоларнинг муҳимлиги мустақил давлатларнинг ўзлари томонидан белгиланади, шундан уларнинг таснифи аниқланади, яъни мазкур муаммоларни ечишга йўналтирилган халқаро ташкилотлар ҳуқуматлараро

ёки ноҳукумат халқаро ташкилотлар мақомига эга бўладилар.

Бугунги кунда халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлаш, можаро ва баҳс-мунозараларни тартибга солишдаги ролига ортикча баҳо бериш қийин. Улар алиштириб бўлмайдиган тузилмага айландилар, уларсиз ҳозирги дунёни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Глобаллашув ва интеграциялашув, ўз навбатида, бундай ташкилотларнинг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Глобал-лашув, аввало, иқтисодиёт, технология, коммуникация, фан ва транспорт соқасидаги трансчегаравий ўзаро алоқани (ҳамкорликни) янада кучлилаштиришни билдиради. У, гарчи турли даражада бўлса-да, ўзаро боғлиқликнинг жамулжам тизимида деярли барча давлатлар, жамиятлар, ташкилотлар, актёрлар ва индивидлар гуруҳини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси хавф-хатар ва таваккачиликлар: иқтисодий, халқлар-нинг кўчиши (миграцион), оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, жинойтчилик, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқаларнинг дунёвий кўшилиб (чатишиб) кетиши билан бирга кечади. Шу тариқа, глобаллашув кўптомонлама дипломатия аҳамиятининг ортиши ва айни пайтда унинг мураккаблашишига ёрдам берди. Халқаро муносабатларнинг, ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилик жиддий муаммолари кўп сонли давлатлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни уларни ҳал қилиш учун жалб қилади.

Ҳозирги халқаро ташкилотлар иккита асосий турга бўлинади: ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўрни муҳим ва уларнинг барчаси давлатларнинг турли соҳалардаги мулоқатига ёрдам беради.

4.3. Ҳукуматлараро ташкилотлар ҳеч бўлмаганда қуйидаги белгиларга эга бўлишлари лозим

- халқаро ҳуқуққа мувофиқ тузилиш. Ҳар қандай ҳукуматлараро ташкилот ҳуқуқий асосда ташкил топмоғи лозим, хусусан: ташкилот алоҳида бир давлатнинг ва умуман, халқаро ҳамжамиятнинг манфаатларига зарар етказмаслиги зарур;

- халқаро шартнома (конвенция, битим, тракт, протокол ва ш.к.) асосида ташкил топиш. Бундай шартнома тарафдорлари суверен давлатлар ҳисобланади, кейинги пайтларда эса ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам шу қаторга кирмоқда (Масалан, ЕИ кўпчилик балиқ овловчи ташкилотларнинг аъзоси саналади).

- халқаро ташкилотларни тузишдан мақсад у ёки бу соҳада давлатларнинг кучини бирлаштиришдан иборат: сиёсий (ОБСЕ), ҳарбий (НАТО), иқтисодий (ЕС), валюта-молиявий (ХВФ) ва бошқалар. Аммо БМТ каби ташкилот қарийб барча соҳада давлатларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши лозим. Бундай вазиятда халқаро ташкилот давлатлар-аъзолар ўртасида воситачи бўлиб ўртага чиқади. Баъзан давлатлар халқаро муносабатларнинг энг қийин масалаларини муҳокама ва ҳал қилиш учун халқаро ташкилотга топширадилар;

- ҳар бир ҳукуматлараро ташкилот тегишли ташкилий тузилмага эга бўлмоғи лозим. Ушбу аломат гуёки ташкилотнинг доимий характерини

тасдиқлайди ва шу тариқа уни кўпсонли бошқа халқаро ҳамкорлик форумларидан фарқлайди;

- ҳукуматлараро ташкилотлар штаб-квартирага, мустақил давлатлар ва ёрдамчи органлар сиймосида аъзоларга эга бўладилар;

- ҳукуматлараро ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида умумий шаклда мустақамланган ҳуқуқ ва мажбу-риятларининг мавжудлиги. Халқаро ташкилот ўз вако-латини ошира олмайди, лекин мустақил халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, яъни давлатлар-аъзолар ихтиёридан фарқли мухтор хоҳиш-иродага эга бўлади. Бу белги ҳар қандай ташкилот ўз фаолияти соҳасида давлатлар-аъзолар томонидан унга юкланган ҳуқуқ ва мажбу-риятларни бажариш воситасини мустақил танлаши мумкинлигини билдиради; Шундай қилиб, юқорида баён қилинган белгиларга эга бўлган халқаро ташкилот халқаро ҳукуматлараро ташкилот саналади.

Ҳукуматлараро битим (келишув)лар асосида тасдиқланмаган ҳар қандай халқаро ташкилот *халқаро ноҳукумат ташкилот* ҳисобланади. Бундай ташкилотлар энг камида битта давлат томонидан эътироф қилинган бўлиши, аммо камида иккита давлатда ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Бу каби ташкилотлар таъсис ҳужжатлари асосида ташкил қилинмоқда ва ҳозирги пайтда дунёда уларнинг сони 8000 минг атрофида ҳисобланади. Халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳозирги халқаро муносабатларнинг барча йўналишларида фаол роль ўйнамоқда, бир қатор соҳаларда эса улар ҳатто етакчи ҳисобланишади (масалан: Қизил хоч кўмитаси инсонпарварлик, беғаразлик, мустақиллик ва кўнгиллилик ушбу жамият фаолиятининг тамойиллари саналади ва у давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигига катта ҳисса қўшди).

Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги қай бир фарқларга қарамасдан улар фаол ҳамкорлик қилишмоқда. Маслаҳатлашув мақоми бундай ҳамкорликнинг асосий шакли ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар халқаро тизимни бошқаришнинг алоҳида шаклини яратмоқдалар, бу шакл давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги манфаатларининг ўзаро боғлиқликлари ва кўшилиб кетиши кучайиб бораётгани туфайли зарурдир. Халқаро ташкилотлар трансчегаравий сиёсий жараён-нинг институционал доираларини шакллантирадилар, унда кўпсонли давлат ва ҳамжамиятларнинг давлат ва /ёки нодавлат актёрлари иштирок этишади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар иккиламчи ва ясама бўлишса ҳам, чунки улар халқаро ҳуқуқнинг бирламчи (бошланғич) субъектлари – давлатлар томонидан тузилган, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланишади. Умуман, Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар сиёсий соҳада давлат буткул ва тўлиғича ўзига ололмайдиган бошқарувнинг маълум функциясини ўз зиммасига олади. Халқаро ноҳукумат ташкилотлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар бир қатор муҳим вазифаларни бажаришмоқда. Масалан, халқаро ташкилот катта бўлмаган давлатларнинг коллектив ташкилоти учун қулай жойни ўзида ифода этади. Дунёдаги барча мустақил дав-латларнинг ярмидан кўпроғи – кичик ва кучсиз давлатлар бўлиб,

улар халқаро ҳуқуқнинг суверен ва тенг ҳуқуқли субъектлар ҳисобланишади. Бироқ амалда улар халқаро майдонда ўз кучларининг бирлаштиришлари туфайли ўз манфаатларини таъминлашлари мумкин. Халқаро ташкилотлар кичик давлатлар учун институционал шакллар яратмоқдалар. Кичик давлатлар келгусида ушбу шакллар орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари учун улар ёрдамида дастлаб махсус бирлашмалар тузишлари мумкин. Кўпчилик халқаро ташкилотлар «битта мамлакат – битта овоз» тамойилига кўра иш тутишлари сабабли бу ҳол қарор қабул қилишда анча кўпчилик овоз олиш заруратини юзага келтиради. Натижада кичик давлатлар овоз бериш натижалари ва муайян резолюцияларнинг мазмун-мундарижасига нисбатан каттагина таъсирга эга бўлишлари мумкин, бу, табиийки, дипломатик муносабатлар ва ўзаро ҳамжиҳатликнинг ривожланишида ижобий омил бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабдан халқаро тизимда БМТнинг ҳозирги ролиҳақида турли фикрлар мавжудлигини қайд этиш лозим:

- БМТ қуролли можароларни бартараф этиш ва халқаро келишмовчилик ва жанжалларни тинч йўл билан ҳалқилиш борасидаги ўз вазифаларини аллақачон бажаролмай қолди;

- БМТнинг ҳеч қандай муқобили ҳозирча мавжуд эмас, бошқача айтганда, минтақавий ташкилотлар алоҳида минтақалар манфаатларини ифода қиладилар, улар кўпинча тўғридан-тўғри бир-бирига зид бўлади, шу сабабли бутунжаҳон ташкилотсиз можароларни ҳал қилишнинг умумий меъёрлари ва йўллари ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Маълумки, сўнгги йилларда «инсонпарвар босқинчилик» муаммоси тез-тез кўтарилмоқда, бу инсон ҳуқуқларига хавф (геноцид ва қатоғон) туғилган тақдирда, БМТ аъзоларининг ички можароларга аралашуш ҳуқуқини билдиради. Шундай қилиб, БМТнинг фаолият кўрсатиши зарурати, унинг мақсад ва вазифалари мувофиқлиги тўғрисида саволлар пайдо бўлмоқда.

Ташкилотнинг барча аъзолари тенглиги, жанжалли масалаларни тинч воситалар билан ҳал қилиш, ҳар қандай давлатга қарши таҳдид қилиш ва куч ишлатишдан тийилиш БМТнинг муҳим тамойиллари ҳисобланади. БМТ Низомида тинчликка таҳдидларни бартараф қилиш ва олдини олиш ҳамда тажовузкорлик ҳаракатларини йўқотиш учун «самарали коллектив чоралар кўриш», шунингдек, халқаро жанжалларни «оддиллик ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ тинч воситалар билан» ҳал қилиш ташкилот аъзолари учун кўрсатма қилиб ёзиб қўйилган. Халқаро муносабатларнинг асосий бошланмаси сифатида илк бор халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили Низомда мустаҳкамлаб қўйилган эди. Шунингдек, Низом тинчлик ва хавфсизликка таҳдид мавжуд бўлганда ва буни бартараф этишда бошқа барча воситалар самарасиз бўлган тақдирда БМТ кучлари томонидан мажбурловчи ҳарбий аралашув заруриятини ҳам белгилаб қўйди. Аммо бу ҳаракатлар давлатнинг буткул ички ишларига тегишли бўлган ва халқаро хавфсизликка ҳам, мазкур давлатнинг тинч аҳолиси ҳаёти ва ҳуқуқларига ҳам хавф солмайдиган вазиятларга дахлдор эмас.

Низомда белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ва

Ташкилот фикрига кўра, уларни бажариши мумкин бўлган барча тинчликсевар давлатлар БМТнинг аъзоси бўлишлари мумкин. Ушбу мажбуриятлар, тинчлик пайтида бўлгани каби можаро шароитида ҳам, халқаро майдонда давлатлар ҳамкорлигининг ҳар қандай кўринишига алоқадор бўлган муайян вазиятларда давлатнинг аъзоси (ўзини тутиши) қоидаларига дахлдордир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олти асосий органга: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Халқаро суд ва котибиятга эга. Уларнинг ваколати, вазифа ва фаолияти халқаро ташкилот ваколатига кирувчи барча жамулжам масалаларни қамраб олишга имкон беради. БМТнинг келажаги ушбу ташкилот тизимининг янада самарали ишлашини таъминлаш, янги халқаро сиёсий маданиятни белгилаш учун қандай чоралар кўрилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, халқаро ташкилотлар ролининг ошиши турли баҳс-мунозараларни ҳалқилишда ҳам, ҳарбий можараларни бартараф этишда ҳам давлатлар учун маълум (муайян) қафолатларни яратади. Халқаро ташкилотларнинг тузилиши ва мавжуд бўлиши бутун инсониятни яқинлаштиришга янада кенг имкониятлар очади ва цивилизациянинг янада тез тараккий этишига ёрдам беради.

Давлатларнинг ҳукуматлараро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги тегишли вазифаларни кун тартибига қўйиш ва ҳал қилишнинг миллий механизмлари давоми сифатида янада кенг тушунилиб бормоқда. Бу давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини яқинлаштиришга олиб келади. Давлатлар ўз мустақилликларини халқаро ташкилотлар билан бўлишиш борасида катта тайёргарлик намоён этадилар, бу ҳол халқаро муносабатларда халқаро ташкилотларнинг роли ва аҳамияти ошишига ёрдам беради. Бошқача айтганда, халқаро ташкилотлар сони каби уларнинг аҳамияти ҳам анча ортишини кутиш лозим.

Назорат саволлари

1. Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
2. Халқаро ташкилотларнинг ўрни ва вазифалари.
3. Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар ўртасидаги фарқ.

5-мавзу: Жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг интеграциялашуви

Режа:

1. *Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлар субъекти сифатида.*
2. *Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати концепцияси. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви. Ўзбекистон ва ШХТ. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва МДХ.*

5.1. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлар субъекти сифатида.

Ҳозирги замон халқаро муносабатларида халқаро ташкилотлар

давлатларнинг ҳамкорлиги ва кўп тарафлама дипломатия шакли сифатида муҳим рол ўйнайди.

XIX асрда халқаро ташкилотлар вужудга келиши жамият ҳаётининг кўпгина жабҳалари байналмилаллашувининг объектив натижаси бўлди. 1815 йили Рейн бўйлаб навигация Марказий комиссияси ташкил топган пайтдан эътиборан халқаро ташкилотлар ўз ваколатига эга бўла бошладилар. Илк халқаро универсал ташкилотлар – Жаҳон телеграф уюшмаси (1865) ва Жаҳон почта уюшмаси (1874)нинг таъсис этилиши халқаро ташкилотларнинг риволанишида янги босқич бўлди.

Ҳозирги замон халқаро ташкилотларига улар ваколатларининг янада кенгайиши ва тузилмасининг мураккаблашуви хосдир. Ҳозирда мавжуд халқаро ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва алоқалар (бугунги кунда уларнинг сони 4 мингдан ошиб кетди, шундан 300 тадан кўпроғи – ҳукуматлараро ташкилотлар) халқаро ташкилотлар тизими тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Ушбу тизим марказида БМТ туради. Бу янги тузилмалар (қўшма органлар, мувофиқлаштирувчи органлар ва б.) пайдо бўлишига олиб келаётир.

Халқаро ташкилот – аъзо-давлатлар ўртасида тузилган шартномага биноан таъсис этилган ташкилот. Мазкур шартномага кўра, у халқаро ташкилот мақомига эга бўлади. Халқаро ташкилотларнинг **юримдик табиати**ни халқаро шартнома (таъсис ҳужжати) ташкил этади. Ушбу ҳужжатда ташкилотнинг мақсад-вазифалари белгиланади, шунингдек, унинг ваколати, унга аъзолик, қарорлар қабул қилиш ва бошқа масалалар тартибга солинади. Давлатлар халқаро ташкилот тузиш тўғрисида халқаро шартнома тузиб, бу ташкилот учун муайян ҳуқуқ ва муомала лаёқатини вужудга келтирар эканлар, ўзларининг бу ҳаракатлари билан халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини қарор топтирадилар. Бундай халқаро ташкилот шартномага асосланган ҳуқуқ субъекти ҳисобланади; ташкилот ходимларининг имтиёзлари, иммунитетлари дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларга тенглаштирилади.

«Халқаро ташкилотлар» атамаси давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотларга нисбатан ҳам, ноҳукумат ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) фаолият предметига кўра – сиёсий, иқтисодий, кредит-молия, савдо, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва б. ташкилотлар;

2) иштирокчилари доирасига кўра – фаолият мақсади ва предмети жаҳоннинг барча давлатлари манфаатларига дахлдор халқаро универсал ташкилотлар (БМТ, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари) ва фаолияти муайян минтақаларга нисбатан татбиқ этиладиган регионал халқаро ташкилотлар (ЛАГ, ОАЕ, ОАГ);

3) янги аъзолар қабул қилиш тартибига кўра – очик (ҳар қандай давлат ўз ихтиёрига кўра аъзо бўлиши мумкин) ёки ёпик (аъзоликка қабул қилиш дастлабки таъсисчиларнинг таклифига биноан амалга оширилади) халқаро ташкилотлар. Ёпик ташкилотга НАТО мисол бўлади;

4) фаолият соҳасига кўра – умумий ваколатга эга халқаро ташкилотлар (БМТ, ОАЕ, ОАГ) ва махсус ваколатга эга халқаро ташкилотлар (масалан, БМТнинг ихтисослашган муассасалари – МОТ, ВПС);

5) фаолият мақсадлари, принципларига кўра - қонуний ёки ғайриқонуний халқаро ташкилотлар;

6) аъзолари сонига кўра – жаҳон миқёсидаги ёки гуруҳий халқаро ташкилотлар;

7) ваколатларининг хусусиятига кўра – давлатлараро ва миллатларни, ёки, аниқроғи, давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотлар. Биринчи гуруҳга мақсади давлатлараро ҳамкорликни ташкил этишдан иборат халқаро ташкилотлар киради. Давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотларнинг мақсади интеграциядир. Уларнинг қарорлари аъзо давлатларнинг фуқаролари, юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилади. Бундай ташкилот унсурлари муайян даражада Европа Иттифоқига хосдир.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотнинг белгилари.

1. Камида уч давлатнинг аъзолиги.
2. Доимий органлари ва штаб-квартирасининг мавжудлиги.
3. Таъсис шартномаси тузилганлиги.
4. Аъзо давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш.
5. Ички ишларга аралашмаслик.
6. Қарорлар қабул қилиш тартибининг белгиланганлиги.

Шу белгиларни ҳисобга олиб қайд этиш мумкинки, **халқаро Ҳукуматлараро ташкилот** – халқаро шартнома асосида умумий мақсадларга эришиш учун таъсис этилган, доимий органларга эга бўлган ва аъзо давлатларнинг умумий манфаатларида уларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда иш олиб борадиган давлатлар бирлашмаси. Бундай ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

5.2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати концепцияси. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви. Ўзбекистон ва ШХТ. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва МДХ.

Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ифода этилган. Улар муҳим ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир.

Мамлакат суверенитети – миллий мафкура ва миллий манфаатларга таянган ҳолда ташқи ва ички сиёсат соҳасида қабул қилинаётган қарорлар асосини ташкил этувчи етакчи тамойил сифатида намоён бўлади. Бинобарин, суверенитет олий қадрият, миллий давлатчиликнинг асоси сифатида либерал-демократик жамият талаблари орқали англанади, талқин этилади, шу билан бирга, суверенитет халқаро муносабатлардаги интеграцион жараёнларга иштирок этмасликка, алоҳидалик (изоляция) сиёсатини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларини бажаришдан бош тортиш, умумдунёвий ва минтақавий нуқтаи назардан

хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик манфаатларини инкор этишга асос бўла олмайди.

Суверенитет устуворлиги тамойили миллий манфаатлар устуворлигига таянган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишга масъулият билан ёндошув; жаҳон ҳамжамиятига очиклик; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаш ҳуқуқини англатади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган республика учун бу муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, “Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзан эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади” (Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 50-бет).

Суверенитет тамойили давлатга халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъекти бўлишига имкон яратади. Зеро, давлат мустақил ва ўз-ўзини бошқарадиган тузилма сифатида ҳеч кимни ташқи иродасига боғлиқ эмас. Суверенитетга эга бўлмаган давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди. Чунки универсал характерга эга бўлган бундай давлатнинг халқаро ҳуқуқ тартиботини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга оширишда тўлиқ иштирок этиш, зиммасига олган мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини англатади.

Давлат ҳуқуқнинг бирламчи субъекти сифатида асосий (фундаментал) ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Қуйидагиларни унинг асосий ҳуқуқлари сирасига киритиш мумкин: давлатларнинг суверен тенглиги; мустақил бўлиш ҳуқуқи; ўз худудида ҳукмронлик қилиш; яқка тартибда ёки коллектив ҳимояланиш ҳуқуқи. Давлатнинг мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: бошқа давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш; тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза этиш.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, низоларни тенг, музокара йўли билан ҳал этиш, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа давлатлараро тузилмаларига аъзо бўлиш, шунингдек, давлат ва халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиқиб бундай иттифоқ ва тузилмалардан чиқиши мумкин.

Юқорида зикр этилган тамойил ва меъёрлар халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади. Улар табиати жиҳатидан универсал, умумэътироф этилган ва императив тамойиллардир. Бу уларнинг халқаро ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади ҳамда БМТ Уставида мажбурий ҳуқуқий меъёр сифатида эътироф этилади. Шу боис халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари ва халқаро шартномалар ушбу мажбурий меъёрларга зид келмаслиги керак.

Ушбу меъёр ва тамойилларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланиши ички ва ташқи сиёсат ҳамда вазифаларининг уйғун ҳолда амалга оширилаётганидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш энг муҳим, комплекс вазифа ҳисобланади. Зеро, у ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, аввало, Ўзбекистон фуқароларига муносиб турмуш даражасини таъминлашга қаратилгандир. Мазкур масалани ҳал этишнинг ташқи сиёсий омиллари эса мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тўлақонли иштирок этиши, ўз суверенитетини янада мустаҳкамлашга қаратилган интилишларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш арафасида Президент Ислам Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида бу ҳақда шундай деган эди: “Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир” (Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 50-бет).

Суверен тенглик тамойили бошқа давлатларнинг ўзига хослигини тан олиш, мустақиллиги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий тизимини, шунингдек, ички қонунчилигини шакллантириш ва ривожлантириш ҳуқуқини ҳурмат қилишни англатади. Ўзбекистон истисносиз барча давлатлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигини конституция даражасида эътироф этади.

Глобаллашув жараёни тобора жадаллашиб бораётган даврда суверен тенглик тамойили янгича маъно ва аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ҳуқуқий таъриф ҳамда баҳо бериш анча қийин бўлган тенгсизлик ҳолатлари, яширин шаклларда бўлса-да, сақланиб қолмоқда. Бу ўринда масала айрим миллий иқтисодиётларнинг ривожланган давлатларга нисбатан рақобатбардошлигини заифлигигина эмас, балки илмий-технологик, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-маданий, табиий-иқлимий ривожланишдаги фарқланишга бориб тақалади. Шу маънода, давлатлар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этишнинг ягона йўли – халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти суверен тенглик тамойилини амалга оширишда давлат фаоллигини кучайтиришдир.

Ушбу тамойил халқаро муносабатларнинг бошқаришнинг етакчи омили бўлган халқаро ҳуқуқ мавжудлигининг асосини ташкил этади. Суверенитетни тенгликсиз тасаввур этиб бўлмайди ва аксинча. Зеро, тенгликсиз давлатлар ўртасида, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, тенгсизликнинг намоён бўлиши, гегемонизм ва бир томонлама ҳукмронлик тенденцияларининг вужудга келиши халқаро муносабатлар тизими барқарорлигига жиддий таҳдид

солади. Шу билан бир қаторда, мазкур тамойилни мураккаб давлат тузилмаларининг таркибий қисмлари ҳамда федерал давлатлар субъектларига нисбатан қўлланмайди.

Суверен тенглик тамойилидан келиб чиқадиган ҳуқуқларга халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, икки томонлама ёки кўп томонлама музокараларда иштирок этиш, бетарафлик ҳуқуқини киритиш мумкин.

Ҳар бир суверен давлат ўзга давлат юрисдикциясига қарши иммунитетга эга. Аниқроқ айтганда, давлатларнинг суверен тенглиги бошқалар эркинлиги билан чекланган эркинликни англатади. БМТ Халқаро Судининг нуқтаи назарига кўра, бундай тенглик халқаро ҳуқуқ томонидан бошқарилмайдиган барча ишларда ҳам тенг эркинликни англатади.

“Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик” тамойили ХХ аср мобайнида шаклланган нисбатан янги тамойил. Бундан илгари халқаро ҳуқуқда давлатлараро низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш усули ҳамда давлатнинг вазифаси, ажралмас ҳуқуқи ҳисобланган. Ҳозирги вақтда хавф-хатарлар ва хавфсизликка таҳдидлар характерининг ўзгаргани, айрим давлатлар томонидан ўз миллий чегаралари доирасида ҳарбий-полиция операцияларининг амалга оширилишини асослайдиган далиллар илгари сурилаётгани туфайли ушбу тамойил янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқда ушбу тамойилдан истиснолар ҳам назарда тутилган. Бу ҳол БМТ уставининг 42 ва 51-моддаларида акс эттирилган. Масалан, 42-моддага биноан, БМТ хавфсизлик кенгашига тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги кўшинлар воситасида шундай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилиши мумкин. Бироқ бундай қарор БМТ ХК барча доимий аъзолари овозлари мос келган тақдирдагина қабул қилинади. БМТ уставида 51-моддада акс эттирилган давлатларнинг якка тартибда ёки ялпи ҳимояланиш ҳуқуқига ишора қилиниб, бундай ҳуқуқ қуролли тажовуз содир этилганда, яъни бир давлат бошқасига ҳужум қилганида пайдо бўлиши таъкидланади. Бундай ҳолатларда ҳимояланиш ҳуқуқи кенг талқин қилинмаслиги зарур. Бу ҳол муайян давлатнинг қуролли ҳужум хавфини рўқач қилиб, ўзи олдиндан зарба беришга ҳақли эмаслигини англатади. Шунингдек, 51-моддада ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланишда кўзда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига зудлик билан маълумот берилишини ҳамда бу чора-тадбирлар Хавфсизлик кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги масъулияти ҳамда ваколатларига дахл қилмаслигини талаб этади. БМТнинг қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам маълум даражада чекланган. Жумладан, дунё тинчлигига таҳдид ёки агрессия содир этилган ҳоллардагина Хавфсизлик Кенгашининг қарори ҳамда унинг раҳбарлигида қуролли кучлардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган колониал ва тобе мамлакат халқлари томонидан ҳам қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Уруш тарғиботини ман этилиши кучдан фойдаланмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойилининг таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, 1970 йилдаги Декларацияда таъкидланишича, “Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг мақсад ҳамда тамойилларига биноан, давлатлар тажовузкорона урушларни тарғиб этишдан ўзларини тийиши лозим”. Бундай қоида 1987 йилдаги Декларацияда ҳам акс эттирилган.

Масалан, халқаро терроризмга қарши фақат тинч сиёсий воситалар билан курашиб бўлмайди, шу билан бирга, унга қарши куч ишлатишнинг универсал меъёрлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун у турлича талқин этилиши мумкин. Дейлик, бир давлат ана шундай меъёрларнинг йўқлигини рўқач қилиб, ҳарбий куч воситасида хорижий давлатлар ҳукуматини алмаштириш, унинг ҳудудида ўз қуроли кучларини жойлаштириш, бу мамлакатда ҳукуматни ва унинг сиёсатини шакллантириш жараёнига аралаштишга интилмоқда. Аммо ошқора халқаро террористик ҳаракатларга қарши куч ишлатгани учун бошқа давлатлар кескин танқид қилинади. Бундай ҳолларда террористик ҳуружларни амалга ошираётган халқаро экстремистик гуруҳлар ўта реакцион, ғайритамаддуний, тоталитар ҳамда ғайриинсоний ғояларни тарғиб этаётгани кўпинча инобатга олинмайди.

Ўзбекистон бундай ҳуружларга қарши курашда халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилиш шарт деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил 15 декабрь) ана шу мантиққа таянган ҳолда ёзилган ва қабул қилинган. Хусусан, унда терроризмга қарши курашишнинг асосий тамойиллари “қонунийлик” ва “шахснинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги” ҳақидаги қайдлардан бошлаб тавсифланади. “Терроризм” тушунчаси кенг маънода талқин этилиб, кучдан фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилиш тури сифатида (шу жумладан, халқаро миқёсда) ифодаланади.

Дарҳақиқат, террористларнинг муайян хизматлар, фондлар, ташкилотлар, хусусий шахслар томонидан (кўпинча яширин тарзда) молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши кучдан фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилишни яширинча амалга оширадиган сиёсатни англаштиришни инкор этиш қийин. Зеро, террористик хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ҳозирги вақтда йирик ҳарбий операцияларни, оммавий қирғин қуроллари ёрдамида ҳарбий агрессия ҳаракатларини эслатади. Шу боис бундай хатти-ҳаракатларга тегишли қонуний баҳо ва таъриф бериш муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборли жиҳати шундаки, “бошқа давлатга нисбатан куч ишлатмаслик (агрессияни қайтариш ва бошқа давлатлар билан ёрдам бериш ҳақида тузилган шартномалар бундан мустасно)” Ўзбекистоннинг муҳофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бундай ёндашув ушбу сиёсатнинг бошқа тамойиллари, чунончи, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик; ядро оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиб олиш, сақлаш, тарқатиш, жойлаштиришдан воз кечиш; ҳимояланиш учун етарли куч-қудратга эга бўлиш.

“Чегаралар дахлсизлиги” тамойили юқорида тавсифланган икки тамойил билан узвий боғлиқдир. Бошқалари сингари ушбу тамойилни унитар ёки федератив давлат ҳудудий яхлитлиги, бир давлатнинг бошқасига ҳудудий даъволари ва бошқа муаммолардан ажратилган ҳолда талқин этиш мумкин

эмас. Халқаро муносабатлар ривожинининг ҳозирги босқичида, айниқса, муайян давлатларнинг бир-бирига ҳудудий даъво билан чиқаётган бир паллада бу ғоят мураккаб ва шу билан бирга долзарб масалага айланиб қолмоқда.

1992 йилнинг 30 майида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома тузилган эди. Жумладан, ушбу шартноманинг 1-моддасида томонлар қатъий амал қилишни зиммасига олган тамойиллар орасида чегаралар дахлсизлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган, ушбу ҳужжатнинг 2-бандида эса томонлар “бир-бирининг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини ҳурмат қилиши” таъкидланади.

1993 йилнинг 7 августида МДҲ иштирокчилари чегараларнинг дахлсизлиги, 1994 йилнинг 15 апрелида – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ҳамда чегараларнинг дахлсизлигига риоя этиш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди.

“Низоларни тинч ҳал этиш” тамойили халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдиди солинишига йўл қўймаслик учун халқаро муносабатлар субъектлари ўртасида вужудга келаётган барча масалалар фақат тинч йўллар билан ҳал этилишини тақозо этади. Ушбу тамойил БМТ Уставининг VI боб 2-модда 3-бандида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар қандай низо музокара, тергов ва келишув воситалари, арбитраж ёки суд орқали бартараф этилиши зарур. БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳақидаги Декларациясининг давлатлар ўртасидаги низолар тинч йўллар билан ҳал этилиши ҳамда халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга таҳдид қилмаслиги даркор.

Низони ҳал этиш воситаси унинг характери ва ҳолатига мос бўлмоғи керак. Агарда белгиланган восита низони ҳал этишга имкон бермаса, у ҳолда низолашаётган тарафлар уни ҳал этишни бошқа тинч воситаларини қўллаши лозим. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон республикамиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ҳам ўз давлат сиёсати доирасида, ҳам халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни аниқ мақсадни кўзлаб ишга солади. Бутун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмун-моҳиятга эга” (Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998, 51-бет).

“Бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик” тамойили юқорида тавсифланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган тўрт тамойил билан узвий боғлиқдир. Ушбу тамойилнинг ташқи сиёсат соҳасида тадбиқ этилиши БМТ Устави ва Бош Ассамблеясининг 1965 йилда қабул қилган бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларацияда акс эттирилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилига асосланади.

Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрида қабул қилган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунида акс эттирилган. Унда жумладан, “Ўзбекистон Республикаси ички ишларга аралашшига йўл бермайдиган мустақиллик ва суверенитет дахл қилмайдиган ҳамда давлатлараро муносабатларнинг мафкуравийлашувига йўл қўймаслик тамойилларига таянган ҳолда, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатади”. Шу билан бирга, халқаро муносабатларда, хусусан, қуролсизланиш масалалари бўйича кўзда тутилган назорат, текширув ҳамда жойида инспекция қилиш ички ишларга аралашши деб ҳисобланмайди. Бундай қоида, масалан, 1993 йилда қабул қилинган кимё қуролини тақиқлаш тўғрисидаги конвенция ҳамда 1996 йилда қабул қилинган ядро синовини тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги Шартномада мустаҳкамлаб қўйилган.

Аммо, шунга қарамасдан, кейинги вақтда ушбу тамойилнинг бузилиши ҳоллари тез-тез учраб турибди. Кўпинча бундай ҳолларда масаланинг гуманитар, демократияга оид ҳамда глобаллашув, илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ жиҳатлари рўқач қилинади. Бундай аралашувга демократлаштириш жараёнларига кўмаклашиш сабаб қилиб кўрсатилиши мумкин. Масалан, нодавлат нотижорат ташкилот ва институтлар орқали муайян мамлакатга таъсир агентлари жўнатилади. Улар ўз навбатида дастлаб гўё “демократик тамойиллар” асосида ҳокимиятни алмаштиришга ва олий сиёсий лавозимларга ўз одамларини қўйишга, кейин эса ғарбона, америкача мафкуранинг сингдирилиши ва мустаҳкамланишига замин ҳозирлайди.

Шу тариқа давлат сиёсати аста-секин мамлакат жамоатчилигининг аксарияти учун билинар-билинмас тарзда миллий манфаатларга зид кела бошлайди, ҳамма давлат ўз суверенитетидан маҳрум бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатлар суверенитетнинг сақланиши, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига риоя этишни таъминлаш лозим бўлган универсал миллий институтларнинг заифлигидан далолат беради.

Бирон-бир давлат ўзи мустақил равишда, халқаро меъёрлар доирасидан ташқарида “гуманитар” ёки “антитеррористик интервенция” ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Қайсидир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилаётган ёхуд туррористларни тайёрлаш базалари ташкил этилаётган экан, бундай муаммолар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида БМТ, ОБСЕ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари орқали ҳал этилмоғи даркор.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсий фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ана шу меъёр ва тамойиллари таянган ҳолда амалга оширади. Масалан, бир давлат ҳудудидан бошқа мамлакатларга нисбатан таҳдид (террористик, оммавий қирғин қуролларини тарқатиш ва ҳ.) пайдо бўлган, аҳолининг маълум қисми таъқиб этилаётган, инсон ҳуқуқлари оммавий равишда тузилаётган ҳолларда жаҳон ҳамжамияти ушбу давлатга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилиши мумкин. Аммо бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрлари билан қонунлаштирилиши

шарт. Уларда муайян давлат томонидан содир этилган жиноят белгилари аниқ таъриф-таъсиф берилиши зарур.

Бирок, афсуски, халқаро ҳуқуқда бундай меъёрлар ишлаб чиқилмагани сабабли бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиб (қандай далиллар рўқач қилинишидан қатъи назар) қонуний, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига амал қилиш ҳар қандай мамлакат ташқи сиёсий имкониятларини кучайтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг пишиқ-пухта ўйланган, изчиллик билан амалга оширилаётган ташқи сиёсати мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимига уйғунлашиши жаҳон хўжалик алоқалари, ялпи хавфсизликнинг глобал ва минтақавий тизимларига интеграциялашишига хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий тараққиётининг асосий ички масалаларини ҳал этиш, ташқи сиёсатда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр, очиқ ва тинчликсевар мамлакат тимсолини шакллантиради.

Умуман олганда, 1992 йилнинг 2 мартдан эътиборан БМТ ҳужжатлари, биринчи галда, Низомида акс эттирилган меъёр ва тамойиллар Ўзбекистон учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари ифода этилган халқаро шартномалар ва одатларда акс этган қоидаларга ҳам мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда таяниб келмоқда. Улар Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган тамойиллар ҳисобланади. Бинобарин, ташқи сиёсатни бошқаришга доир қонунчилик ҳам, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан шартномалари ҳам уларга зид бўлмаслиги керак.

Шу ўринда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, улардан чиқиш конституцион тамойили ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, давлат ва халқнинг олий манфаатлари, уларнинг фаровонлигини, хавфсизлигини таъминлайдиган тамойил сифатида намоён бўлади. Ушбу тамойилнинг аҳамияти шундаки, у ташқи сиёсий соҳада қабул қилинаётган муайян қарорларнинг оқилона, мафкуралардан холи ёндошувларга таянишида кўмаклашади. Бу ўринда сўз халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига мос равишда миллий манфаатларни таъминлашга қаратилган интеграциялашувнинг ўзига хос стратегияси ҳақида бормоқда.

Иттифоқ, ҳамдўстлик ва давлатлараро тузилмаларнинг бошқа шаклларидаги халқаро ҳамкорликнинг сиёсий табиати давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнлари билан белгиланади. Бу ўринда, ўз ташқи сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишларини белгилаш имкониятининг пайдо бўлиши назарда тутилмоқда. Гап шундаки, 90-йилларнинг бошида янги мустақил давлатларнинг барчаси учун бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш хавфи яққол намоён бўлган. Аммо, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида таъкидлаганидек, “Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниб учун мустақил бўлгани йўқ” (Каримов И.А. Ўзбекистон:

Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996, 51-б.).

Ўзбекистон ташқи сиёсий амалиёти таҳлили унинг конституцион асослари қуйидаги тамойиллар асосида шаклланигандан далолат беради:

– халқаро ҳуқуқнинг умуэътироф этилган меъёр ва тамойиллар устиворлиги;

– Марказий Осиё минтақасида ядросиз ҳудудни сақлаб туриш ва кенгайтириш;

– ҳарбий блок ва иттифоқларга киришдан бош тортиш;

– ташқи сиёсатда очиқлик, мафкуравий қарашларга тобе бўлишдан воз кечиш;

– тўлиқ ишонч асосида иккитомонлама ҳамда кўптомонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларига бирлашган мамлакатлар билан иккитомонлама ва кўптомонлама муносабатларни ривожлантириш ана шундай ҳамкорлик устувор йўналиши сифатида белгиланди. Зеро, МДҲ ривожлантирилиши мустақилликни сақлаб қолиш, собиқ иттифоқнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, қайта шаклланишига қароқатли бўлиши зарур, деб ҳисобланган эди. Қолаверса, иттифоқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кескин узилиши ҳар томонлама жиддий умумий инқирозга олиб келиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлган эди. Ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиши, суверенитетини мустаҳкамлаши учун маълум вақт талаб этиларди. Бундан ташқари, МДҲ доирасида ҳар бир давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари ҳимоясини таъминлашга интилиши лозим эди. Шунингдек, зарур хомашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, технологиялар, телекоммуникация, транспорт тармоқлари, денгиз портларига чиқиш имкониятларини таъминлашга ҳам зарурат бор эди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг Россия билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, БМТга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилингандан кейин 120 та давлат унинг суверенитетини тан олди. 45 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йилнинг 16-17 феввалида Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилотининг Техронда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон ушбу ташкилотга қабул қилинди.

Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрни ва аҳамияти. Марказий Осиё минтақаси геосиёсий координаталар тизимида муҳим ўрин тутди. Қўшни минтақа ва давлатлардаги тинчлик-осойишталик кўп жиҳатдан ушбу минтақанинг сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига боғлиқдир. Бу ҳол, **биринчидан**, Марказий Осиё давлатлари тарихий ривожланишининг ўзига хослиги, чунончи, бунга нисбатан муносабатда кескин ёндашувларни қабул қилмаслиги халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг нафақат минтақада, балки қўшни давлатлар ҳудудида

тарқалишига тўсқинлик қиладиган муҳим омил сифатида хизмат қилади. **Иккинчидан**, минтақада наркотрафикка қарши курашиш, ядро хавфсизлигини (минтақани ядродан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси орқали) таъминлашда биргаликда ҳаракат қилиш зарурати англаб етилган. Минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган интеграцион жараёнлар келгусида глобал хавфсизлик тизимига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Чунки минтақа жиддий ҳарбий-сиёсий омил бўлиши билан бир қатода Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. **Учинчидан**, энергетика захираларининг глобал инқирози кутилаётган бир пайтда, минтақа ушбу захиралар нуктаи назаридан катта имкониятларга эга. **Тўртинчидан**, минтақадаги қатор давлатлар иқтисодиётининг жадал ривожланиб, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг мустаҳкамланиб бораётгани келгусида бу ҳудудда глобаллашув таҳдидларига дош бера оладиган ёки унинг имкониятларидан самарали фойдалана оладиган иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган марказ вужудга келиши мумкинлигидан далолат беради. **Бешинчидан**, минтақа давлатларида демократия тамойилларининг миллий-маданий хусусиятлар билан уйғунлаштирилган сиёсий тараққиётнинг ўзига хос моделлари шакллантирилмоқда. Марказий Осиёда барқарор сиёсий тизимнинг вужудга келтирилиши эса минтақа манфаатларини глобал халқаро муносабатлар даражасида эътироф этилишига шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик Концепциясида таъкидланганидек, Марказий Осиё давлатларини бирлаштирадиган қуйидаги умумий хусусиятларни келтириш мумкин:

- яхлит маънавий ва маданий-тарихий мерос, кишилар эътиқоди, тили ва миталитетининг муштараклиги;

- сув артериялари, коммуникация ва энергетика захираларининг умумийлиги; иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси, аҳоли турмуш шароитларининг нисбатан бир-бирига яқинлиги;

- жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ўхшашлиги;

- минтақавий муаммолар — Оролдаги экологик инқироз, сув ва ёнилғи-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, жаҳон транспорт, ахборот ва бошқа коммуникация тизимларига интеграциялашуви масалалари; омилларнинг барчаси минтақавий хавфсизликнинг асосини ташкил этган минтақавий интеграциянинг заруратини белгилаб беради. Жаҳон сиёсатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган Ўзбекистон, минтақадаги геосиёсий мавқеи жиҳатидан, интеграция жараёнининг табиий ўзагини ташкил этиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси собиқ Иттифоқнинг Осиё қисмидаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби мамлакатларни қамраб олади. Қисман (этник, диний ва жўғрофий нуктаи назардан) Афғонистонни ҳам ушбу минтақага қўшиш мумкиндек кўринади. Аммо унинг Марказий Осиё минтақасининг таркибий қисми сифатида

эътироф этилиши учун у зарур ижтимоий, маданий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий белгиларга эга эмас.

Келгусида, афғон заминида тинчлик ўрнатилиши, ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг тикланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилиши билан у Марказий Осиё халқлари оиласига қабул қилиниши, тегишли геосиёсий мақомга эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, янги Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан интеграциялашуви натижасида шаклланган тақдирдагина у шундай имконият ва мақомга эга бўлиши мумкин. Чунки у энергетика, транспорт коммуникациялари ўтган транзит давлатгина эмас, глобаллашув шароитида изчил ва самарали ривожланиб бораётган давлатлараро иқтисодий ҳамжамиятнинг таркибий қисмига айланади.

Марказий Осиё минтақасининг уйғун ва муваффақиятли тараққиётининг омили ҳисобланган ҳудудий ва тарихий муштаракликдан ташқари давлатлараро муносабатлардаги халқаро-ҳуқуқий тартибнинг шакллангани билан ҳам ажралиб туради. Бу муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этиладиган, меъёрлари талабларига жавоб берадиган интеграциялашувнинг янги шарт-шароитларда амалга оширилаётгани билан белгиланади. Аммо, Туркманистон бу жараёнлардан четроқда турибди. Бизнингча, бу вақтинчалик ҳол бўлса керак. Чунки, эртами кечми, ушбу давлат Марказий Осиё интеграцияси жараёнига уйғунлашуви зарур. Зеро, минтақа транспорт-энергетика тизими, минтақавий ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши, ялпи хавфсизлик шарт-шароитларининг пайдо бўлиши Туркманистон миллий манфаатларига мос бўлган давлатлараро муносабатларнинг самарали минтақавий тизимига қўшилишга ундайди. Бу тизим миллий манфаатларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши негизида минтақавий манфаатларни белгилаб олиш, шунингдек, меҳнат тақсимооти тизими, ягона бозор ва яхлит иқтисодий маконга хизмат қилмоғи зарур.

Марказий Осиё таркибига шимолдан Тянь-Шань, Жанубдан Ҳисор тоғлари билан ўралган йирик субминтақа — Фарғона водийси киради. Ҳудудий жиҳатдан, унинг таркибига Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон киради. Узунлиги 300 км., кенглиги 170 км., баландлиги 330 – 1000 м гача. Иқлими континентал. Январнинг ўртача ҳарорати — 2-3 С⁰, июльда эса 24 – 27 С⁰ ташкил этади. Ёғингарчиликнинг ўртача йиллик миқдори 100 – 500 мм ни ташкил этади. Сирдарё ва унинг ирмоқлари Сўх, Исфара ва бошқа дарёлар суви билан суғорилади. Унинг ҳудудидан бир неча каналлар (Катта Фарғона, Жанубий Фарғона) оқиб ўтади. Қайроққум сув омбори ҳам шу ҳудудда жойлашган. Водий суғорма пахтачиликнинг муҳим зонаси ҳисобланади.

Қарийб 22 минг кв.км. майдонга эга водий денгиз сатҳидан 400 – 500 м баландликдаги кенгликда жойлашган. Асрлар мобайнида яхлит ҳудудга эга бўлган Фарғона водийси ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида бўлинган. Чегаралар тахминан белгилангани сабабли эксклав ва англавлар вужудга келган.

Водий ҳудудида 7 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади; улардан 75

фоизи — қишлоқ жойларда яшайди. Иқтисодиётнинг яхши ривожлангани ҳамда аҳолининг тиғиз жойлашгани сабабли водий Марказий Осиёдаги энг камбағал минтақалардан ҳисобланади. Транспорт-коммуникация нуқтаи назаридан жуғрофий жойлашуви қулай бўлса-да, Афғонистон ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги (Ироқ ва Эрондаги) вазиятнинг барқарорлиги денгизга чиқиш имкониятларининг чеклангани минтақанинг жуғрофий ҳамда геосиёсий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишга имкон бермаётир. Шунинг учун ҳозирги даврда Шимоли-Ғарбий йўналиш — минтақанинг энергетик, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва коммуникация алоқаларининг асосий йўли бўлиб қолди.

Биргина Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон кўрсаткичлари олиб қаралса, ушбу ҳудудда минтақа аҳолисининг 54 миллиондан ортиғи истиқомат қилади; ЯИМ 182,5 миллиард АҚШ долларни, мудофаага йўналтирилган харажатлар ярим миллиардга яқин АҚШ долларини ташкил этади.

Маълумки, собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар умумиттифоқ хўжалик мажмуига киритилгани боис жаҳон Иқтисодиётига бевосита чиқа олиш имкониятидан маҳрум бўлган бир тизим эди. Ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа республикалардан келтирилган соф моддий маҳсулот улуши Қозоқистонда — 39,9 фоизни, Тожикистонда — 50,2 %, Ўзбекистонда — 43,2 %, Қирғизистонда — 50,0 %, Туркманистонда — 50,7 %ни ташкил этган. Марказий Осиё давлатларининг Иттифоқ ташқарисидаги товар айрбошлаш миқдори 10,5 – 16 фоизни ташкил этган эди. Ваҳоланки, иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 45 фоиздан зиёд бўлган. Яна бир омил аксарият Марказий Осиё мамлакатларининг хомашёга ихтисослашуви билан боғлиқ эди. Аксарият тайёр маҳсулотлар хомашё эвазига бошқа республикалардан келтирилгани сабабли минтақада кўшимча қийматга эга маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат индустрияси етарли даражада ривожланган эди.

90-йиллар бошидаги инқироз ва шаклланиш даврида Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ва тузилмаларида турли йўналишдаги ўзгаришлар юз бера бошлайди. Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда (ҳар бирида ўзига хос тарзда) 90-йилларнинг биринчи ярмида аграрлашув, аксилиндустриаллашув, аксилшаҳарлашув, инвестицион жараёнларнинг қисқариши, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасининг торайиши, илмий салоҳиятнинг қисман йўқотилиши кузатилади. Шу билан бир қаторда, бозор ислохотлари суръати ошиб боради. 90-йиллар МОД турли миқёс ва даражада янги бозор тузилмалари ва институтлари шаклланиб, ривожланади. Моҳиятан бу жараёнлар инқилобий тус касб этган эди. Зеро, улар мулкка давлатнинг мутлақ ҳукмронлиги ўрнатилган тизимдан хусусий мулк, ижтимоий ва бошқарув тизимида демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган тизимга ўтиш жараёнини ифодалаган эди.

Марказий Осиё давлатларининг деярли барчасида ислохотлар дастлаб маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг қисқариши, кейинчалик эса бу борадаги тақчилликка барҳам берган — нархларнинг эркинлаштирилиши; савдо,

хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги кичик, ўрта ҳамда қисман йирик корхоналарнинг хусусийлаштирилишидан бошланди. Натижада ёлланма ва оилавий меҳнатдан фойдаланадиган хусусий корхоналар, ҳиссадорлик компаниялар, биржалар пайдо бўлди. Бундан ташқари, икки даражали банк тизими шакллантирила бошланди. Бу тизимда давлатнинг марказий банкидан ташқари, тижорат банкларининг кенг тармоқли тизими ҳам тузилиб, фаолият юрита бошлайди. Миллий валюталар жорий этилиб, уларнинг конвертацияси, валюта назоратини кучайтириш, чет эл капиталини жалб этиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш миллий тизими вужудга келтирилди, маҳсулотлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар бозорининг нормал фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит ҳозирланди.

Мавжуд маълумотларга кўра, 90-йилларнинг охирида иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторида банд бўлганлар ҳамда ЯИМ улуши Қозоқистон 77 ва 55 фоизни; Қирғизистонда — 73 ва 70 фоизни; Тожикистонда — 61 – 62 ва 30 – 35 фоизни; Туркманистонда — 59 ва 25 – 30 фоизни; Ўзбекистонда — 69 ва 45 фоизни ташкил этган. Бошқача айтганда, МОД барчасида иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторида меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилиги жалб этилган. Ушбу секторларнинг МОД ЯИМ улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси мазкур давлатларнинг бозор иқтисодиёти сари жадал интилаётгани ва аҳолининг аксарияти бу жараёнларда фаол иштирок этаётганидан далолат беради.

5.3. Ўзбекистоннинг БМТда иштироки

Бундан ўн беш йил илгари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида мустақил Ўзбекистоннинг байроғи ҳилпирай бошлади. 1992 йилнинг 2 мартидан мамлакатимиз ана нуфузли халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди.

1993 йилнинг 24 августида Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг бир қанча тузулмалари: тараққиёт Дастури, наркоманияга қарши курашиш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Болалар фонди (ЮНИСЕФ), саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ваколатхоналари ташкил этилиб, кенг фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон БМТ ва унинг махсус ташкилотлари билан турли соҳаларда самаралари фаолият юритмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг халқаро интеграцияни кучайтириш, барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тинчликпарвар сиёсати алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан туриб, дунёда хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш борасида бир талай ташаббусларни илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблея ва бошқа тадбирларда жаҳон ҳамжамияти эътиборини

Афғонистондани вазият ва Орол муаммосига қаратган эди. Бугунги кунга келиб, дунё жамоатчилиги Ўзбекистон даъватлари ва нуқтаи назарининг асосли эканини эътироф этмоқда.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида изчил ва қатъий сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йилнинг сентябри ва 1993 йилнинг августида БМТ Бош Котиби Бутрос Галига йўллаган мактубида Марказий Осиёдаги барқарорликни издан чиқариши мумкин бўлган Тожикистон ва Афғонистондаги ички низоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб, вазиятни ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун БМТнинг махсус комиссиясини жўнатишни илтимос қилган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъий қоралайди... Можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик...” тарафдори эканини таъкидлаган эди (Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996, 52 – 53-бетлар). Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан республикага БМТ Бош Котибининг махсус вакили жаноб И.Китгини раҳбарлигидаги миссия ташриф буюриб, БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Тожикистондаги низонинг табиати ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида объектив хулоса қилиш имконини берадиган материаллар тўплашга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича доимий семинар ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари сурди. Мазкур семинарнинг 1995 йил сентябрида бўлиб ўтган йиғилишида 31 та давлат ва 6 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан низо вужудга келаётган ҳудудлардаги вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида БМТ Хавфсизлик кенгаши, унинг бошқа бўлинмалари, бутун жаҳон ҳамжамиятига тегишли қарорлар қабул қилиш учун тавсиялар тайёрлаб берадиган махсус гуруҳни ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди. Ўша даврлардаёқ Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент И.А.Каримов шундай деган эди: “вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан, бизга БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баробар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консервати тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз” (Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996, 57-бет).

Икки йилдан кейин давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишидаги қилган маърузасида БМТнинг ролини

ошириш йўллари ҳақида тўхталиб, жумладан. шундай деган эди: “Бугунги кунда “иссиқ нуқталар” деб аталаётган минтақаларда давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўллари белгилаб олиш мумкин” (“Жаҳон” АА. Т., 1997, 54-б). Давлатимиз раҳбари бир давлат — Афғонистон мисолида бир мамлакатдаги беқарор вазият минтақа ва глобал хавфсизлик, халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ тарқатиш билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Ушбу масалани амалда ҳал этиш учун Афғонистонга қурол олиб киришга эмбарго жорий этилиши таклиф қилинди. Бу таклиф давлатимиз раҳбари томонидан афғон урушининг бутун даври мобайнида қайта-қайта таъкидлаб келинди. 2001 йилнинг 18 декабрида Президент Ислоҳ Каримов БМТ Бош Котиби Кофи Аннанга йўллаган мактубда, Афғонистонда вужудга келган реал вазиятни инобатга олган ҳолда, ушбу мамлакатда тўпланиб қолган кўп миқдордаги қурол-яроғни қисқартириш ва олиб чиқиб кетиш масалаларини ҳал этиш зарурати баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси дунё минтақаларининг барқарор тараққиёти ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида халқаро ҳамкорликнинг глобал тузилмаси сифатида БМТнинг муқобили йўқ. Шу билан бирга, кўп томонлама халқаро муносабатларда намоён бўлган тизимий инқироз БМТ фаолиятини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Сайёрамизда минтақавий қуролли тўқнашувлар авж олиши, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси, террорчилик фаолиятининг кучайиши ва диний экстремизмнинг тарқалиши каби дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган ноънанавий хавф-хатарлар БМТ тузилмасини ислоҳ этиш ҳамда фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Биринчи галда, давлатлар олдида вужудга келаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидларни бартараф этиш учун мутлақо янги институционал механизмларни шакллантириш зарур.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилнинг сентябрида ўтказилган “Минг йиллик” саммитида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари халқаро терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва тузилмасини ислоҳ этиш борасида ғоят муҳим таклифларни илгари сурди. Президент И.А.Каримов назарида, замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккат воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади. Давлатимиз раҳбари фикрича, БМТни ислоҳ қилиш деганда, аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинишини аниқлатади. Ўзбекистон Президенти БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтди. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга

мувофиқ эканини ўқтирди. Бу борада дастлабки кадам сифатида Президентимиз Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган ҳамда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишларидаги кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлардан ҳисобланган Германия ва Японияни киритишни таклиф этди.

Бундан ташқари, Ислом Каримов глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш таклифини илгари сурди. Ниҳоят, давлатимиз раҳбарининг учинчи таклифи Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда “тинчликка мажбур қилиш” деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган.

Ушбу анжуманда Президент Ислом Каримов Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммога яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Дарҳақиқат, Орол бўйида вужудга келган вазият нафақат Марказий Осиё худуди доирасидан чиқиб, жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар, донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг атроф-муҳит дастури доирасида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича махсус кенгаш тузишни таклиф қилди.

Ўзбекистон ва ШХТ

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташкилот (1996 йил Шанхайда чегара худудларида ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида имзоланган Битим доирасида) Хитой билан қўшни давлатлар ўртасида чегараларга доир масалаларни ҳал этишга қаратилган норасмий форум сифатида ташкил этилган эди.

ШХТ – субминтақавий халқаро ташкилотга олти давлат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо бўлган. ШХТ таркибига кирадиган давлатларнинг умумий худуди Евроосиё худудининг 61 фоизини, умумий демографик (нуфузий) жиҳатдан дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этади, иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан АҚШдан кейинги энг қудратли – Хитой иқтисодиётини қамраб олади. Расмий тиллари – рус ва хитой тили. Қароргоҳи Пекинда жойлашган. ШХТга аъзо давлатлар худудининг умумий майдони 30 млн кв. км дан зиёд ёки Евроосиё қитъаси майдонининг бешдан уч қисмини ташкил этади. Ушбу давлатлар аҳолисининг сони – 1,455 млрд киши ёки дунё аҳолисининг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади.

ШХТ ташкил этилиши тарихан умумий чегараларда қуролли кучлар ва қурол-аслаҳаларни қисқартириш тўғрисида Битим қабул қилинган Москва

саммити билан узвий боғлиқдир. 1998 йилдан Марказий Осиё минтақаси, минтақавий хавфсизлик ва кўптомонлама ҳамкорлик масалалари «Шанхай бешлиги»нинг диққат марказига айлана бошлайди. Терроризм, сепаратизмга қарши курашиш, минтақа доирасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш «Шанхай бешлиги»нинг асосий мақсадлари сифатида эълон қилинади.

1998 йилнинг 3 июлида «бешлик»нинг Олмаотада бўлиб ўтган учинчи саммитида ташқи ишлар вазирларининг Қўшма баёноти якуний ҳужжат сифатида қабул қилинади. Унда томонлар хавфсизлик масалалари юзасидан маслаҳатлашув жараёнини ривожлантириш, «бунга минтақанинг барча манфаатдор давлатларини жалб этишга» келишиб олинди. «Шанхай бешлиги» доирасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди: хавфсизлик, муҳим халқаро муаммолар юзасидан доимий маслаҳатлашувни амалга ошириш; халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси; вазият талаб этган ҳолларда Марказий Осиё, умуман, Осиё қитъасида хавфсизликни таъминлаш, ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича экспертлар, Ташқи ишлар вазирлари доирасида учрашувларни ташкил этиш.

«Шанхай бешлиги»нинг 2005 йил июлида Душанбеда бўлиб ўтган бешинчи саммитининг тарихий аҳамияти бекиёсдир. Зеро, унда илк бор кузатувчи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов иштирок этиб, ХХР Раиси Цзян Цземин билан учрашган эди. Учрашув натижаларига кўра, «Душанбе декларацияси» қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, унда тарафлар халқаро терроризм, диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш, узоқ йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда бу борада тегишли келишувлар тузишга келишиб олиш билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

2001 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган саммитда «Шанхай бешлиги» унга аъзо бўлган давлат – Ўзбекистон Республикаси иштирокида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши маъқуллангач, мамлакатимиз шакллантирилаётган янги ташкилотнинг мақоми ва аҳамияти, мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаштириш, жумладан, ШХТ ҳеч қачон ҳарбий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотга айлантирилмаслигига оид таклифларни илгари сурди.

Ўша даврда оммавий ахборот воситаларида таъкидланганидек, Шанхай саммитининг аҳамияти шундаки, унда икки масала – хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларида яқдилликка эришилган эди. Айнан шулар янги ташкилотнинг «ҳамкорлик орқали хавфсизлик» шиорида ифодаланган фаолиятининг асосий тамойилларига айланди. Террористик хатти-ҳаракат ва шунга ўхшаш таҳдидлар вужудга келганда ўзаро ёрдам ва маслаҳатлашувга ҳуқуқий асос мавжудлиги ҳам ушбу тамойил мазмун-моҳиятига мос келади. Умуман

олганда, қайси соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланишидан қатъи назар, у миллий, минтақавий, бир сўз билан айтганда, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ташкилотнинг 2002 йил июнь ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитида унинг устав ҳужжати – ШХТ Хартияси қабул қилинди. Унда ташкилотнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари ҳамда ҳамкорлик йўналишлари акс эттирилган Минтақавий антитеррористик тузилма (МАТТ) ҳақидаги Битим имзоланди. ШХТ доимий равишда ишлайдиган органи бўлган ушбу тузулма ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматларнинг терроризмга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

2003 йилнинг майида ШХТ Москвадаги саммитида давлат бошлиқлари Кенгаши, ҳукумат бошлиқлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши, министрлик ва идоралар раҳбарлари Йиғини, Котибият, шунингдек, МАТТ ҳамда ШХТ котибияти қошидаги аъзо давлатларнинг доимий вакиллари ҳақидаги Низомлар тасдиқланди.

Давлат бошлиқлари томонидан Минтақавий антитеррористик тузилма Ижроия кўмитаси қароргоҳини Бишкекдан (Қирғизистон) Тошкент шаҳрига кўчириш, шунингдек, 2004 йил 1 январидан ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органлари – ШХТ Котибиятининг Пекин шаҳрида, МАТТ Ижроия кўмитасининг Тошкент шаҳри иш бошлаши ҳақида қарор қабул қилинди.

ШХТ ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2003 йил сентябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш Шанхай Конвенцияси, ШХТ Хартияси, аъзо давлатлар ўртасидаги МАТТ тўғрисида Битимга ўзгартириш киритиш протоколи имзоланиб, тегишли коммюнике қабул қилинди.

ШХТ асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;

– минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий-иқтисодий халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;

– терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;

– сиёсий, савдо-иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш, маданий, илмий-техникавий таълим, энергетика, транспорт, молия-кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

– аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шерикчилик асосида минтақада ҳар

томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;

– жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ёндашувларни мувофиқлаштириш;

– аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий қонунчилигига мос равишда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш;

– бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

– халқаро низоларни олдини олиш ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;

– ХХІ асрда вужудга келадиган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топиш.

ШХТ аъзо давлат қуйидаги тамойилларга таянади:

– давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тажовуз қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш ва куч билан тажовуз қилиш, чегара ҳудудларда бир томонлама устунликдан воз кечиш;

– барча аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳар бирининг нуқтаи назарини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш асосида ягона ёндашувларни излаш;

– умумий манфаатлар доирасида биргаликдаги хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич амалга ошириш;

– аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўллар билан ҳал этиш;

– ШХТ бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотга қарши қаратилмагани;

– Хартия ҳамда ШХТ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўлиқ ҳамда виждонан бажарилиши.

ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– минтақада тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш;

– барча аъзо давлатлар умумий манфаатлари мос бўлган ташқи сиёсий масалалар юзасидан халқаро ташкилот ва халқаро форумларда яхлит нуқтаи назарни излаб топиш;

– терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши биргаликда курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– қуролсизланиш ва қурол-яроғ устидан назорат қилиш масалаларида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

– минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулот, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайдиган савдо ҳамда инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратилишига кўмаклашиш;

– транспорт ва коммуникация соҳасидаги инфратузилмадан самарали фойдаланиш, аъзо давлатлар транзит имкониятларини такомиллаштириш, энергетика тизимини ривожлантириш;

– табиатдан, хусусан, минтақа сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, табиатни муҳофаза этиш борасида махсус дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш;

– табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

– ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий маълумотлар билан алмашиш;

– фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро муносабатларни кенгайтириш.

ШХТга аъзо давлатлар ўзаро келишув асосида ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириши мумкин. Ўз мақсад ҳамда вазифаларини бажариш учун ШХТ доирасида давлат раҳбарлари Кенгаши, ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлар) Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, вазирлик ва (ёки) идоралар раҳбарлари Йиғилиши, Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши, минтақавий антитеррористик тузилма (МАТТ), Котибият фаолият юритади.

ШХТни мустаҳкамлаш, унинг доирасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда 2003 йилнинг сентябрида Пекинда давлат раҳбарлари Кенгаши томонидан тасдиқланган ШХТ аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли Дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда олти давлатнинг 2020 йилгача амалий фаолиятининг йўналишлари, мақсад ҳамда вазифалари қайд этилиши билан биргаликда, уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм ҳамда минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Айниқса, иқтисодий соҳада, шу жумладан, минтақада транспорт коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни истиқболлари порлоқ.

Ўзбекистон ШХТ очиклик, бошқа давлатлар ва уюшмаларга қарши бўлмаслик, халқаро ҳамкорликни кенг ривожлантиришга тайёр бўлиш каби тамойилларини изчил амалга ошириш тарафдори бўлиб келмоқда.

ШХТ 2004 йилнинг 17 июнидаги Тошкент саммити ушбу ташкилот шаклланишининг якуний босқичи бўлгани ҳам янги ташкилий тузилмалар ва институтлар фаолияти муайян маъно-мазмун касб этаётгани қайд этилди. Чунончи, Пекинда Котибият фаолият юрита бошлади, Тошкентда минтақавий антитеррористик марказ шакллантирилди. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши муҳим амалий ишларни бажармоқда. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш фонди ҳамда ШХТ ишбилармонлар фондиди шакллантириш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз ташқи сиёсати конституцион концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг муҳим ташаббусларини баён этди. Аввало, давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари барқарорлигига таҳдид солаётган халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизм кучларининг фаоллашиб бораётгани катта хавотир уйғотаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, коммуникация ва транспорт соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сув-энергетика, хомашё захиралари ҳамда инсон салоҳиятидан ҳар бир давлат ҳамда минтақа манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш; минтақага ташқи инвестиция ва сармояларни жалб этиш билан боғлиқ долзарб масалалар кун тартибига кўйилди. Форумда хавфсизлик ва иқтисодиёт ШХТ асосини ташкил этиши лозим экани уқтирилди. Президентимиз фикрича, айнан ана шу икки асосга таяниб, ШХТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқаро обрў-эътибори, шунингдек, унинг дунёдаги ўзгарувчан вазиятга мослашувчанлиги таъминланиши зарур.

Ўзбекистон халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотрафикка қарши кураш ШХТ фаолиятини устувор йўналиши этиб белгиланганини шакл-шубҳасиз қўллаб-қувватлайди. Минтақавий антитеррористик марказ фаолияти айнан худди шу масалаларнинг ҳал этилишига қаратилган. Биринчи галда, нафрат ва терроризм ғояларини тарғиб этаётган турли радикал ва экстремистик марказларга қарши курашиш зарур экани таъкидланди.

ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталиб, Президент Ислом Каримов ушбу масалани ҳал этишнинг асосий йўли сифатида Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади. Зеро, бу масаланинг ҳал этилиши минтақа мамлакатлари ва халқлар туб манфаатларига мос келади. Россия, Хитой ва бошқа давлатларнинг фаол шериклик иштирокида умумий бозорнинг ташкил этилиши тор миллий доирадан ташқарида ягона ёндашув ва мувофиқлаштирилган қонуний меъёрлар амал қиладиган маҳсулот ва хизматлар, меҳнат ва капиталлар йирик бозорини шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган ҳамда ШХТ аъзо давлатларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, йўлак ва маршрутларни амалга оширишга қаратилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги Қарорида тасдиқланган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепциясига биноан ШХТ доирасида ўзаро алоқалар фаоллашмоқда. Бу ўринда эришилган натижалар қаторида фаолияти ман қилинган террористик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар рўйхати ва шундай жиноятлари учун кидирилаётган шахслар рўйхатини тузиш тўғрисидаги Ўзбекистон

ташаббусининг амалга оширила бошлангани, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши ШХТ аъзо давлатларнинг ҳамкорлик Концепциясининг тасдиқланганини таъкидлаш мумкин. Ушбу ташкилот билан муносабатларда комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда ШХТ масалалари бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, «Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши 2007 – 2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури» қабул қилинган. Аъзо давлатларнинг «Шарқ-анти-террор-2006» терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши симпозиумлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда ШХТ халқаро ҳамкорликнинг қудратли институти, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каби замонавий хавф-хатар ҳамда таҳдидларга қарши курашишнинг чинакам омилига айланиб бормоқда.

Айни пайтда минтақанинг бой захираларидан фойдаланишга қаратилган йирик савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТнинг келгусидаги ривож ва фаолиятига ёндошуви қуйидагича:

Аввало, Марказий Осиёда шиддат билан ўзгараётган вазиятга тайёр туриш лозим. Зеро алоҳида давлатларда ҳам, умуман, минтақа доирасида ҳам барқарорликни издан чиқариши мумкин таҳдидлар хавфи сақланиб қолмоқда. Бунга интилаётганлар етарли куч ва захираларга эга. Шу боис минтақадаги ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик тизими шундай йўлга қўйилиши керакки, у ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга дош бера олсин.

Айни пайтда, геосиёсий мақсадларни кўзлаган кучларнинг турли экстремистик ва айирмачилик тузилмалари билан тил бириктираётгани, шунингдек, радикал диний ташкилотлардан ўз мақсадларида фойдаланаётгани (эътиборлиси шундаки, бошқа вазиятда бу ташкилотлар террористик деб аталади) намоён бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар минтақада “бошқариладиган беқарорлик” деб номланган вазиятни вужудга келтириш, барқарорликни издан чиқариш, ўз таракқиёт моделини тикиштиришга йўналтирилган.

Минтақада халқаро терроризмнинг ҳамкори, бундаги вазиятни издан чиқараётган қудратли омил — гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикдир. БМТ маълумотларига кўра, кейинги йиллар мобайнида гиёҳванд моддалар экин майдонлари кенгайиб, героин ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Айни пайтда гиёҳванд моддалар саноат асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Афғонистонда жойлаштирилган чел эл контингенти бу жараёнларга деярли таъсир кўрсата олаётгани йўқ. Буларнинг барчаси борган сари жиддий

тус олаётган ўта хатарли таҳдидга қарши курашда ШХТ аъзо давлатлар саъй-харакатларини мувофиқлаштириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Рус сиёсатшуноси А.Миграняннинг таъкидлашича, минтақада ШХТ ва ЕврАзЭСнинг фаоллашуви жаҳон миқёсида глобал мувозанатнинг тикланишига, дунёдаги етакчи давлатларнинг хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга, биринчи галда, бутун минтақа барқарорлигини издан чиқариши ва модернизация жараёнларини тўхтатиши мумкин бўлган диний экстремизмга қарши биргаликда кураш олиб боришига зарур шарт-шароит яратиб беради.

Назорат саволлари

1. Ташқи сиёсат масалаларнинг (вазифаларнинг) векторларига таъриф беринг.
2. Ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари фаолият соҳаси сифатида муайян мухторияти ва аниқ ифода этилган билан ажралиб туради.
3. Дипломатия ташқи сиёсатнинг асосий механизми сифатида
4. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви деганда нимани тушунаси?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотлар маърузадан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

1-Мавзу: Халқаро муносабатларнинг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари (2 соат)

1. Халқаро муносабатлар тушунчаси. Халқаро муносабатлар предмети ва объекти. Халқаро муносабатларнинг мақсад ва вазифалари.
2. Халқаро муносабатлар жараёнини тадқиқ этиш методлари.

2-мавзу: Халқаро муносабатлар фанининг асосий йўналишлари (2 соат)

1. Халқаро муносабатлар фанининг асосий йўналишлари таснифи.
2. Реализм ва неореализм. Неолиберализм ва унинг хусусиятлари. Постмодернизмнинг асосий жиҳатлари.

3-мавзу: Халқаро тизим ва унинг хусусиятлари (4 соат)

1. Халқаро тизим тушунчаси. Халқаро тизим таснифи.
2. Халқаро тизим хусусиятлари.
3. Халқаро тизим муҳити.

4-мавзу: Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнлари (4 соат)

1. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳолатининг вужудга келиши.
3. Глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли.

5-мавзу: Жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг интеграциялашуви(4 соат)

1. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлар субъекти сифатида. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати концепцияси.
2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви.
3. Ўзбекистон ва ШХТ. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва МДХ.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-масала

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси бўйича
КАЗУС (Ажурли арра педагогик технологияси асосида)

<ol style="list-style-type: none">1. Ўртача умр кўриш2. 2002 йил 27 январда3. 2007 йилда.4. Вазирлар Маҳкамаси5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгар6. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазирлавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин7. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари8. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми9. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод....10. Конституциянинг 93-моддаси 16-банди11. Жиноят кодексининг12. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими13. 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар натижасида14. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари15. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғини16. Концепцияда таклиф этилган қонунлар сони17. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”18. Бошқарувнинг турлари19. “Stato”20. Конституциянинг 11-моддаси	<ol style="list-style-type: none">1. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 гага кўпайтирилди.2. 16 тани ташкил этади.3. Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.4. 67 ёшдан 73 ёшга ўсган.5. иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди.6. 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.7. 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий этилди.8. Нодавлат сектор таъминламоқда.9. икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.10. Давлат ва жамиятга тегишли бўлган бошқарув мақоми11. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципларига бағишланган.12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилди.13. Стратегик, оптимал, функционал14. Вазирлар Маҳкамаси.15. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилинди.16. ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

		<p>17. дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.</p> <p>18. Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича амалга оширилади.</p> <p>19. 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.</p> <p>20. «Президент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли» деган сўзлар билан тўлдирилган.</p>
--	--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

2-масала

Халқаро муносабатларнинг ривожланишига хизмат қиладиган умуминсоний, миллий қадриятлар - бу прогрессив қадриятларни ташкил этади.

Қадрият номи	Изох

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил таълим учун саволлар

1. Халқаро муносабатларнинг замонавий мактаблари.
 2. Халқаро муносабатлар тизими.
 3. Халқаро муносабатларни тизимий таҳлил этиш.
 4. Халқаро муносабатларнинг иштирокчилари.
 5. Халқаро муносабатларни ўрганиш методлари.
 6. Халқаро сиёсат.
 7. Халқаро муносабатларнинг субъектлари.
 8. Халқаро сиёсат иштирокчилари.
 9. Глобаллашув стратегияси ҳақида умумий тушунча.
 10. Халқаро тартиб тушунчаси.
 11. Халқаро сиёсатда куч-кудрат омили.
 12. Бир қутбли дунё.
 13. Қўпқутбли дунё.
 14. Ўзбекистон – халқаро муносабатларнинг субъекти.
 15. Халқаро сиёсат иқтисодиёти.
 16. Давлатларнинг ўзаро яқинлашув босқичлари.
 17. «Глобаллашув» тушунчаси.
 18. Халқаро муносабатларнинг нодавлат иштирокчилари.
 19. Глобаллашувнинг янги мустақил давлатларга таъсири.
 20. Глобаллашувнинг халқаро муносабатлардаги муаммолари.
 21. Глобаллашувнинг умумий таснифи.
 22. Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнига тортилиши.
 23. Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари.
 24. Глобаллашувнинг салбий жиҳатлари.
 25. Глобаллашув ва Ўзбекистон манфаатлари.
 26. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви.
 27. Янги жаҳон иқтисоди.
 28. Янги халқаро иқтисодий тартиб.
 29. Жаҳон хўжалигининг асосий тенденциялари.
 30. Трансмиллий корпорациялар.
 31. Трансмиллий корпорацияларини қабул қилувчи мамлакатларга ижобий ва салбий таъсири.
 32. Иқтисодий глобаллашув.
 33. Децентрализация жараёнлари.
 34. Минтақавий интеграция.
 35. Минтақавий давлатлараро ҳамкорлик.
 36. Минтақавий иқтисодий интеграция.
 37. Эркин савдо худуди.
 38. Умумий бозор.
 39. Сиёсий интеграция.
 40. Регионализм кўринишлари.
-

41. Неореализм.
 42. Неолиберализм.
 43. Регионализмнинг тизимий назариялари.
 44. Жаҳон сиёсатида минтақавий блоклар.
 45. Европа Иттифоқи.
 46. НАФТА.
 47. Америка эркин савдо худуди.
 48. Трансатлантик иқтисодий шерикчилик.
 49. Иқтисодий ҳамкорлик Осиё-Тинч океани форуми.
 50. Халқаро ташкилотларнинг турлари.
 51. Халқаро ташкилотларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни.
 52. БМТ – халқаро муносабатлар тизимида.
 53. НАТО – халқаро муносабатлар тизимида.
 54. МДХ – халқаро муносабатлар тизимида.
 55. ШХТ – халқаро муносабатлар тизимида.
 56. Халқаро иқтисодий ташкилотлар.
 57. Халқаро молиявий ташкилотлар.
 58. «Бахмал инқилоб»ларнинг халқаро муносабатларга ижобий ва салбий таъсири.
 59. «Рангли инқилоб»ларнинг халқаро муносабатларга ижобий ва салбий таъсири.
 60. Мусулмон Шарқи билан насроний Јарби ўртасидаги зиддиятларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
 61. Демографик муаммоларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
 62. Аҳолининг кескин ўсишининг халқаро муносабатларга таъсири
 63. Демографик муаммоларнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари.
 64. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари.
 65. Жаҳонда сув танқислиги муаммолари.
 66. Атроф-муҳит, табиат ва инсон ресурслари муаммолари
 67. Марказий Осиё минтақасида экологик ҳалокат.
 68. Глобал энергетик кризис таҳдиди
 69. Халқаро терроризм ва унинг халқаро муносабатларга таъсири.
 70. Ядро қуролининг тарқалиш таҳдиди ва унинг халқаро муносабатларга таъсири.
 71. Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар.
-

VII. ГЛОССАРИЙ

Давлат суверенитети – давлатнинг эмас, балки давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. Давлат суверенитети мамлакат ичкарасида ва ташқарисида давлатнинг фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг ушбу икки жиҳати, яъни биринчидан, давлат ҳокимиятининг мамлакат ичида устуворлиги, иккинчидан, бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ташқи алоқаларда мустақиллиги-яҳлит ва ажралмасдир. Суверен давлатлар бошқарилиш жиҳатдан - **монархия** ёки **республика** шаклида бўлиши мумкин.

Монархия - авлоддан-авлодга ўтаётган ҳокимиятга асосланган давлат. У икки ҳил бўлади : **мутлоқ** (Марокашда) ва **конституцион** - масалан : Япония, Испания, Канадада (ёки **парламентар** - масалан: Дания, Австралия, Англияда)

Республика - ҳокимияти сайлаш-сайланишига асосланган давлат бошқаруви. У ҳам икки ҳил бўлади - президентлик (масалан : Ўзбекистон, Россия, АҚШ) в парламентар (Хитой, Ҳиндистон, Ливияда)

Суверен давлатлар - унитар, федератив ва конфедератив шаклларда тузилиши мумкин.

Унитар давлат - халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида қатнашади (масалан, Ўзбекистон). Унитар давлатнинг таркибий қисмлари маъмурий-ҳудудий бирликлари)нинг ҳуқуқий субъекти билан боғлиқ масала юзага келмайди.

Ҳозирги вақтда **федерациялар** мураккаб давлатлар бўлиб, уларнинг таркибига бир қатор давлатлар ва давлат тўзилмалари киради (масалан, Россия, Ҳиндистон, АҚШ). Бунда федерация аъзолари (республикалар, штатлар, катонлар, ҳудудлар ва ҳоказо) муайян мустақиллигини сақлаб қолади, бироқ ташқи муносабатларда мустақил иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуққа эга бўлганликлари сабабли халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда федерация халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади.

Давлатнинг конфедерация шакли маълум бўлиб, у мустақил давлатларнинг умумий мақсадларни кўзлаб (масалан, ўзаро мудофаа, ташқи алоқалар ва ҳ.к.) тўзилган уюшмасидан иборатдир.

Конфедерация – бу икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ўзаро манфаатларни кўзлаб ёки бирон-бир муддатга тузган иттифоқидир. Конфедерация олдида қўйилган мақсадлар уни таъсис этиш ҳақидаги битимлар белгиланади (Биринчи Жаҳон уруши даврида : Австро -Венгрия, XX аср ўрталарида - Югославия, Чехословакия). Ҳозир конфедерациялар - маълум умумжаҳон манфаатни кўзлаб ташкил этилмоқда - ФИФА ва бошқалар.

Бетараф давлатлар (нейтралитет). Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган давлатлар орасида доимий бетараф (нейтрал) давлатлар алоҳида ажралиб туради. Доимий бетарафлик (нейтралитет) давлатнинг махсус халқаро ҳуқуқий мавқеи бўлиб, унга мувофиқ давлат ҳеч қандай давлат тарафида

урушга киришмаслиги ҳамда уруш олиб бораётган тарафларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслиги зарур. Доимий бетарафлик мақоми мазкур давлатга тинчлик вақтида ҳам маълум мажбуриятларни юклайди. Ҳозирда Швейцария, Австрия, Лаос, Мальта, Туркменистон доимий бетараф мақомига эга.

Дипломатия - юнонча “диплома”- “ёзувлар битилган тахтачалар” сўзидан олинган бўлиб. халқаро муносабатларни тартибга солувчи восита, институт.

Халқаро кафолат- халқаро ҳуқуқда халқаро мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Халқаро низо - давлатлар ўртасидаги узаро келишмовчиликларни ва зиддиятларни, хусусан тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинаётган вазият

Дипломатик ҳуқуқ – давлатнинг ташқи сиёсатида фаолият юритувчи давлат органларининг функциялари ва мақомини белгиловчи халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи

Геноцид - миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман қуйидаги ҳаракатлар орқали йўқ қилиб юбориш тушунилади.

Халқаро шартнома – бу давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги маълум бир масалаларни тартибга солиш мақсадида ўзаро келишув тартибида ёзма шаклда тўзиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат

Агрессия - бир давлатнинг бошқа давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши қуролли куч ишлатиш ёхуд БМТ Уставига зид бўлган бошқа воситаларни қўллаш

Ресторация – ўзи билан бир давлат томонидан бошқа давлатга нисбатан унинг манфаатларига зиён етказгани учун халқаро ҳуқуққа мос мажбурлов чораларини куллашга айтилади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик - бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бузувчи ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ёки субъектлари гуруҳига ёхуд бутун халқаро ҳамжамиятга моддий ва номоддий зарар етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир.

Чет эллик – ўзи яшаб турган давлат фуқоролигига эга бўлмаган, аммо ушбу давлат ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган ва бошқа бир давлат фуқоролигида бўлган шахс.

Аҳоли - маълум бир давлат ҳудудида ҳозирда яшаб келаётган жисмоний шахслар мажмуи тушунилади.

Давлат чегараси - давлат ҳудудининг давлат суверенитетининг кенглигидаги сарҳадларини белгиловчи чизик ва у бўйлаб ўтадиган вертикал

садхи, давлатнинг қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги чегаралари ҳамда ер ости бойликларини ажратишга имкон беради. Давлат чегараси муайян чизик ва мазкур чизик орқали ўтган вертикал текисликдир, у давлат ҳудуди қуруқлик, сув ва ҳаво чегаралари каби турлардан иборат. Қуруқликдаги чегаралар ва дарёлар, кўллар ҳамда бошқа сув хавзалари бўйлаб ўтадиган чегаралар чегарадош давлатлар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ ўрнатилади.

Қочоқлар - диний эътиқод, миллий ва ижтимоий келиб чиқиш, ирқчилик туфайли қувғинга олинган, ҳуқуқлари поймол этилаётганларнинг зўравонликдан қочган, фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмасдан ўз яшаш жойларини ташлаб кетган ва бошқа мамлакатлар ҳудудига пана излаётган шахслар

Давлатни тан олиш турлари :

вақтинча ёки бир мартага тан олиш - **ad hoc**
расмий , лекин нотўлиқ тан олиш - **de facto**
расмий, тўлиқ тан олиш - **de jure**

Ратификация - расмий ҳужжатни тан олиш ва унинг қоидаларига риоя қилишга аҳд қилиш.

Экстрадация - жиноятчини жиноий жавобгарликка тортиш учун, уни давлатдан сўраётган давлатга кўчириш.

Авторитар бошқарув – давлатнинг энг юқори бўғинидаги сиёсий ҳокимиятни яқка шахснинг кўлида мараказлашуви (автократия – яқка шахс томонидан бошқариш) ёки жамиятдаги энг обрўли тор доирадаги гуруҳ томонидан (олигархия – озчилик томонидан бошқариш) бошқаришни англатади.

“Евроосиё Иқтисодий ҳамжамияти” (ЕОИХ)ташкилоти– хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган. Аъзолари: Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон.

Ташқи иқтисодий сиёсат–давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадлар, қоидалар ва уларни амалга ошириш воситалари тизими ҳамда мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий - иқтисодий ривожланиш вазибаларини акс эттиради.

Ташқи савдо–чет мамлакатлар билан савдо–сотик ишларини юритиш, хорижга товар чиқариш ва хориждан товар келтиришни ўз ичига оладиган савдо.

Диний экстремизм–маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва мактаби остида мутасаддилар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади.

Диний ақидапарастлик–сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган арконлар асосида ҳал этмоқ

ниятидаги ҳаракатлар ва қарашлардан иборат. “Хизбут таҳрир ал–исломия” ташкилоти асосий мақсади: тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини вужудга келтириш, мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш, миллатлараро ва динлараро низоларни кўзга, мамлакатга қурол аслаҳа ва наркотик моддаларини олиб кириб, фуқароларнинг ҳаётига раҳна солиш ва пировард натижада мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни эгаллашдан иборат.

Диний бағрикенглик–хилма–хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминга, бир Ватанда олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши демакдир.

Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти–ШХТ–1996 йилда Шанхайда, 1997 йилда Москвада бўлиб ўтган Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг саммитида ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартнома имзоланди. Шу тариқа “Шанхай форуми” ёки “Шанхай бешлиги” ташкилоти тузилди. 2001 йил 14 - 15 июнь кунлари Хитойдаги навбатдаги саммитда Ўзбекистон Республикаси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилди. “Шанхай форуми” номи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти деб ўзгартирилди.

Миллатаро тотувлик – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири, муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

Миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўллари:

Биринчидан, давлат сиёсатида барча миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

Иккинчидан, қабул қилинган қонун ва қарорларда ҳамма миллатларнинг тенглиги, бойликлардан тенг фойдаланиш қабилар ўз ифодасини топади.

Учинчидан, миллатлараро можароларни ҳал қилишда сиёсий воситалардан фойдаланиш.

Барқарорлик –1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий узум элементларининг уйғунлиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллат, дин, қатлам ва бошқалар) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги.

Қисқартма сўзлар изоҳи

АДТ – Америка давлатлари ташкилоти.

АИ - Африка иттифоқи

АБТ – Африка бирлиги ташкилоти

АНЗЮС – Австралия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатлари.

БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

БОМКА – Марказий Осиёда чегараларни бошқаришга кўмаклашиш бўйича дастур

ЕИ – Европа Иттифоқи

ЕврОСИХ – Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти

ЕХХК – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш

ЕХХТ - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот

ЖССТ – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти
ИНОГЕЙТ – Европага нефть ва газ давлатлараро транспортировкаси дастури
КАДАП – Марказий Осиёда наркотикларни тарқатишни олдини олиш бўйича дастур
КХШТ – Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти
МДХ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
МДХ КХШ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси
МОХТ – Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти
НАТО – Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
ОҚХЖ – Оролни кутқариш халқаро жамғармаси
ТАСИС – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги учун техник ёрдам
ТРАСЕКА – Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори лойиҳаси
ЦАРИКЦ – Наркотикларнинг ноқонуний айланмаси билан кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот – мувофиқлаштирув маркази
ШХТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
ШХТ МАТТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси

Мулоқот гуруҳи “6+3”– Афғонистонда тинчликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуси. Мулоқат гуруҳи доирасида 1999 йилнинг июль ойида Тошкентда Афғонистон муаммосига бағшланган конференция чақирилди. Конференция натижаларига кўра, БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши резалюциясининг асосини ташкил этувчи “Афғонистонда конфликтни ҳал қилишининг асосий принциплари тўғрисидаги” декларация қабул қилинди. Мулоқат гуруҳи – Афғонистондаги мавжуд конфликтни бартараф этишга хизмат қилувчи амалий механизмдир. 2008 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “6+2” мулоқот гуруҳини унинг таркибига НАТОни жалб этиш орқали “6+3” га айлантириш ташаббусини илгари сурди.

МДХ – Халқаро амалиётда мустақил давлатларнинг “ҳамдўстлик” номи остидаги уюшмалари, одатда, собиқ мустамлака давлатларининг умумий манфаатлари замирида “норасмий клублар” сифатида юзага келган. МДХ таъсисчилари, шунингдек, “Ҳамдўстлик на давлат, ва на давлатлар устида турувчи тузулма” деган қонидани ҳам қайд қилишни зарур деб билдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда МДХнинг аҳамияти сезиларли бўлди. Ҳамдўстлик: хавфсизлик ва муҳофаа масалаларида ворисийликни таъминлади; СССР парчалангандан сўнг вазиятни кескин ёмонлашувининг олдини олди; Собиқ Иттифоқнинг ядро қуроллари тақдирини ҳал қилди; Собиқ иттифоқдош республикалар маъмурий чегараларининг халқаро ҳуқуқий мақомини расмийлаштиришнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқди; ва ҳ.к. МДХ нинг тарихий миссияси аввалги алоқаларнинг ворисийлигини таъминлаш ва унга аъзо давлатлар ўртасида суверен муносабатларни ўрнатишда/ мустахкамлашда намоён бўлди. Давлатлараро ҳамкорликнинг

ихтисослашуви натижасида Ҳамдўстлик “негиза” да янги институционал тузилмалар (КХШТ, ЕврОсИХ) ташкил топди. Улар бугунги кунда амалий аҳамият касб этувчи минтақавий институтларга айландилар ва авваллари МДҲ ваколатига кирган соҳаларда етакчилик қилмоқда.

НАТО – БМТ Низомининг 51- моддасида белгиланган коллектив мудофаа ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида 1949 йил Вашингтонда имзоланган Шимолий Атлантика шартномаси асосида тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ. Вашингтон шартномасининг энг муҳим қондаси 5-модда бўлиб, у ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Унга кўра, “Шартнома иштирокчилари Европа ёки Шимолий Америкада аъзо давлатларнинг бирон-бирига қарши амалга оширилган қуролли ҳужум уларнинг барчасига қарши ҳужум сифатида баҳолайдилар, ва бу каби ҳужум содир бўлган тақдирда, уларнинг ҳар бири БМТ Низомининг 51-моддасида белгилаб қўйилган индивидуал ёки коллектив тарзда ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш доирасида, бундай ҳужумга учраган шартнома иштирокчисига ёрдам кўрсатади.. ” Мазкур қоида НАТО тарихида илк бор 2001 йил 11 сентябрь воқеалардан сўнг амалда ўз аксини топди. НАТОнинг олий органи – Шимолий Атлантика Кенгаши. Кенгаш ташкилот фаолиятига оид муҳим қарорларни қабул қилади ҳамда НАТОнинг фуқаровий ва ҳарбий органлари фаолиятини назорат қилади. Кенгаш раиси НАТОнинг Бош Котиби ҳисобланади. Кенгашга қароргоҳи Вашингтонда жойлашган Ҳарбий кўмита бўйсунди. Сиёсий ва иқтисодий масалаларни муҳокама этиш мақсадида тегишли кўмиталар ташкил этилган. НАТО назорати остида бўлган ҳудуд уч кўмондонлик ва минтақавий режалаштириш гуруҳига ажратилган. Европадаги НАТОнинг Бирлашган қуролли кучлари Олий Бош кўмондони бошчилигидаги НАТОнинг Европа стратегик кўмондонлигига Нордкапдан Ўрта Ер денгизигача, Туркиянинг шарқий чегараларидан Атлантика океонигача бўлган ҳудудлар киради. Атлантикадаги НАТОнинг Бирлашган қуролли кучлари олий бош кўмондони бошчилигидаги Атлантика стратегик кўмондонлигига (қароргоҳи Норфолкда (АҚШ) Шимолий кутб ва Рака тропики оралиғидаги ҳамда Шимолий Америкадан Африка ва Европа қирғоқларигача бўлган ҳудуд киради. Шунингдек, Ла-Манш бўғози ҳудудида стратегик кўмондонлик мавжуд бўлиб, унинг фаолият доирасига Ла-Манш бўғози билан биргаликда Шимолий денгизнинг жанубий қисми киради. Канада-Америка минтақавий режалаштириш гуруҳи Шимолий Америкада умумий равишда олиб борилувчи НАТОнинг ҳарбий-мудофаа операцияларини мувофиқлаштириб боради.

Нейтралитет – давлатнинг халқаро ҳуқуқий мақоми бўлиб, унга мувофиқ, ушбу мақомга эга бўлган давлат уруш ҳолати юзага келган бирон-бир урушаётган давлат томонида иштирок этмаслик ҳамда урушаётган томонларга бевосита ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик мажбуриятини олади. Тинчлик даврида нейтрал давлат ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслиги керак. Нейтралитет доимий, шартномавий, уруш давридаги нейтралитет (ёки урушдаги нейтралитет) ҳамда декларатив бўлиши мумкин. 1815 йил Вена конгресси

декларациясига мувофиқ, Швецария доимий нейтралитет мақомига эга. Марказий Осиё давлатлари орасида Туркманистон ўз нейтралитетини эълон қилган. Унинг ушбу ҳуқуқий ҳолати БМТ Бош Ассамблеясининг “Туркманистоннинг доимий нейтралитети” тўғрисидаги резолюцияси билан тасдиқланган (1995 йил 12 декабрь).

ОҚХЖ – “Оролни қутқариш халқаро жамғармаси мақоми ва уни ташкил этиш тўғрисида”ги битимга (1999 й) мувофиқ таъсис этилган Марказий Осиё давлатлари уюшмаси. Марказий Осиёдаги минтақавий ташкилотлар тизимида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ўзига хослиги шундаки, у бевосита минтақанинг барча беш давлати иштирокида тузилган ва фаолият юритаётган ягона ташкилотдир. Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти нафақат Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни, яъни минтақавий экологик хавфсизлик масаласини, балки давлатлараро ҳамкорликнинг долзарб халқаро-ҳуқуқий муаммоси ҳисобланган минтақада сувдан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда ҳам коллектив механизм сифатида намоён бўлмоқда. ОҚХЖ ташкилий тузилмасининг таркибий элементлари қуйидагилар: Ижроия қўмита (унинг филиаллари Марказий Осиёнинг барча давлатларида мавжуд); Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси; “Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги ташкилотлари (БВО); Туркманистондаги Чўлларни ўрганиш институти қошидаги илмий-ахборот маркази.

Жамият хавфсизлиги – жамиятнинг маънавий ва моддий бойликлари/қадриятларини муҳофаза этилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи. Хавфсизлик субъектлари – шахс, жамият ва давлат – ҳамда уларнинг манфаатлари тизимида жамият хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг нисбатан субъектив индивидуал ва асосан коллектив элементи сифатида намоён бўлади.

КХШТ – 2003 йилда МДҲ доирасида имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома негизида таъсис этилган минтақавий-ҳарбий – сиёсий иттифок. Тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, коллектив асосда аъзо давлатлар суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш унинг Низомида белгилаб берилган асосий мақсадлар ҳисобланади. Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома 1992 йил 15 май куни МДҲнинг 6 давлати – Арманистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон томонидан имзоланган. 1993 йилда Шартномага Белорусь, Грузия ва Озарбайжон қўшилди. У 1994 йил 20 апрель куни ҳар беш йилда муддатини узайтириб бориш шarti билан барча иштирокчи-давлатлар томонида ратифиция қилинди ва кучга кирди. КХШТ 2004 йилда БМТ Бош Ассамблеяси кузатувчи мақомини олди. Давлат бошлиқлари кенгаши (Олий орган), Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудафаа вазирлари кенгаши, Хавфсизлик кенгаши котиблари қўмитаси ва Котибият КХШТ нинг асосий органлари ҳисобланади. Бугунги кунда КХШТ

доирасида терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг куч компонентлари шаклланиб бормоқда. Марказий Осиёда КХШТ ҳарбий бўлинмаларининг шаклланиши қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда: Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар (КСБР, тузилган); Оператив ҳаракатланувчи коллектив кучлар (КСОР, режалаштирилмоқда); ягона ҳаво ҳужумидан мудафаа тизими (ПВО, режалаштирилмоқда). Айни пайтда КХШТга етита давлат аъзо – Арманистон, Белорусь, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон.

Ўзини-ўзи мудафаа қилиш ҳуқуқи – давлатнинг бошқа бир давлатнинг қуролли ҳужуми натижасида бузилган сиёсий мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини тиклаш мақсадида қуролли жавоб чораларини амалга оширишга бўлган ажралмас ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси – “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида” ги Қонун давлат чегарасини – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда ,ер остида, ҳаво бўшлигида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат, деб белгилайди. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг узунлиги тахминан 7000 км ни ташкил этиб, шулардан: Қозоғистон билан 2376 км, Туркменистон – 1878 км, Тожикистон – 1283 км, Қирғизистон – 1295 км ҳамда Афғонистон – 156 км га тўғри келади. Бугунки кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг шартномавий-ҳуқуқий расмийлаштириш учта давлат – Афғонистон, Қозоғистон ва Туркменистон билан тугалланган. Афғонистон билан олдиндан имзоланган тегишли ҳалқаро шартномалар ҳуқуқий ворислик асосида Ўзбекистон учун ўзининг юридик кучини сақлаб қолди. Қозоғистон ва Туркменистон билан давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича тегишли шартномалар имзоланди. Тожикистон ва Қирғизистон билан давлат чегараларини делемитация қилиш жараёни якунловчи босқичига кирди.

Ядросиз ҳудуд – ҳалқаро шартнома асосида ядровий қуроолларни ишлаб чиқиш, жойлаштириш ҳамда синашни тақиқловчи режим ўрнатилган ҳудуд. Ядросиз ҳудуд ҳалқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айни пайтда жаҳонда 6 та ядросиз ҳудуд мавжуд – Антарктида (Антарктида тўғрисида шартнома, 1959 й), Африка (БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси, 1961.), Лотин Америкаси (Лотин Америкаси ядро қуроолини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ёки Тлателолка шартномаси, 1967 й.) Жанубий Тинч океани ядросиз ҳудуди (Раратонга шартномаси, 1985 й), Жанубий-Шарқий Осиё ядросиз ҳудуди (Бангкок шартномаси, 1995 й) ва Марказий Осиё ядросиз ҳудуди (Марказий Осиё ядро қуроолидан эркин ҳудудни яратиш тўғрисидаги шартнома, 2006 й). Ядро қуроолининг мавжуд бўлмаслиги ҳамда постсовет маконида “ядро қурооли устидан ягона

назорат”нинг сақлаб қолиниши зарурияти (МДХни тузиш тўғрисидаги шартноманинг 7-моддаси) марказий Осиёда минтақавий ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Назарий-методологик адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
4. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 28 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 9 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 февраль.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. /Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №1. 2017.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Фармони. /Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №6. 2017.

Асосий адабиётлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
2. Бирлашган миллатлар ташкилоти. Асосий омиллар. -Т., 2001.
3. Валентини К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиева А.К. Водные проблемы Центральной Азии. – Б.: 2004.
4. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – М., 2000.
5. Саидолимов С.Т. Проблемы безопасности в Центральной Азии. – Т., Академия, 2003
6. Стратегик рамкорлик. – Т., Шарф, 2002.
7. Нўсанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
8. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
9. Грани глобализации. Трудные вопросы современного разветия. –М.: Альпина Паблишер, 2003.
10. Розугрант М.В., Сай К.. Водный дефицит и продовольственная безопасность: альтернативное будущее ва 21 веке.// Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.
11. Шади А. Проблемы и возможности глобального развития орошения // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан – Автореф. Дисс.на соиск. степ. д.п.н. – Ташкент, 2002.
12. Современные международные отношения. / Под ред. А.В.Торкунова. –М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000.- С.70-93.
13. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. –М. : Логос, 2002, - С.38-39.
14. Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность // Мировая экономика и международные отношения. -№9, 1999. С.8.
15. Нўсанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
16. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
17. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. – СПб.: Питер, 2005
18. Касымова Н.А.Соединенные Штаты Маерики в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т., 2002.
19. Арах М. Европейский союз. –М.: ОАО изд-во “Экономика”, 1998.
20. Федякин А.В. Национальный интересы России и идеология политических партии: к постановке проблемы.// весн. Моск. Ун-та. - Сер.12 –Политические Науки.-1999.-№4. С.102.
21. Центральная Азия: по пути безопасности и сотрудничества (Материалы Ташкентского совещания-семинара по вопросам безопасности и

сотрудничества в Центральной Азии, 15-16 сентябрь, 1995 г.). – Ташкент, Узбекистан, 1995.